

3566 Г.  
Г-19

УЗБЕКИСТОН ССР  
СНЕСЯ ВА ИЛМИЙ БИЛДИЛГИ  
ТАРИХАТУВЧИ ЖАМНЯТИ

Ю. ГАГАРИН

КОМПОЗИЦИЯ  
ИЗ КОСМОСА

16-17-18-19

5-12  
УЗБЕКИСТОН ССР СИЕСИИ ВА ИЛМИИ  
ВИЛИМЛАР ТАРҚАТУВЧИ ЖАМИЯТИ

ЮРИЙ ГАГАРИН

СССР космонавт учувчиси, Совет Иттифоқи Қақрамони

# КОСМОСГА ЙҮЛ

*Космонавт хотиралари*

„Қызыл Узбекистон“ „Правда Востока“  
ва „Узбекистони Сурх“ бирлашган нашриёти

Тошкент — 1981

УРТАЧА ДАМБА  
УНИВЕРСИТЕТ



«Правда» газетасининг маҳсус мухбирлари  
Н. Денисов ва С. Борзенко адабий жиҳатдаш  
ишлиб нашрга тайёрлаган



«Правда» газетасида босилган текстидан таржима

Гагарин Ю.

Космосга йўл. Космонавт хотиралари. («Правда» газетасида босилган текстидан тарж.) Т., «Қизил Ўзб-н», «Правда Востока» ва «Ўзб-ни Сурҳ» нашриёти, 1961.

156 бет. (ЎзССР сиёсий ва илмий билим, тарҷат. жамияти).

Сарл. олдия авт.: Ю. Гагарин СССР космонавт учувчиси, Совет Иттифоқи Қадримони.

Гагарин Ю. А. Дорога в космос. (Записки космонавта).



Олимларимиз, ишиларимиз ва инженерларимиз барпо этган «Восток» кемасида космосга дунёда биринчи марта учиш менга — оддий совет кишиси, ҳарбий учувчига шониб топширилган күниәк, дархол кема құнгап районда «Правда» мухбири мендан ғыз ҳаётим, космик фазога үчгалигим ҳақида газетхонларга сүзлаб берши, кейинги ши планларим билан үртоқлашишини илтимос қилди. «Правда» редакциясингенінг бу илтимосини мамнуният билан бажо көлтираман.

Ю. А. ГАГАРИН

## СМОЛЕНСК ОБЛАСТИ — ТУҒИЛИБ ҰСГАН ЮРТИМ

...Мен оддий бир оилада туғилиб ўсдим, бу оила социалистик Ватанимиздаги миллион-миллион бошқа меңнаткаш оиласынан ҳеч бир фарқ қылмайды. Ота-онам оддий руслардан. Улуғ Октябрь социалистик революцияси уларга ҳам бутун халқимиз қатори кенг ва түрі ҳаёт йўлини очиб берди.

Отам Алексей Иванович Гагарин смоленсклик камбағал деҳқоннинг ўғли бўлиб, черков қавми учун очилган мактабда бор-йўғи икки йил ўқиган. Аммо у синчков одам бўлиб, кўп нарсани ўзи ўқиб ўрганган; Гжатск яқинидаги қишлоғимизда отам қўлидан кўп иш кела-диган моҳир уста бўлиб ном чиқарган эди. Деҳқончиликда ҳамма ишнинг уддасидан чиқарди, аммо кўпроқ устачилик ва дурадгорлик қиласарди. Унинг забардаст қўлларини рандадан чиққан сарғиши қиринди кўмиб ўтганлигини ҳали-ҳали эслайман, турли ёғочларни — чучмал клённи, тахир дубни, оғизни ловуллатадиган қарағайни ҳидидан ажратадиган; отам шу ёғочлардан кишиларга зарур нарсаларни ясаб берар эди.

Хуллас, металлга қандай ҳурмат билан қарасам, ёғочга ҳам ўшандай ҳурмат билан қарайман. Онам Анна Тимофеевна металл ҳақида кўп сўзлаб берар эди. Унинг отаси, менинг бувам Тимофей Матвеев Петрограддаги Путилов заводида слесарь бўлиб ишлар экан. Онамнинг айтишича, бувам зуваласи пишиқ, ўз ишига моҳир, юқори малакали ишчи бўлиб, бурганинг оғигига тақа қоқа олган ва бир парча темирдан гул ясай билган кишилардан эди. Бувам Тимофейни кўр-

маганман — у заводда авария вақтида фожиали ра-вишда ҳалок бўлган, аммо унинг хотираси, путиловчи-ларнинг революцион традициялари ҳақидаги хотира оиласизда узоқ сақланиб қолди.

Отам каби, онам ҳам ёшлигида маълумот ололган эмас, аммо кўп ўқиган ва кўп нарсани билади. У фар-зандларининг ҳар қандай саволига жавоб қайтара олар эди. Оилада тўрт боламиз: акам Валентин В. И. Ленин ўлган йили туғилган, опам Зоя ундан уч яшар ёш, ни-хоят, мен ва укам Борис.

Мен 1934 йил 9 мартда туғилганиман. Ота-онам колхозда ишлаб, отам дурадпорлик қиласар, онам эса со-ғувчи эди. Яхши ишлагани учун онамни колхоздаги сут-товар фермасининг мудири қилиб тайинлашди<sup>1</sup>. У эртадан то қоронги тушгунча фермада ишлар, юмуши бошидан ошиб ётар эди: гоҳ сигирлари туғиб қолади, гоҳ бузоқлари бесаранжом қиласар, гоҳ ем-хашак ташвиши тушади.

Қишлоғимиз чиройли: ёзда кўкаламзор бўлар, қишида эса ҳар жой-ҳар жойига қор уйилиб қолар эди. Колхозимиз яхши, кишилар мўл-кўлчиликда яшар эдилар. Уйимиз Гжатскга борадиган йўл ёқасида, четдан иккинчи эди. Ҳовлимизда олма, олча дарахтлари билан крижовник, қорағат ўсарди. Уйимиз орқасидаги чаманзор ўтлоқда болалар ялангоёқ бўлишиб лапта ва горелки<sup>1</sup> ўйнашарди. Уч яшар болалик чоғимни ҳозир ҳам яхши эслайман. Опам Зоя мени биринчи май бай-рамига, мактабга олиб борганди. Мен стулда туриб шу шеърни ўқиб бергандим:

«Деразада ўтирибди мушукча,  
Хурсандмикан, илжаяди намунча!..»

Мактаб ўқувчилари қарсак чалишганди. Мен бўл-сам, жуда мағрур эдим: умримда биринчи марта қар-сак чалишди-да, ахир.

Хотирам яхши. Жуда кўп ҳодисалар эсимда турибди. Баъзан, билдирамсдан томга чиқиб оласан-да, ден-гиздай бепоён колхоз далалари кўз ўнгингда намоён бўлади, илиқ шамол жавдар бошоқларини эгиб, тил-ларанг тўлқинларни гавдалантиради. Бошингни кўтарсанг, мусаффо мовий осмонни кўрасан... Шу латофат

<sup>1</sup> Россияда кенг расм бўлган спорт ўйинларидан бири.

бағрига киргандай, ер билан осмонни улаб турган уфқ сари сузид боргандай бўласан. Қайнин дарахтларимизни айтмайсизми! Боглар-чи! Дарёни-ку қўяберинг! Унга бориб чўмилар ва танга балиқ тутар эдик. Гоҳо болалар билан бирга онамнинг ёнига, фермага борардик, онам эса ҳар қайсимиизга бир кружкадан янги соғилган сут ва бир бурдадан иссиққина жавдар нони улашарди. Жудаям маза эди-да!

Онам бизга, ўз фарзандларига ва қўшни болаларга қараб туриб:

— Сизлар баҳтиёр болаларсиз, азаматлар, отанг билан бизнинг болалик давримиз бундай ўтган эмас,— деяр эди.

Бирдан хаёлга чўмиб, хомуш бўлиб қоларди. У хушрӯй, хўшмуомала. Онамни жуда яхши кўраман, эришганларимнинг ҳаммаси учун онамдан миннатдорман.

Амаким Павел Иванович ветеринария фельдшери бўлиб ишларди. Паша амаким бизникига келиб ётиб қолишини жуда яхши кўрардик. Пичаннинг устига қатор қилиб ўрин солишар, биз, болалар эса амаким билан ёнма-ён ётиб, гапга тушиб кетар эдик. Кўзимизни очиб, осмонга қараб ётар эканмиз, тепамиздаги тўп юлдузлар бир-биридан чиройли кўринар эди. Акам Валентин:

— Юлдузларда кишилар яшайдими?— деб сўрагани сўраган эди.

Паşa амаким мийифида кулиб қўяр ва ўйлаб туриб айтар эди:

— Ким билсин... Аммо юлдузларда ҳаёт бор деб ўйлайман... Миллионлаб планеталардан фақат Ернинг омади келган бўлиши мумкин эмас...

Ҳа деб мақтабга киргим келар эди. Акам ва опам каби кечқурунлари дарс тайёрлагим, пенал, тош тахта ва дафтар тутгим келарди. Мен кўпинча ўз тенгдошларим билан бирга мактаб деразасига сукланиб қарар, ўқувчиларнинг доскага чиқиб ҳарфлардан сўзлар тузишини, рақамлар ёзишини тамоша қиласар эдим. Ҳамма болалар қатори мен ҳам тезроқ катта бўлсан деярдим. Еттига кирганимда отам:

— Юра, шу кузда мактабга кирасан...— деб айтди.

Оиламизда отамнинг обрўси баланд эди. У қаттиқ-қўйл, аммо одил бўлиб, бизга — ўз фарзандларига ин-

тизом, катталарни ҳурмат қилиш, меңнатни севищдан биринчи сабоқлар берди. Отам ҳеч қачон дүк қилмас, сўкмас, шапалоқ урмас, ҳеч қачон беҳудага кўнгил олмас ва ноўрин эркаламас эди. У бизни талтайтирмас, аммо истак-орзуларумизга эътибор берар эди. Қўшниларимиз отамни яхши кўришарди ва ҳурмат қилишарди; колхоз правлениесида отамнинг фикрига қулоқ солишарди. Унинг бутун умри колхозда ўтди. Колхоз отамнинг иккинчи уйи бўлди. У инвалид, оёғи оқсоқ, шунинг учун ҳам граждан урушида жанг қилган эмас.

Якшанба куни отам бир вақт қишлоқ Советидан югуриб келди. Уни ҳеч қачон бунчалик серташвиш ва паришон кўрмаган эдик.

— Уруш! — деган бир сўзни айтди, холос.

Онам оёқлари титраб чалишиб, курсига ўтириб қолди, фартуғини юзига тутиб, товуш чиқармай йифлаб юборди. Дунё бирдаён қоронғи бўлгандай туйилди. Осмонни қора булат қоплади. Шамол туриб, кўчада чанг кўтарилди. Қишлоқда ашула ва ўйин-кулги таққа тўхтади. Биз, болалар хомуш бўлиб, ўйнамай қўйдик. Янги олинган аскарлар ўша куниёқ фанер чемоданларини жўтариб, аравада ва колхознинг юк машинасида жўнаб кетишиди. Фронтга жўнаётган йигитларни бутун колхоз кузатиб қолди.

Тошқин вақтидаги сув каби, уруш Смоленск облас-тилизга тобора яқинлашиб кела берди. Қочоқлар қишлоқдан шарпа каби жим ўтар, ярадорлар олиб ўтилар, ҳамма нарса қаёқладир мамлакат ичкарисига қараб юрмоқда эди. Фашистлар Минскни ер билан яксон қилиб гашлабди, Ельна билан Смоленск бўсағаларида қонли жанглар бўлмоқда, деган гаплар әшишилди. Аммо фашистларнинг ундан нарига ўта олмаслигига ҳамманинг ишончи комил эди. Сентябрь келди, мен тенгдошларим билан мактабга жўнадим. Бу узоқ кутилган тантанали кун эди. Синф билан танишиб, биринчи «А» ҳарфини ёзиш ва чўпда қўшишга кириша бошлишимиз билан:

— Фашистлар жуда яқинда, қаердадир Вязьма бўсағаларида... — деган гапни әшитилди.

Худди ўша куни қишлоғимиз тепасида қанотларига қизил юлдуз сурати солинган икки самолёт учиб ўтди. Улар мен кўрган биринчи самолётлар эди. Уларнинг қандай аталишини ўша вақтда билмасдим, лекин улар-

дан бири «ЯК», иккинчиси «ЛАГГ» бўлганини энди эслеётирман. «ЛАГГ» ҳаво жангида уриб туширилди, учувчиси уни нилуфар ва қамиш босган ботқоқликка кучининг борича судраб борди. Самолёт ерга тушиб синди, унда учган ёш йигит эса ерга яқин қолганда парашютсиз эсон-омон сакраб тушди.

Ботқоқлик ёнидаги ўтлоққа иккинчи — «ЯК» самолёти тушди. Учувчи ўз ўртоғини кулфатда қолдириб кетмади. Биз, болалар у ерга дарров югуриб бордик. Учувчиларни лоақал ушлаб кўриш, самолёт кабинасига киришни ҳар биримиз истар эдик. Ўзимизга нотаниш бензин исини жон-жон деб ҳидладик, машиналарнинг қанотларидағи тешик-ёриқларни санаб чиқдик. Учувчилар ҳаяжонланган ва серзарда бўлиб қолишган эди. Улар қўллари билан имо қилиб, дабдаласи чиққан бу самолёт немисларга қиммат тушганини айтдилар. Улар чарм камзулларининг тутгасини ечишган эди, гимнастёркаларидағи орденлар ялтираб кўринди. Булар мен кўрган биринчи орденлар эди. Ҳарбий мукофотлар олиш нақадар қийинлигини биз, болалар тушуниб олдик.

Қишлоқдаги ҳаммага қолса, учувчилар уйимда ётса, деяр эди. Аммо учувчилар тунни ўз «ЯК»ининг ёнида ўтказишиди. Биз ҳам ухламай, эрталабгача совуқда жунжишиб, улар билан бирга бўлдик. Эртаси куни учувчилар ўзлари ҳақида ёрқин хотира қолдириб учиб кетишиди. Ҳар биримиз учгимиз, улардай ботир ва чиройли бўлгимиз келарди. Мисли кўрилмаган ғалати бир ҳисни бошдан кечирдик.

Воқеалар тез авж ола борди. Қишлоқдан юк автомобилларининг колонналари шоша-пиша ўтиб кетди, ярадорлар олиб ўтилди. Ҳамманинг гапиргани эвакуация бўлиб қолди. Пайсалга солиб бўлмасди. Биринчи бўлиб Паша амаким колхоз подаси билан жўнаб кетди. Онам билан отам ҳам йўлга отланиши-ю, улгуриша олмади. Артиллерия канонадаси гумбурлаб, ҳамма ёқни ларзага келтирди, ёнғинлар алансасидан осмон қизарип кетди, қўққисдан қишлоққа велосипед минган немис самокатчилари бостириб киришди. Бирпастда алғов-далғов, аросат бўлиб кетди. Тинтувлар бошланди: фашистлар ҳамон партизанларни қидирар, тўстўпалонда яхши нарсаларни тортиб олар, кийим-кечакни ҳам, пойабзални ҳам тап тортмай олиб кетар эдилар.

Оиламизни уйдан ҳайдаб чиқариб, уни немис солдатлари эгаллаб олишди. Ертўла қазиб, ичига кириб олдик. Қечалар даҳшатли бўлар, осмонда Москва томонга учайтган фашист самолётларининг моторлари гувуллаб қулоқни батанг қилас эди. Отам билан онамнинг чиройи очилмас, қовоғи солиқ эди. Уларни оилализнинг тақдирига эмас, колхознинг бутун халқимизнинг тақдири ҳам ҳаяжонлантиради. Отам тун бўйи ухламай чиқар, совет тўпларининг гумбурлашини, қўшинларимизнинг ҳужум бошлишини кутиб, доим қулоқ осар, партизанлар ҳақида онам билан бесаранжом шивирлашар, Валентин билан Зояни ўйлаб ташвиш қилас эди. Валентин билан Зоя вояга етиб қолган, ёнверидаги қишлоқларда эса немислар ёшларни қулликка ҳайдаб кетмоқда эдилар.

На радио эшитар, на газета, на хат олар эдик — Россияда нима бўлаётгани ҳақида қишлоғимизга ҳеч қандай хат-хабар келмасди. Аммо немис қаттиқ калтак еганини бизниkilар тез орада пайқаб олишди. Яраланган ва совуқ олдирган гитлерчи солдатларни қишлоқдан олиб ўтдилар. Тунда отам оловни жўнаштириб, ертўладан юқорига чиқди-да, бирпас тургандан кейин қайтиб келиб, онамга:

- Отишайпти... — деди.
- Партизанлардир? — дея қайта сўради онам.
- Йўқ, муңтазам армия отаяпти. Бутун осмонни гумбурлатаяпти...

Солдатлар тушган немис машиналари, танклар ва тўплар эрталабдан берли қишлоқ орқали кетма-кет гувуллаб ўтди. У яқиндагина шарқقا қараб юрган армияга сира ўхшамасди. Кейин билсак, Москва остоналарида тор-мор келтирилган эсесчи дивизиянинг қолдиқлари чекинаётib, ёнимиздан ўтиб кетган экан. Ҳам-қишлоқларимизнинг ҳаммаси озодлик соатини кутарди. Аммо фашистлар мудофаа маррасини ушлаб тура олди, қишлоғимиз эса уларнинг яқиндаги ичкари томонида қолиб кетди.

Энди уйимизни бавариялик ашаддий бир фашист ёқтириб қолди. Назаримда, уни Альберт деб чақиришарди. У автомашиналар учун аккумуляторларни зарядлаб берар ва бизга, болаларга тоқат қила олмас эди. Бир вақт унинг мастерскойига укам Боря нима экан деб борганда бўйнидаги шарфидан тортиб, шу шарфи

билан олма бутогига осиб қўйгани, шундан кейин айғир отдаи ҳангиллагани ҳали ёдимда. Онам, албатта, Боряга ёпишди, бавариялик фашист эса онамни Боряга яқинлаштирмасди. Кишиларни чақирай дейман-у, — чақира олмайман: бамисоли Боряни эмас, балки ўзими осиб қўйишгандай, нафасим ичимга тушиб кетганди. Катта бўлганимда-ю, лаънати у фашистнинг расо таъзирини берган бўлардим...

Яхшиямки, бавариялик фашистни қандайдир бошлиғи чақириб қолди, мен онам билан Борис укамни қутқариб олдик. Уни ертўлага элтиб ҳушига келтиргуни мизча эсимиз кетди.

Биз, болалар катта ёшли кишиларга тақлид қилиб, немисларга сездирмасдан кучимиз борича заарар етка зардик. Йўлларга ўткир мих ва синган бутилкалар сочиб қўярдик, булар немис машиналарининг шиналарини тешиб юборарди, уйимизга хўжайн бўлиб олган Альбертнинг жонига тегиш учун двигателнинг газ чиқараидиган трубасига латта-путта ва ахлат тиқиб қўярдик. У мени ёмон кўрганидан, бир неча кунгача ертўлага яқинлаштирмади. Қўшниларникида ётиб юрдим, улар эса нуқул фашистларнинг қандай қилиб додини бериш ҳақида сўзлашар эдилар.

Фронт гарчи секинлик билан бўлса-да, барибир қишлоққа яқинлашиб кела берди. Буни артиллерия отишмасининг тобора қаттиқ гумбурлашидан ҳатто биз, болалар ҳам тушунар эдик. Тез орада фронтнинг олдинги чизиги жуда яқинга — уйимиздан атиги саккиз километр нарига келиб қолди. Қишлоқда немис қўшинлари қалашиб кетди. Уларга бизниkilар тўплардан ўқ ёғдириб ва самолётлардан бомба ташлаб турдилар. Айниқса тунда учадиган «ПО-2» самолётларимиз фашистларнинг додини берди. Улар тун бўйи чигирткадай чириллаб, «совға-салом» ташлаб турди. Биз шу тариқа олов ва тутун ичиди яшардик. Қечасию-кундузи яқин орадаги бирор нарса ёнарди.

Ҳеч нарса бизнинг диққат-эътиборимиздан четда қолмасди. Биз, болалар ҳамма нарсани кўрар, ҳамма нарсадан огоҳ эдик. Қишлоғимиз тепасидан олтита самолётимиз учуб ўтгани эсимда. Кейин бомбардимон овози эшитилди. Қарасак, қайтиб келишшаяпти. Аммо биттаси кам. Самолётлар олтита эди, бешта бўлиб қолибди. Ўша вақтда биз фақат ўнгача санай олар, айи-

ришни ҳали ўтмаган эдик, шунга қарамай биттаси камлигини тушундик. Қаерга кетди экан, деб ўйлай бошладик. Шу ерда экан у. Самолёт ёнар, аммо қўшинлар қалашиб ётган кўчанинг нақ тепасидан учиб, уларга ҳамма тўплардан ўқ ёғдирап эди. Фашистлар тумтарақай бўлиб кетди. Шовқин, қий-чув, саросима босди.

Самолёт ўз шерикларининг ёнига етиб олармикин ёки йўқмикин, деб ўйлай бошладик. Учувчи эса айланниб келиб, яна колонна устига тўғри келди. Энди у бомба ёғдирмоқда эди. Кейин эса ўзи ҳам немисларнинг орасига шўнғиб кириб кетди.

— Гастеллонинг ўзия! Гастеллодай қилдия! — дея қичқирдик биз.

Самолёт ҳам, учувчи ҳам ёниб кетди. Унинг кимлигини, қаерлик эканини қишлоқда ҳеч ким билолмади. Аммо унинг чинакам совет кишиси эканини ҳар ким биларди. У сўнгги нафаси қолгунча душманларни қира берди. Номи аниқланмаган қаҳрамон кун бўйи болаларнинг оғзидан тушмади. Ана шундай яшаш ва Ватанга жон фидо қилиш кераклигини ҳеч ким овоз чиқариб айтмаган бўлса-да, ҳар ким истар эди.

«Қаҳрамоннинг ўлими учун ким қасос олади? — дея ўйлай кетдик биз. — Унинг қандай ҳалок бўлганини ўртоқларига ким айтиб беради?»

Бу самолётни қишлоғимиз орқасидаги тепаликка окоп қазиб олган немис зенит тўпчилари уриб туширганини тез орада билиб олдик. Эртасига қасос қайтди. Эртасига ўшандай бешта самолёт учиб келди — уларнинг штурмчи «ИЛ»лар эканини энди биламан — ва зенит батареясини ҳам, унинг тўпчиларини ҳам ер билан яксон қилиб ташлади. Биронта ҳам фашист омон қолмади. Боплашди!

У вақтда қишлоғимиз бутун дунёдан ажралиб қолган, фронтларда нима бўлаётганини ҳеч ким билмас эди. Аммо бир вақт самолёт учиб келиб, бир пачка варақа ташлади. Варақалар бир гала оқ каптарлар каби осмонда узоқ айланиб юрди-да, ниҳоят, қишлоқ чеккасидаги қор босган ўтлоқقا тушди. Биттасини ушлаб олиб, кўз югуртирсам, расм кўрдим. Расмда: бир тўда калла суюкларининг устида тумшуғи Гитлерникига ўхшатиб ишланган қарға ўтирибди. Русча ҳарфлар ёзилган. Ўқий десам — ўқий олмайман. Фашистлар варақа олиб ўқиганларга қаттиқ жазо беришарди. Шу важдан, яқин

ўртада фашистлар йўқмикин, деб атрофимга қараб қўйдим, кейин варақани қўлтиғимга уриб, ертўлага югурдим. Зоя ўша ерда эди. У варақани ўқиб, хурсандлигидан кулиб юборди:

— Юрка, биласанми, қандай ғалаба қозонишибди!

Варақада Сталинград бўсағаларида гитлерчиларнинг тор-мор келтирилганлиги ҳикоя қилинган эди. Қувончимиз ичимизга сифмай кетди. Ҳамма ертўлаларда нуқул фашистларнинг маглубияти ҳақида сўзлашарди.

Тез орада бизнинг фронтимизда ҳам гумбур-гумбур бўлиб қолди. Совет қўшинларининг ҳужуми бошланди. Эсесчилар акам Валентин билан опам Зояни худди шу ерда ушлаб олиб, бошқа йигит-қизлар билан бирга колонна қилиб ғарбга, Германияга ҳайдаб кетишиди. Онам бошқа аёллар билан бирга колонна кетидан анча жойгача қўлларини юмдалаб борди, аммо уларни милтиқ қўндоғи билан уриб ҳайдаб юборишиди, уларга итларни гиж-гижлатишиди.

Бошимизга катта қайғу тушди. Бизгина эмас, қишлоқнинг ҳамма аҳолиси зор-зор йиглади. Фашистлар ҳар бир оиласдан бирон кишини қулликка олиб кетган эди-да, ахир.

Аммо қайғу чексиз бўла олмайди, шод-ҳуррамлик даври келди, келганда ҳам қандай денг! Ярим кечада ертўламизга оқ поча пўстин ва қулоқчин кийган, автомат кўтарган икки киши кириб келди. Отамга тамаки тутишиди ва сўраб-исташди. Улар бизнинг разведкамиз эди. Уруш бошидан берли биринчи разведкамиз шу бўлди. Ўзимизнинг ейдиган овқатимиз йўқ бўлса ҳам, онам разведкачиларнинг қорнини тўйдириш чорасини кўрди.

Разведкачилар жимгина келиб кетишиди. Худди ўшдагидай кўринди. Уларни ҳатто тонгдаёқ отамдан ўрадим. Отам бўлса менга ўсмоқчилааб қаради-да, сулиб айтди:

— Ўзим ҳам, тушда кўргандай бўлдим...

Бир кундан кейин немислар қишлоғимизни ташлаб сешишиди. Отам бизниkilарни қарши олгани чиқди ва ўлнинг фашистлар мина қўйган жойини қўрсатиб берди. Немис сапёрларининг ишлаганини отам тун бўйи зимдан кузатиб чиқсан эди. Узун пўстин кийган ва цинелига яшил погон тақсан полковнигимиз отамга

миннатдорлик изҳор қилди ва уни солдат каби қучоқ-лаб ўпди.

Отам армияга кетиб, уч киши — онам, мен ва Бориска қолдик. Энди колхозда ҳамма ишни аёллар билан ўспириналар қиласарди. Икки йиллик танаффусдан кейин яна мактабга кирдим. Мактабимизда тўртта синфни битта ўқитувчи — Ксения Герасимовна Филиппова ўқитарди. Бир хонада биринчи ва учинчи синфлар баравар ўқириди. На сиёҳ, на қалам, на дафтар бор эди. Синф тахтасини топишга топдик-ку, бўр топа олмадик. Эски газеталарда ёзишни ўргандик. Ўров қоғози ёки парча-пурча гул қофоз топилиб қолса, ҳамма курсанд бўлар эди. Арифметика дарсларида энди чўпларни эмас, балки патрон гильзаларини жамлардик. Биз, ўғил болалар ҳамма чўнтакларимизга гильза тўлдириб олар эдик.

Акам билан опамдан узоқ вақтгача ҳеч қандай хат-хабар келмади. Аммо қуллиқдан қочиб қишлоққа қайтиб келган қўшнилар Валентиннинг ҳам, Зоянинг ҳам фашистлар чангалидан қочиб кетиб Совет Армиясида хизмат қилиб қолганини айтишди. Орадан кўп ҳам ўтмай, дала почтасининг штампи босилган учбurchак хат келди, онамга бўғимлаб ўқиб бердим, уни бизга Зоя ёзганди. Хатига қараганда, кавалерия (отлик аскарлар) қисмида хизмат қилаётган экан. Кейин Валентиндан ҳам хат келди. У танкда фашистлар билан олишаётган, башня ўқчиси экан. Акам ва опам ҳаёт эканлигига суюндим, бошимизга не-не кулфатлар солган гитлерчиларни қираётганликларига янада кўпроқ қувондим.

Отам армия билан узоққа бормади. У ёшлигидан касалманд эди, немислар хўжайинлик қилиб турган даврда эса очликдан меъдаси ҳам яра бўла бошлаган эди. У Гжатскдаги ҳарбий госпиталда ётди ва шу жойда сафдан ташқари хизмат қилишга қолди. Хизмат қилиш билан бир вақтда даволаниб ҳам турди.

Уруш жуда узоқ чўзилиб, ҳамманинг юрагини эзди: ҳар кимнинг яқин-билишлари фронтда эди-да, ахир.

Почтальон ҳар бир ертўлада энг азиз меҳмон бўлиб қолганди. Кун сайин у гоҳ қувончли, гоҳ қайгули хабарлар келтириб туради.. Бироннинг орден билан мукофотланганини, бошқа бироннинг ўлдирилганини эшишиб турадик.

Синфимизда Европанинг эскигина картаси осиғлиқ турарди, биз дарсан кейин қолиб, қўшинларимизнинг ғолибона юришини кўрсатадиган қизил байроқчаларни картанинг бир жойидан иккинчи жойига суриб қўяр эдик.

— Совет солдатлари Бухарестни озод қилдилар!

— Софияни озод қилдилар!

— Югославия пойтахти бўлмиш Белградга кирдилар!

— Совет қўшинлари Германия тупроғида жанг ҳаракатларини бошлаб юбордилар!

— Улар ҳозир Австрияга киришибди,— Қсения Герасимовна кўзидан шодлик ёшлигини чиқариб, бизга шундай хушхабарлар айтиб турарди.

— Совет Армиясининг ғалабалари таъсири билан Европа мамлакатларида қаршилик кўрсатиш ҳаракати кенгаймоқда, партизанлар кураши авж олмоқда, фашистлар Германиясининг орқа томони ларзага келмоқда.

Биз карта олдида соатлаб туриб, географияни «Совинформбюро»нинг ҳарбий ахборотларидан ўрганирдик.

Дарсликлар йўқ эди, кўп болалар ўқишини қишлоқ советида солдатлар эсдан чиқариб қолдириб кетган «Пиёдаларнинг жанговар устави»дан ўрганиб олишиди.

Гарчи уставдаги кўп сўзлар тушунарли бўлмаса ҳам китоб болаларга ёқиб қолди, у ҳар бир ўқувчидан тартиб ва интизом талаб қиласарди.

Ҳамма, уруш қачон тамом бўларкин, деб кутарди. Бир вақт қишлоқ советидан онам югуриб келди, ундан ҳайдалган ер ҳиди келарди. Онам мени қучоқлаб ўпди-да, шу сўзларни айтди:

— Гитлер қапут бўлибди, қўшинларимиз Берлинни олишибди!

Мен кўчага югуриб чиқдим, бирдан қарасам, ҳаво жўнашиб кетибди, ташқарида баҳор бўлиб, боғлардаги гуллар очилибди, тепамда кўмкўк осмон кўринар ва тўрғайлар сайрашар эди. Ҳали мисли кўрилмаган қувончли ҳис-туйғулар ва фикрлар шунча кўп ёғилиб келдики, ҳатто эсанкираб қолдим. Опам билан акам тезроқ қайтса деб кутардим.

Шундан кейин беғубор, серқуёш, янги ҳаёт бошланган эди. Болалик давримдан қуёшни яхши кўраман!

миннэтдорлик изҳор қилди ва уни солдат каби құчоқ-  
лаб үпди.

Отам армияга кетиб, уч киши — онам, мен ва Бориска қолдик. Энди колхозда ҳамма ишни аёллар билан ўспириналар қиласынды. Иккى йиллик танаффусдан кейин яна мактабга кирдим. Мактабымизда түртта синфи битта ўқитувчи — Ксения Герасимовна Филиппова ўқитарды. Бир хонада бириңчи ва учинчи синфлар баравар ўқырды. На сиёҳ, на қалам, на дафтар бор эди. Синф тахтасини топишга топдик-ку, бүр топа олмадик. Эски газеталарда ёзишни ўргандик. Үров қофози ёки парча-пурча гул қофоз топилиб қолса, ҳамма хурсанд бўлар эди. Арифметика дарсларида энди чўп-ларни эмас, балки патрон гильзаларини жамлардик. Биз, ўғил боғалар ҳамма чўнтакларимизга гильза тўлдириб олар эдик.

Акам билан опамдан узоқ вақтгача ҳеч қандай хат-хабар келмади. Аммо қуллиқдан қочиб қишлоққа қайтиб келган қўшнилар Валентиннинг ҳам, Зоянинг ҳам фашистлар чангалидан қочиб кетиб Совет Армиясида хизмат қилиб қолганини айтишиди. Орадан кўп ҳам ўтмай, дала почтасининг штампи босилган учбурчак хат келди, онамга бўғимлаб ўқиб бердим, уни бизга Зоя ёзганди. Хатига қараганда, кавалерия (отлик аскарлар) қисмида хизмат қилаётган экан. Кейин Валентиндан ҳам хат келди. У танкда фашистлар билан олишаётган, башня ўқчиси экан. Акам ва опам ҳаёт эканлигига суюндим, бошимизга не-не кулфатлар солган гитлерчиларни қираётганликларига янада кўпроқ қувондим.

Отам армия билан узоққа бормади. У ёшлигидан касалманд эди, немислар хўжайинлик қилиб турган даврда эса очликдан меъдаси ҳам яра бўла бошлаган эди. У Гжатскдаги ҳарбий госпиталда ётди ва шу жойда сафдан ташқари хизмат қилишга қолди. Хизмат қилиш билан бир вақтда даволаниб ҳам турди.

Уруш жуда узоқ чўзилиб, ҳамманинг юрагини эзи-ди: ҳар кимнинг яқин-билишлари фронтда эди-да, ахир.

Почталъон ҳар бир ертўлада энг азиз меҳмон бўлиб қолганди. Кун сайин у гоҳ қувончли, гоҳ қайғули хабарлар келтириб турарди.. Бирорнинг орден билан мукофотланганини, бошқа бирорнинг ўлдирилганини эшишиб турардик.

Уруш тамом бўлди, отамни Гжатскда шаҳарни тиклашга қолдиришди. У эски уйимизн қишлоқдан шаҳарга кўчириб тушди-да, яна қуриб олди. Энди биз Гжатск шаҳридаги Ленинград кўчасида яшай бошладик. Мактабим ҳам энди бошқа бўлиб қолди. Мени Гжатскда педагогика билим юрти ҳузуридаги база мактабининг учинчи синфиға қабул қилишди. Бу билим юрти бошлангич синфларга ўқитувчилар тайёрлаб берарди. Бўлғуси педагоглар тўрт синфли мактабимизда практикадан ўтар эдилар.

Бизга Нина Васильевна Лебедева деган ёшгина ўқитувчи дарс берарди. Саводли, меҳрибон, кўп нарса биладиган бу аёл ҳар бир ўқувчи учун жон қўйдирар эди. У ҳамма фанлардан ўқитарди. Унинг баҳоларига кўра яхши ўқирдим. Нина Васильевна бизга Ленин ҳақида кўп сўзлаб берар, гимназияда ўқиган Володя Ўльяновнинг баҳолар, табели босилган житобни кўрсатар эди. Табелда сидирға беш баҳолар туради.

— Кўрдингизми, болалар, сиз ҳам шундай аъло ўқишингиз қерак,— деяр эди Нина Васильевна.

Синфдош ўртоқларим Владимир Ильининг портретларини ясашарди ва унга бағишлиб шеърлар ёзишарди. Кўпларимиз синфда сурат солар ва иншо ёзар эдик. Аммо мен унга қизиқмасдим — арифметикани кўпроқ севардим. Мактабимиз яхши эди, унда дилдор болалар ўқишарди. Кўп ўқувчиларнинг отаси йўқ — урушда ҳалок бўлган, кўплари эса фирм етим эди. Ҳар биримиз уруш кулфатини тортгандик, босқинчилар соглан даҳшатларни кўргандик, очлик ва ҳуқуқсизлик азобларини бошдан кечиргандик — на унутиб, на кечириб, бўладиган ҳамма уқубатларни тортгандик. Болалар эса вақти келиб вояга етади, катта бўлади.

Орадан икки йил ўтди, рус тили ва арифметикадан умримда биринчи марта имтиҳон топшириб, бошқа мактабга, бешинчи синфга ўтдим. У ерда пионер ташкилотига аъзо бўлиб кирдим. Пионерлар уйида мен духовой оркестрда шуғулландим, драма тўгарагига қатнашдим, мактаб ўқувчиларининг қўйган тамошаларида иштирок қилдим.

Шу вақт Лев Толстойнинг «Қавказ асири» деган китоби қўлимга тушди. Бу ҳикоя бутун ҳаётимда ёрқин из қолдирди. Рус офицери Жилин, унинг матонати ва жасорати менга жуда ёқди. Бундай одам ҳеч қаерда

хор бўлмайди. У қўлга тушганда асирикдан қочиб кетган ва иродаси бўш киши бўлмиш Костилиннинг қочишига ҳам ёрдам берган. Татар қизи Диңа ҳам ажо-йиб қиз бўлган. Ҳикояни қайта-қайта ўқир эканман, унинг қаҳрамонларини ўзим танийдиган кишиларимга таққослаб кўрар эдим. Акам Валентин ҳам асирикдан қочиб кетган-да, ахир. Ўзимга ёққан Жилиннинг хислатларини акамдан ҳам топдим.

Рус адабиётини синф раҳбаримиз Ольга Степановна Раевская ўқитарди. Жонкуяр, ғамхўр бу аёл оналаримизга ўҳшаб кетар — қаттиққўл ва меҳрибон, жиддий ва очиқ кўнгил эди. У бизни рус тилини севишга, китобни ҳурмат қилишга ўргатарди, ёзилган нарсани тушуниб олишимизга ёрдам берарди. Пушкин билан Лермонтовнинг қандай ишлашганини, уларни дуэлда қандай ўлдиришганини, Гоголь қандай адаб бўлганини, Крилов бобомиз ўз масалларини қандай ёзганини биз ўша аёлдан билиб олдик. Биз Максим Горькийнинг:

«Бўрон қуши мағрур учмоқда,  
Дам қанотин тўлқинларга уриб,  
Дам ўқ янглиғ булутларга кириб,  
Қийқирап у,— дов юрак, ўқтам»,

деган мисраларини декламация қиласардик.

Ўғил болалар билан қиз болалар бирга ўқишардик. Синфимиз аҳил, иноқ эди. Олтинчи синфда мени синф боши қилиб сайлышди. Ўша вақтда мен Валя Петров ва Женя Васильев билан дўстлашгандим, улар билан ҳали ҳам алоқа қилиб тураман. Иккаласи ҳам дилдор эди. Дарс тайёрлашда бир-биримизга ёрдам берардик. Петров ҳозир ҳам ўша ерда, Гжатскда, ремонт-техника станциясида ўрмон мелиорациясида техник бўлиб ишламоқда. Васильев қаердадир Москвада, уни энди албатта қидириб топиш керак. Биз билан Тоня Дурасова дўстлашганди. Ҳар нарсага қизиқадиган, мулоим, хушрў, хушмуомала қиз эди. Ҳозир у Гжатскдаги магазинлардан бирида сотувчи бўлиб ишламоқда.

Мактабда физикани Лев Михайлович Беспалов ўқитарди. Аломат одам! У армиядан келган ва доим по-гонсиз ҳарбий кител кийиб юрар эдӣ. Урушда авиация қисмида ё штурман бўлиб, ё ҳаво радисти-ўқчи бўлиб хизмат қилган бўлиши керак. Ёши ўтизларда

эди, аммо күпни кўрганлигини, кўп воқеаларни бошдан кечирганлигини юзидан билиб олса бўларди.

Лев Михайлович кичкина физика кабинетида бизга сеҳргарликка ўхшаб кетадиган тажрибаларни қилиб кўрсатарди. Бутилкага сув қўйиб, совуққа олиб чиқиб қўйса, гранатадек ёрилиб кетарди. Ё бўлмаса тароқни сочига суради-да, биз чирс-чирс овозини эшитамиз ва кичкина зангори учқунларни кўрамиз. У болалар эътиборини жалб этган, биз бўлсак физика қонунларини шеърдек осон ёдлаб олар эдик. Унинг ҳар бир дарсида янги, қизиқ, ҳаяжонли нарсаларни билиб олардик. Ерга тушган олма Ньютонга бутун дунёнинг тортилиш қонунини қашф этишда қандай қилиб ёрдам берганини биз Лев Михайловичдан билиб олдик. У вақтда, албатта, менга табиат билан курашишга тўғри келишини, ўша қонунни енгиб, Ердан кўтарила олишимни хаёлимга келтира олмасдим, аммо ўша вақтдаёқ менда ғалати ҳислар пайдо бўлди, алланима кўнглимга келди.

Мактабда пионерлар техника тўгарагини ташкил этишди. Лев Михайлович тўгаракка жонини берарди. Биз самолётнинг учадиган моделини тайёрладик, бензин билан ишлайдиган моторча топдик, уни қамишдан ясалган фюзеляжга ўрнатдик, қанотларини казен елими билан ёпиштирдик. Бу модель ҳавога парвоз қилганда расо хурсанд бўлдик! Биз билан бир қаторда математик Зинаида Александровна Комарова ҳам, илмий бўлим мудири, СССР Олий Советининг депутати Ираида Дмитриевна Троицкая ҳам хурсанд бўлишди. Лев Михайлович эса деярли жиддий тусда:

— Сиз, азаматлар, учувчи бўлишингиз керак...— деб ваъда берди.

## ИШЧИЛАР СИНФИННИНГ САФИГА

Гжатскда ўрта мактабнинг олтинчи синфини тугатгач кейинги тақдирим ҳақида ўйлай бошладим. Ўқигим келарди, албатта. Аммо ота-онам менга олий маълумот бера олмасликларини билардим. Уларнинг маоши кам, оиласиз эса олти жон эди. Аввало қандай бўлмасин ҳунар ўрганиш, ишчи малакасини олиш, заводга кириш, шундан кейингина маълумотни ошириш керак, деб жиддий ўйлаб кетдим. Кекса авлод,— Днепрогэс билан

Магниткани қурган, Турксиб йўлини очган, Амур бўйи-даги Комсомольскка асос солган кишилар шундай қилишган эди-да, ахир. Ҳозир ҳам, урушдан кейин кўп кишилар шундай қилмоқда эдилар.

Бу фикрларнинг ҳаммасини ёлғиз ўтириб хаёлимдан ўтказардим, маслаҳатлашадиган кишим йўқ эди — онам рози бўлмаслиги аниқ эди-да, ахир. Унинг назарида мен ҳали ҳам бола эдим. Аммо Гжатскдан жўнаб кетадиган бўлсам, фақат Москвага бораман, деб ўзимча бир қарорга келдим. Москвага ҳеч бормаган бўлсам ҳам пойтахтимизни яхши кўрардим, Кремль миноралари, Москва дарёсининг қўприклари, ёдгорликлар сурати солиб чиқарилган открытикаларни тўплаб юрардим. Гарчи ўзим расм солмаган бўлсам ҳам, Третьяков галереясини томоша қилишга иштиёқим катта эди. Қизил майдонда юришни, улуғ Ленинга таъзим қилишни орзуладардим.

Москвага боришига баҳонам ҳам бор эди. Қурилиш конторасида ишлайдиган амаким Савелий Иванович ўша ерда яшарди. Амакимнинг Антонина ва Лидия деган қизлари — амакивачча сингилларим бор эди. Уйда мени Савелий амакимнига юборинглар деганимда онам кўз ёши қилди, отам эса, ўйлаб туриб, шундай деди:

— Яхши ишга бел боғлабсан, Юрка. Боравер... Москвада ҳали ҳеч ким йўқолиб кетган эмас.

Гўё, еттинчи синфи тугатиш керак, деб ўқитувчилар райимни қайтаришди. Аммо ўша вақтдаёқ мен қабул қилган қарорларни ўзгартмасликка ўзимни ўргатдим. Йўл тайёргарлигини кўрдик. Поездда борар эканман, Москвада қандай қарши олишар экан, деб ҳаяжонландим. Амаким озгина маош олади, бунинг устига мен ҳам бориб уларнинг ошига шерик бўлсам ярашармикан, деб ич-этимни едим. Аммо мени яхши кутиб олишди, менга қолса жуда яхши қарши олишди, деяр эдим. Амакивачча сингилларимнинг боши осмонга етди.

Дастлабки кунлари сингилларим пойтахти ва унинг ҳамма чиройли жойларини кўрсатиб юришди, кеийин Тоня мени Любберцидаги қишлоқ хўжалик машиналари заводига олиб борди. У ердаги ҳунар мактабига ёшлардан олишаётган экан. Токарликка ўқийман, ҳеч бўлмаса слесарь бўламан, деб Гжатскдаёқ бир қарорга

келгандим. Бу ерда эса шундай нарса маълум бўлиб қолди: слесарлик ва токарлик бўллимларига етти йиллик маълумоти бўлганларгина олинаётган экан. Мен бўлсам фақат олти синфни битирғанман, йиғлагудек бўлдим!

— Хафа бўлма, йигитча,— деди ҳунар мактабининг директори,— сени қуювчиликка оламиз... Москвадаги Пушкин ҳайкалини кўрганмисан? Бу, қуювчиларнинг қилган иши, укам.

Бу гап менга таъсир қилди, узоқ ўйлаб ўтирамай, рози бўлдим: қуювчи бўлсам бўла қолай дедим.

Имтиҳонлар қийин эмасди. Имтиҳонлардан ўтганимдан кейин билим юртига қабул қилишди. Умримда биринчи марта формали кийим беришди — четига ишчи эмблемаси солинган фуражка, шинам гимнастёрка, шим, ботинка, шинель, оқимтири тўқали камар олдим. Ҳаммасини қадди-қоматимга ва бўйимга мослаб беришди. Уша куниёқ охирги пулимга сурат олдирдим. Суратларимни қўллимга олиб, ўзимми ёки ўзим эмасми, деб ишонмасдим. Суратларимни дарров уйимга ва ёр-биродарларимга жўнатдим, албатта: мана кўринг, офицерга ўхшаб жетганман-а, дегим келарди.

Бир неча кундан кейин мастер Николай Петрович Кривов бизни заводга олиб борди. Бу — машҳур завод. Николай Петрович бу ерда ишлаб чиқарилган машиналарни Совет мамлакатимизнинг ҳар бир жойидаги далаларда учратиш мумкин, деди. Люберци заводининг маркаси билан чиққан машиналар қишлоғимизда ҳам борлиги дарров эсимга тушди.

Дастлаб мастер бизга механика цехларини кўрсатди. Биз кўп станокларни қўрдик ва қайси станокда ниша ясалишини ҳали тушунмасдик. Сўнгра Николай Петрович бизни бўлажак иш жойимиз — қуюв цехига бошлаб борди. Бу ерда ҳангуманг бўлиб қолдик — ҳаммаёқда олов, тутун, эриган металл оқимларини кўрдик. Қаёқча қарамайлик, жомакор кийиб олган ишчилар ишламоқда эди.

— Ие, янги ишчилар келишдими,— деди баланд бўйли хўшмўйлов бригадир,— синчиклаб кўринглар, олов билан ишлашга ўрганинглар.— Шу онда ифтихор билан гап қўшди:— Олов кучли, сув оловдан кучли, ер сувдан кучли, одам эса ҳаммасидан кучли!

Юқоридан бирортаси узилиб тушиб, тегади, тешіб юборади ёки қайноқ металл отилиб кетиб, күйдіради, деб ҳаммамиз құрқардик. Николай Петровичнинг пинжига жирап, ундан бир қадам ҳам нари кетмасликка ҳаракат қылар әдік.

Кейин мастер бизни механизациялаشتырылған қуюв цехига бошлаб борди. У ерда оқ чүяндан машиналарнинг ўртача ва майдада деталларини қуийшмоқда әди. Мастер бизни термик печлар ёнига олиб борди, отжиг қилишни күрсатди, мұрт металлдан ёпишқоқ, қовушоқ, чүян қандай тайёрланишини тушунтириб берди. Шуниси қызықки, кечга яқин биз заводға ўрганиб қолдик ва аввал бошда құрққанимизча құрқмай қўйдик.

Орадан күп ўтмай мени опокасиз қолип тайёрлайдиган станокка қўйишиди. Менга қолипловчи ихтисосини ўргатишиди. Станок ёнида конвейер юриб турарди. Биз қолип қиламиз, стерженларни қўямиз, опокани ёпамизда, конвейерга ўтказамиз. Кечга яқин мастер ёнимизга келади. Бошини икки қўллаб ушлаб:

— Бу нимаси, қадрли ўртоқлар, нега сидирға брак қиласыпсиз? — дейди.

Стерженларни бир оз қийшайтириб қўйганимиз учун брак ҳақиқатан ҳам күп чиқаётган әди. Қандай ишлаш кераклигини мастер ҳар қайсимизга күрсатиб берди. Эртасига ишимиз юришиб жетди.

Биз, ҳунармандлар ёғоч уйдаги ётоқхонада турардик. Үн беш киши ётадиган хонамиз биринчи қаватда әди. Биз тотув, аҳил яшардик. Ҳамма ишда тартиб бор әди: баравар туриб, баравар ётардик, ошхонага бирга борардик (бизни бепул боқишаради), кинога ва ёнимиздаги стадионга биргалашыб югурадик.

Ҳунармандлар хаёлпараст кишилар бўлади. Ўша вақтда биз қаҳрамонлик ҳақида күп баҳслашардик. Қаҳрамонлик ҳар хил бўлади, дейишарди. Шундай қаҳрамонликлар борки, улар одамдан бир зумда қарор қабул қилишни, ҳаёт билан мамотдан бирини танлаб олишни талаб этади. Биз бундай қаҳрамонликларга Николай Гастелло билан Александр Матросовнинг мардонавор ишларини қўшгандик.

Аммо бизга қаҳрамонликлар кўпроқ ёқарди. Халқ булар ҳақида бутун умр — сидирға қаҳрамонликдир! — дейди. Бу сўзнинг маъноси шуки, одам бутун умрини,

битта, асосий мақсадга бўйсундиради ва шу мақсадга етиш учун ҳормай-толмай курашади. Владимир Ильич Лениннинг ҳаёти бунга энг ёрқин мисолдир.

Кутубхонамизда Ленин ҳақида қандай китоблар бўлган бўлса, ҳаммасини ўқиб чиқардик.

Биз Артемнинг революцион фаолиятига қизиқар, М. В. Фрунзенинг таржимаи ҳолидан завқ қиласар эдик. Подшо суди томонидан ўлимга ҳукм қилинган М. В. Фрунзе турмада ётар экан, кунимга яраб қолар, деб ажнабий тилларни ўзича ўқиб ўрганганди. Ажнабий тиллар кунига яраб қолди: у қамоқдан қочиб кетган эди-да, ахир. Фрунзе чиндан ҳам «битта, аммо оташин эҳтирос»ни биларди. Биз Михаил Васильевичнинг қуйидаги сўзларини ётоқхонада барага овоз билан ўқир эдик, улар ҳали-ҳали эсимда: «Биз, ўлимга маҳкум этилган кишилар аксари эрталаб соат бешларгача мижжа қоқмай, ҳар бир шитир-шитирга диққат билан қулоқ солиб чиқардик...» Бу фожиали соатлар эди. Шу пайт ҳамманинг кўз олдида маҳкумларни осгани олиб кетишарди. Вазмин табиатли ўртоқларнинг: «Алвидо, умр! Ҳуррият, хайр!» деганини эшишиб қоласан киши. Бора-бора занжир ва кишанларнинг шақир-шуқури ўчади. Сўнгра турманинг темир эшиги ғичиллаб ёпилади-да, сув қўйгандай жимлик чўкади. Йигитлар ўтиришиб: «Эртага кечаси кимнинг навбати экан? Мана бешинчисини олиб кетишиди» деб ўйлай бошлашади. Кўз ёшлари кўп тўкилмасди».

Бу ҳаяжонли сатрларни эслатиб ўтаётганимнинг боиси шуки, жекса авлоднинг революцион кураши қурбонлар бериш ва доимо қаҳрамонлик кўрсатишни талаб этганини ёшлар билиб қўйишин.

Цех менга ёқиб қолди. Токарларга ҳавасим желмай қўйди. Ишим юришиб кетди. Завод биринчи гудок бериши биланоқ уйқудан туриб ва совуқ сувда ювиниб, кўчага чиқишини, завод йўллагига ошиқиб туруллаб кетаётган ишчилар орасига киришни ёқтириб қолгандим. Мен ишга ҳамиша ифтихор қилиб борар эдим. Бу ифтихор кундан кунга мустаҳкамлана борди: катта ёшдаги, малакали ишчилар биз, ҳунармандлар билан худди тенг қурлардай гаплашар эдилар. Биринчи маош олиш пайти ҳам келди. Маошим кам — атиги ўттиз сўм эди, албатта. Аммо у биринчи марта ишлаб топган пулларим эди. Пулнинг ярмини Гжатскдаги онамга рўзғор учун

юбордим. Ота-онамга ёрдам беришни, ўзимни катта ёшли кишидек ҳис қилишни жуда ҳам хоҳлардим.

Биз ҳунар мактабида бир йўла назарий ва амалий тайёргарликдан ўтардик. Синфда ўтиладиган дарсларга болаларнинг унча ҳуши бўлмаганлигини эътироф қилиш керак. Улар қолип қилинадиган тупроққа, эритилган металлга кўпроқ қизиқар эдилар. Аммо бизнинг кичкина, кўримсиз кекса ўқитувчимиз бўларди. Афсуски, фамилияси эсимдан чиқиб кетибди. У чизмачиликдан дарс берарди. Бир вақт менга бир деталнинг, сўнгра ижкинчи, учинчи деталнинг чизмасини буюорди. Тобора мураккаб чизмалар топшира берди. Мен бу ишта қизиқиб қолиб, пировардида мураккаб чизмаларни яхши чизадиган ва ўқийдиган бўлиб қолдим. Бу уқув келажакда керак бўлиб қолишини билардим.

Гарчи ўқиётган бўлсам ҳам, янада жўпроқ ўқигим келарди. Кутубхонадан техникага доир китоблар олиб турардим ва бир кечаю-кундуз атиги 24 соат эканлиги жигимга тегарди. Ҳамма нарсага вақт етишмасди. Фашистлар оккупацияси вақтида бекор ўтган йилларга ачинардим. Мен бирор техникумни тамомлаб, институтга кириш ва инженер бўлиб чиқиши орзу қиласардим. Аммо институтга кирмоқ учун ўрта маълумот керак эди. Ўртоқларим, бизнинг областдан (Смоленск областидан) келган Тимофеј Чугунов ва Калуга обlastидан келган Александр Петушков билан бирга Люберцидаги 1-кечки мактабнинг еттинчи синфига кирдик. Биз бир-биримизга далда берар, бир-биримизга кўмаклашар, ҳамиша учаламиз бирга имтиҳон топширас эдик.

Ҳазилакам қийин бўлмади. Заводда ишлаб туриб, ҳунар мактабидаги назарий ўқишини еттинчи синфдаги дарслар билан қўшиб бориш керак эди. Бу ердаги ўқитувчилар ҳам яхши экан. Ўқитувчилардан умрбод омадим бор экан.

Мен атиги бир йил ўқидим. Бу 1950/51 ўқув йили мен учун бетинч ва бесаранжом йил бўлди. Кўнглим доим аллақаёқларда юрар эди.

Яна ўқигим келаётганини ва маълумотли бўлмаганимча ўқишини ҳеч қачон ташламаслитимни пайқаб, ўқитувчиларим Ленинград физкультура техникумига киргин, деб таклиф этишди, чунки мен завод ишчилари орасида яхши спортчи бўлиб танилган, мусобақаларда

неча марталаб мукофотга сазовор ўринларни әгалла-  
ган эдим.

Мен Митишидаги синовлардан ўтдим, сүнгги имти-  
ҳонни беш баҳога топшириб, Люберцига қайтдим. Бу  
ерда эса менга қуюв ихтисоси бўйича Саратов инду-  
стриал техникумига киргин, дейишди.

— Спорт билан,— дейишади менга,— ҳар қаерда  
шуғуллансанг бўла беради.

Рост айтишди! Ҳар бир спортчи нечоғлик мастер  
бўлмасин, бирор ихтисосга эга бўлиши ва унумли меҳ-  
нат қилиши керак. Одам спорт учун яратилган әмас,  
балки спорт одам учун яратилган!

Чугунов, Петушков ва мен ҳунар мактаби директо-  
рининг ҳузурига кириб, Саратов индустрисал технику-  
мига юборишини илтимос қилдик. У илтимосимизга ас-  
тойдил қулоқ солди. Биз бепул билет олиб, поездга  
ўтиридик ва Волга сари йўл олдик.

Саратов бизга ёқиб қолди. Биз бу шаҳарга август-  
да келдик. Мичурин кўчасидаги ётоқхонага, 21-уйга  
жойлашдик ва дарров Волга ёнига бордик. В. И. Ленин  
шу гўзал дарё қирғозларида туғилган. Биз кенг Волга  
тепасида узоқ туриб, унинг тез оқишини, бепоён узоқ  
жойларни завқ билан томоша қилдик. Бу манзара биз-  
нинг кайфиятимизга мос тушарди, чунки биз ҳали то-  
тиб кўрмаган янги ҳаётга қадам қўйган, студент бў-  
либ қолган эдик.

Техникумга келганларнинг ҳаммаси имтиҳонлар  
қандай ўтар экан, деб ҳаяжонланарди. Биз, Люберци-  
дан келганларга эса имтиҳон беришимизнинг ҳожати  
йўқ — биз ети синфда аъло баҳолар олганмиз. Бирдан-  
бир талаб шу бўлдики, ишлаб чиқариш практикаси бў-  
йича синовдан ўтиш керак эди. Аммо ҳар биримиз бе-  
шинчи разрядли қуювчи-қолипловчи бўлганимиз учун,  
албатта, синовдан бемалол ўтдик. Умуман олганда, си-  
новни ҳамма яхши топшириди, чунки студентларнинг  
кўпчилиги техникумга ишлаб чиқаришдан келган эди-  
да. Кўл студентлар биздан анча катта эди, техникадан  
ўрта маълумот олиш иштиёқида юрган мастерлар ҳам  
келганди.

Бизни техникумга қабул қилишгандан кейин дирек-  
торимиз:

— Қани, студентлар, ҳозирча, дарслар бошлангунча

колхозга бориб, ўрим-йигимга ёрдам беринглар...— деди.

Биз юк машиналарига ўтириб, Саратовдан саксон километрча наридаги колхозга жүнаб жетдик. У ерда буғдойни хирмонда янчиб, Екатериновкадаги элеваторга ташиб бердик. Икки ҳафтача ишладик, колхоз правлениеиси миннатдорчилек билдири ва биз ўша машиналарда шаҳарга қайтиб келдик.

Техникумда дарслар бошланиб жетди. Техникум Сакко ва Ванцетти күчасида эди. Бу ердаги шарт-шароит ўрта мактаб билан ҳунар мактабидагидан жиддийроқ эди. Талаблар ҳам қаттиқроқ, ўқув базаси ҳам каттароқ — лабораториялари, кутубхонаси, турли ихтинослар бўйича жабобалари бор эди. Бизнинг групмизда Совет Иттилоғининг турли шаҳарларидан келган 35 киши ўқирди. Уларнинг орасида Улуғ Ватан урушида қатнашган, орденли, коммунистлардан бир неча киши бор эди; улар уйланган, бола-чақали кишилар эди. Уларнинг ҳаммаси илмга ташналигидан, мамлакатга мумкин қадар кўпроқ фойда келтириш иштиёқи борлигидан шу ерга ўқишига келганди.

Аввалига янги билимлар зўрға ўзлаштирилди. Мактабда ўқишидан узоқлашиб қолган кишилар ҳадеб «иккни» баҳо олишарди. Учаламиз — Петушков, Чугунов ва мен тузук ўқиб турдик; ҳали ҳамма дарслар эсимиздан чиқмаганди. Бизни «москвалик ажралмас дўстлар» деб чақиришар, кўпинча ёрдам сўраб бизга мурожаат қилишар эди, биз бўлсак ўртоқларимизга иоаниқ масалаларни тушуниб олишда бажонудил ёрдам берардик. Баъзи студентлар айниқса математикадан қийналишарди. У шундай фанки, икки-уч дарсни қолдирсанг, бирор формула ёки қоидани яхши билиб олмасанг, кейинги дарсларга тузук тушуна олмайсан. Биз учаламиз ҳам математикани яхши кўрадик. Бизнинг замонимизда, атом асрида математикасиз иш кўриб бўлмаслигини тушунардик. Ҳамма нарса аниқ ҳисобларга асосланади. Ҳар биримиз логарифм чизғичи сотиб олишини орзу қиласардик.

Техникумда ўртоқларча ўзаро ёрдам руҳи ҳукм сурарди. Биз, ёшлилар катта ёшли кишиларнинг юриш-туришига қарап, уларнинг фикрига қулоқ солар, уларга тақлид қилишга интилар эдик. Илгари фронтчи бўлган кишилар: «Ўзинг ҳалок бўсанг ҳамки, ўртоғингга ёр-

дам бер» дейишарди. Уларда қандайдир таниш, яқин нарса бор эди. Уларнинг ҳар бирида мен урушнинг дастлабки кунлари қишлоғимизда ўзим кўрган ва довюраклиги билан хаёлимни мафтун этган икки учувчининг хислатларини топардим. Техникум менга ҳам, ҳамма комсомолларга ҳам билим мактаби бўлиш билангина қолмай, ажойиб турмуш мактаби ҳам бўлди.

Кундан-кунга студентлар дарсларга тобора кўпроқ ҳавас қилиша борди. «Икки» баҳолар секин-аста йўқолиб, ўрнига «уч» баҳолар пайдо бўла берди, пировардидаги эса булар ҳам деярли йўқ бўлиб кетди. Бўш вақтларимизда биз спорт билан кўп шуғулландик, баскетбол командаси ташкил этдик. Мен ҳунар мактабидаёқ бу чаққон, жонли ўйинга берилиб кетгандим. Бизнинг командамиз шаҳар мусобақаларида қатнашиб, Саратов техникумлари орасида биринчи ўринни олганди. Қишида биз спорт залида ҳафтада уч мартағача машқ қиласардик. Толя Виноградов деган дўстим бўларди. У мени чангидаги учишга чақиргани чақирган эди. Мен бўлсан баскетболни аъло қўрардим. Чангидаги ҳам учардим, аммо бошқалардай кўп ва тез-тез учмасдим.

Ётоқхонада мен турган хонада ўзимдан ташқари яна ўн тўртта йигит бор эди. Ўйинг тор бўлса ҳам, кўнглинг кенг бўлсин деганларидек, аҳил яшардик. Кечқурунлари болалар шахмат ўйнаб тураган, ҳатто турнир ташкил қиласардик. Аммо мен турнирларда қатнашмасдим, ҳаракатли ўйинларни кўпроқ ёқтиардим, бир жойда соатлагуб ўтира олмасдим.

Биз озгина стипендия олардик — биринчи курсда ойига эллик сўм, охири курсда эса юз сўмдан стипендия беришарди. Гарчи давлат бизни кийинтирса, боқса ҳам, ўйлаб харажат қилишимизга тўғри келарди. Аммо биз театрга боришига ҳам, кинога боришига ҳам пул топардик. Саратовда яхши опера театри бор. Мен бу театрда Дартомижскийнинг «Русалка», Бизенинг «Кармен», Чайковскийнинг «Пиковая дама» операларини кўрдим. Глинканинг «Иван Сусанин» деган операси менда катта таассурот қолдирди. Спектаклни томоша қиласар эканман, Россия душманларига қарши курашган рус халқи билан бирга саҳнадай ҳис қилдим.

Биз кинога тез-тез бориб туардик. Одатда тўдалашлиб борардик, чунки техникумда қизлар ҳам ўқир эди. Ҳар бир фильмдан кейин албатта фикр олишар,

баҳслашар эдик. Борис Полевои китобидан олиб ишланган «Чин инсон қиссаси» фильмни менга ёқди. Мен бу фильмни бир неча бор кўрдим ва китобини ҳам қайта-қайта ўқиб чиқдим. Унда совет кишисининг иро-да кучи яхши кўрсатилган. «Чин инсон қиссаси» қаҳрамонининг прототипи Алексей Маресьев Жек Лондон асарларидағи менга ёққан қаҳрамонлардан кучлироқ, иродаси ва шижаоти менга яқин эди. Маресьев тушган қийин аҳволда қолсам нима қилар эдим, деб ўйлаб кўярдим. Лилиан Войнич яратган «Сўна» романини болалигимдан берли яхши кўраман. У ўғил болаларнинг севимли қаҳрамони эди. Мен романда шу сатрларни ўқидим: «У Монтанелли тушириб қўйган дастўрмолни қўйнига яшириб олганди. У ана шу дастўрмолни кетмакет ўпди ва тирик маҳлуқ устида йиғлагандай, дастўрмол устида тун бўйи йиғлаб чиқди...». Ўқиб бўлиб, рижимланган шу дастўрмолни кўз ўнгимга келтиридим, унинг шўр намини сездим, солдатларнинг Сўнага ўқ отган овозини әшийтдим.

Мен Сўнани яхши кўрадим, Маресьевни эса ундан ҳам яхши кўриб қолдим. Маресьев менинг замондошим бўлиб, биз билан бир ерда яшарди, у билан учрашгим, унинг мардонавор қўлини қисиб кўришгим келарди.

Бизга адабиётни Нина Васильевна Рузанова ўқитарди. Жуда ғамхўр, жонкуяр бу аёл ҳар бирингиз албатта ўқиб чиқинг деб китоблар рўйхатини тузиб берди. Ўз вақтида Максим Горький таҳрир қилган «XIX асрдаги йигитнинг тарихи» деган серия ўша рўйхатда бор эди. Нина Васильевна Рузанова бизни рус ва жаҳон класик адабиётининг дурданалари билан таништириди. Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романини қандай ҳаяжон билан ўқиганимни ҳали ҳам эслайман. Бу ажойиб китобда Ватанимизни Наполеон ҳужумидан ҳимоя қилган тўпчи Тушин, полк командири князъ Андрей Болконский, офицерлардан Ростов, Долохов, Денисовнинг образлари ва жангу жадал манзаралари менга ҳаммадан кўпроқ ёқди. Фельдмаршал Кутузов кўз ўнгимда худди тирикдай намоён бўлди.

Ўша вақтда мен америкалик шоир Лонгфеллонинг «Гайават ҳақидаги қўшиқ» деган китобини, Виктор Гюго билан Чарльз Диқкенс асарларини ўқиб чиқдим. Кўп ўқирдим, болалик давримда ўқиб улгурмаган китобларимни ҳам ўқиб олдим. Ҳамма қатори, мен ҳам Жюль

Верн, Конан-Дойль ва Герберт Уэллс асарларига қириқардим. Инглиз ёзувчиси Герберт Уэллс Россияга қизиққанлигини, очлик йилларида Москвага келиб, Владимир Ильич билан сўзлашганини ва «Зулматдаги Россия» деган китоб ёзганлигини билар эдик. Шу китобни ўқигимиз келди-ю, аммо тополмадик, чунки Саратов шаҳар кутубхонасида йўқ экан.

Герберт Уэллс Лениннинг мамлакатни электрлаштириш планига ишонмаган эди. Биз бўлсак, Куйбишев гидроузели қурилишига пастдан Волга орқали карбон-карбон баржаларда материаллар ташилганини ўз кўзимиз билан кўриб турадик. Ленин олдиндан кўрган ишларни меҳнатсевар совет халқи кўз ўнгимизда амалга оширмоқда эди.

Ёшлигимиз жуда қизиқ замонда ўтди. Тезроқ ўқиш керак эди. Биз ҳамма ерда керак эдик. Бизнинг мамлакатимизда ҳам, чет элларда ҳам бир қанча воқеалар рўй берди, улар техникумнинг барча студентларини, айниқса биз, комсомолларни ҳаяжонлантирас эди.

Қаердадир узоқда, олисда, кичкина Кореяning эркесвар халқи дунёда энг йирик капиталистик мамлакат бўлган Америка Кўшма Штатларининг қўшинларини даф қиласр эди. Биз кунни Кореядаги жанглар ҳақида радио орқали берилган хабарларни эшитишдан бошлардик. Ўша вақтда биз Корея Халқ-Демократик Республикаси қаҳрамонлари бўлган учувчилардан Ли Дон Гю билан Ким Ги Скнинг номини эшитиб билдик. «Правда» газетаси уларнинг мардлик ва жасорати ҳақида, уларнинг ҳар бири ўн бештадан америка «Сейбр»ларини уриб туширганлиги ҳақида ёзганди. Кўп халқлар ўз курашларида совет халқларидан қаҳрамонликни ўргандилар ва ўрганмоқдалар, корейс халқи совет кишиларидан мардликни ўрганганликларини, американлик босқинчиларга қарши курашда Зоя Космодемьянская ва Алексей Маресьев номидаги партизан отрядлари шуҳрат қозонганликларини ўқиб, димоғимиз чоғ бўлди.

Хитой халқи кўнгиллиси Хуан-Цзи-гуан Александр Матросовнинг қаҳрамонлигини онгли равишда такрорлади, чунки у Маресьев ҳақидаги китобни ўқиган ва унинг ҳақидаги фильмни кўриб, қаттиқ ҳаяжонланган экан.

Толя Виноградов шу ҳақдаги хабарни газетадан ўқиб, шундай хитоб қилди:

— Faқat кучли иродагина ўзидан бошқа кучли иродани вужудга келтира олишига әнг яхши далил шу.

Бу, қаҳрамонлик ҳақида ҳамон давом эттираётган баҳсларимизнинг акс садоси эди.

Техникумнинг деярли ҳамма студентлари комсомоллар эди. Мени комсомол ташкилотининг бюро аъзо-си қилиб сайлашди. Жамоатчилик иши кўп эди, бунинг устига мен «Меҳнат резервлари» деган маҳаллий спорт жамиятининг секретари вазифасини ҳам бажаардим. Ҳамма ишни эплаш учун ҳар бир дақиқани тежашга тўғри келарди. Учинчи курсни битирганимдан кейин янги костюм сотиб олгим келар, аммо пулим йўқ эди.

— Сўзимга қулоқ сол, Гагарин, ёзда болалар уйининг лагерига физкультура раҳбари бўлиб бормайсанми,— деди район комсомол комитетининг секретари менга.— Дам олиб, пича пул ҳам ишлаб келасан...

Мен болаларни яхши кўрадим. Майли дедим.

Пионер лагери ажойиб жойда, дарё ёқасидаги кўка-ламзорда эди. У ерда умримда биринчи марта тарбиявий иш олиб боришимга тўғри келди. Шуни айтиш керакки, болалар шўх, баъзилари эса ҳатто «шум» экан. Улар ўқитувчилар кўзидан узоқлашганига хурсанд бўлиб,расо тўполон қиласар эдилар. Бутун лагерда атиги иккита эркак бўлиб, ўша вақтда мени шундай тумтарақли ном билан аташ мумкин бўлса, бири — ўзим, иккинчиси — кўзи ожиз баянчи Иван Алексеевич эди. У куйни яхши биладиган ва унга жон киргизадиган ажойиб музикант эди. Биз ёш мураббия Таня Андреева-га ва болалар уйининг завути Елена Алексеевнага қурбимиз етганча ёрдам бериб турдик.

Лагерда ишлаб кўп нарса ўргандим. Кўпинча кечқурун, болалар кун бўйи юриб-югуриб келиб қаттиқ ухлаб қолган кезларда, Елена Алексеевна билан ширин суҳбат қилиб ўтирадик. Киши ҳаётида интизомнинг нақадар муҳимлиги ҳақида сўзлашардик.

— Интизом билан қаҳрамонликнинг ораси бир қадам,— дер эди бу тажрибали мураббия.

Ҳар бир бола — бутун бир дунё, деяр эди у. Бу дунёни тўғри тушуниш — одамни оёққа турфизмоқ учун тўғри йўл топиш, келажакдаги турмуш қийинчиликларини енгмоқ учун бола қалбининг чиниқишига ёрдам бериш демакдир.

Лагерда ёз тез ўтиб кетди. Уйга қайтиб янги кос-

тюм, ботинка, соат сотиб олдим. Хуллас, ишим ўнгидан келди — мураббийлик практикасини ҳам ўтдим, ишлаб пул ҳам топдим.

Техникумда ўқишининг охирги йили келди. Китобдарсликлардан тобора практикага, ишлаб чиқаришдаги стажировкага ўта бердик. Мени аввал Москвадаги Войков номли заводга, кейин Ленинграддаги «Вулкан» заводига юборишиди. Даастлабки кунлари мен ўртоғим Федор Петрунин билан бирга Ленинградни айланып, мисли кўрилмаган шавқ-завқ ила томоша қилдик. Октябрь бешити бўлган шаҳарга келишимизнинг ўзи катта гап эди. Биз Смольнийга бориб келдик. Ленин шу ерда туриб революцияга раҳбарлик қилган, Қишки саройни штурм қилиб олиш учун ишчилар, солдатлар ва матросларнинг отрядларини юборган эди. Мана Қишки саройнинг ўзи. Нева. Афсонавий «Аврора» кемаси.

Революцион тарихга Ленинграддай бой шаҳар дунёда йўқ. Бу ердаги ҳамма нарса курашни хотирлатарди. Петропавловск қалъасининг деворлари ҳам, Нева кўприклари ҳам, собиқ Путилов заводининг корпуслари ҳам шундан гувоҳлик берарди. Бобом Тимофей Матвеев шу заводда ишлаган ва ҳалок бўлган эди. Биз Исаакий соборига бордик, Буюк Петр ҳайкалининг ёнида суратга тушдик. Федя декламация қилди:

Тақдирнинг қудратли ҳукмдори, айт,  
Сенмасми, жарликка келиб қолган  
пайт,  
Темир тизгин билан, бу юксакликда  
Россияни шундай кўтарган тикка?

Пушкин, Гоголь, Достоевскийлар шу шаҳарда ижод қилишган... Шу ерда, сенат майдонида чор қўшинлари декабристларга ўқ ёғдиргандар... Қишки сарой олдида 1905 йил январида якшанба куни подшо ишчиларни ўқقا тутган... Рус ишчилар синфининг бутун тарихи кўз олдимизда намоён бўлди. Броневикда нутқ сўзлаб турган Лениннинг бронзадан ишланган ҳайкалини кўрмоқ учун Финляндия вокзалига бордик.

Кундуз кунлари заводда ишлар, кечқурунлари, эса музейларга, театрларга борар эдик. Тунги сменада ишлаганимизда уч кун Эрмитажда бўлиб, жаҳон санъатининг хазиналари билан танишдик. Рус музейини бориб

кўрдик, машҳур рассомларимизнинг ишлаган суратларини тўйиб-тўйиб томоша қилдик. Ленинграддаги ҳамма нарса — архитектура ансамблари, ёдгорликлари бизга манзур бўлди. Аничков кўприги ёнида осмонга сапчиб турган отларнинг бронзадан ишланган ҳайкаларини Петрунин билан узоқ томоша қилдик. Петроград томонида «Стерегущий» миноносецига қурилган ҳайкал ҳам менда катта таассурот қолдирди. Кингистонларни очиб, ўзини ҳам, кемасини ҳам сувга ғарқ қилиб юборган, аммо япон самурайларига таслим бўлмаган рус матросларининг чеҳраларига узоқ тикилиб турдим.

Ленинградда туриб, дарров улгайдик, руҳан бойидик. Қишики сарой қандай қилиб олинганини китоблардан ўқиб билиш бошқа-ю, сабиқ Бош штабнинг аркасини кўриш (қизил твардиячилар шу арка тагида туриб ҳужум бошлашган), Сарой майдони бўйлаб юриш, Қишики сарой залларини айланиб чиқиш бошқа (Керенский бошлиқ Муваққат ҳукумат шу саройда қамоққа олинган)... Саратовга қайтиб келганимиздан кейин Ленинградни узоқ вақтгача эслаб юрдик, курсдош ўртоқларимизга бу шаҳар ҳақида мукаммал сўзлаб бердик.

Мактабдаги каби, техникумда ҳам физика ўзим севган дарслардан бири бўлиб қолаверди. Техникумда физикани Лев Михайлович Беспаловнинг ўзиdek ажойиб муаллим ўқитарди. Шу дилкаш, юқори маълумотли киши — Николай Иванович Москвинни кўпчилик ўқувчилар жуда ҳурматлашарди. Физика оғир дарс. Математикани билмасдан туриб, физикани тушуниб олиш қийин. Физика муаллимимиз лекцияларини қизиқарли, чиройли, мароқли қилиб ўқирди. Дарсни билмаганларга шартта «икки» қўяр, кейин баҳоларни тузатиб олишини талаб қиласми эди. Бегам студент билмаганини билиб олмагунча Николай Иванович тинч қўймасди.

— Техник физикани билмаслиги мумкин эмас,— дер эди у бизга,— ер шари физика қонунларига мувофик айланади.

Москвин физика тўгараги ташкил қилди, тўгарак қатнашчилари докладлар қиласми эдилар. Ньютон қонунлари ҳақида, механика ҳақида, электр соҳасидаги муваффақиятлар ҳақида алоҳида-алоҳида докладлар тингланди. Николай Иванович менга рус олими Лебедевнинг ёруғлик босими ҳақида қилган ишларига доир ахборот

беришии топширди. Доклад түгаракдагиларга манзур бўлди. Шундан кейин мен «К. Э. Циолковский ва унинг ракета двигателлари ҳамда планеталаро саёҳатлар ҳақидаги таълимоти» деган иккинчи темани олдим. Шу темада доклад ёзиш учун Константин Эдуардовичнинг илмий-фантастик асарлар тўпламини ҳам, кутубхонада шу масалага тааллукли бор житобларнинг ҳаммасини ҳам ўқиб чиқишимга тўғри келди.

Циолковский мени тубдан ўзгартириб юборди. У Жюль Верндан ҳам, Герберт Уэллсдан ҳам, бошқа илмий фантастлардан ҳам кучлироқ таассурот қолдирди. Олим айтган ҳамма гаплар фанда ва унинг ўз тажрибаларида тасдиқланмоқда эди, К. Э. Циолковский винтли самолётлар эрасидан кейин реактив самолётлар эраси келади, деб ёзган эди. Реактив самолётлар эса тепамизда учмоқда эди, К. Э. Циолковский ракеталар ҳақида ёзган эди, улар эса стратосфера да учмоқда эди. Хуллас, К. Э. Циолковскийнинг дохиёна башорат қилиб айтган ҳамма гаплари рўёбга чиқди, Одамнинг космик фазога учиши ҳақидаги орзуси ҳам рўёбга чиқиши керак эди. Мен докладимни Константин Эдуардовичнинг шу сўзлари билан тугатдим:

— Инсоният Ерда мангу қолиб кетмайди, лекин ёруғлик ва фазо орқасидан қувиб, аввал атмосфера ташқарисига омонат қадам ташлаб чиқади, кейинчалик эса Қўёш атрофидаги бутун фазони забт этади,

Шу сўзларни ўқиб бердим-у, юрагим қаттиқроқ тепиб кетганини ҳис қилдим.

Тўгарагимизнинг барча аъзолари олим айтган фикрнинг кучли ва чуқур фикр эканлигига тонг қолган эдилар. Формулага ўхшайдиган бу жумлага Гжатскдаги ўрта мактабда Лев Милайлович Беспаловнинг ўзиёқ зътиборимни жалб қилган эди. Аммо у вақтда бу жумланинг маъносини ҳозир тушунганимдек тушунмаган эдим. Медицинада номи бўлмаган янги касаллик,— космосга шижоат билан интилиш менда худди ўша куни бошланди шекилли. Бу ҳис ноаниқ, англанмаган ҳис эди, аммо бу ҳис менда яшай бошлаган ва ҳаловатимни бузаттган эди.

### МЕН УЧУВЧИ БУЛАМАН

Техникумдаги дарслар ўз навбати билан давом этаверди, Аммо осмондаги самолёт овозини ёшлиши билан,

кўчада учувчини учратиш билан дарров қалбим исигандек бўларди. Бу ҳали англамаган ҳиснинг — ҳавога интилиш иштиёқининг ўзгинаси эди. Саратовда аэроклуб борлигини билар эдим. Бу клуб йигитлар ўртасида яхши ном билан тилга олинар эди. Аммо, у ерга кирмоқ учун ўрта маълумотли бўлиш керак эди. Кўнглимга ғулғула солган ҳис техникумизнинг студентларидан Виктор Порохня билан Жена Стешинни ҳам ҳаяжонлантирас эди. Бир вақт Виктор югуриб келди-да, нафаси оғзига тиқилиб, қичқирди:

— Йигитлар, хуш хабар олиб келдим! Аэроклубга техникумларнинг тўртинчи курс студентларини қабул қила бошлишибди...

Уша куни кечқурун биз уч киши бўлиб аэроклубга йўл олдик. Дарҳақиқат, қабул қилишаётган экан! Биз ариза топширдик, барча комиссиялардан ўтдик ва ўқий бошладик. Дастлаб учиш назариясини ўтдик, самолёт ва авиацион двигателинг тузилиши билан танишидик, албатта. Авваллари бу зериктирадиган дарслар ҳафсаламизни бирмунча пири қилди ҳам. Дарров аэродромга бориб, уча берамиз деб ўйлаган эдик. Бу ерда эса яна ўша синфлар, доска олдида масала чиқариш, дарсликлар. Аэродромга, самолётларга олиб борадиган йўл биз тасаввур қилгандан кўра узоқроқ экан.

1955 йилнинг дастлабки ойлари бизга жуда зўр келди. Чираниб ишлашга тўғри келди: куидуз кунлари техникумда, кечқурунлари эса аэроклубда дарс ўтардик. Бунинг устига диплом проектларини ёқлаш пайти ҳам келди — техникумда тўрт йиллик ўқиш натижаларини якунлаш керак эди. Менга анча мураккаб тема тушди — йилига тўққиз минг тонна металл эритиб, ундан кўплаб деталь ишлаб чиқарадиган қулов щехининг проектини тузиш вазифаси топширилди. Бундан ташқари, мен дипломант бўлганим учун деталлар тайёрлаш технологиясини ва ҳунар мактабида шу деталларни тайёрлаш бўйича ишлаб чиқариш таълимими ўtkазиш методикасини ишлаб чиқишим керак эди.

Диплом иши кўтгина чизмаларни талаб этарди. Люберцида менда чизмачиликка ҳавас уйғотган кекса ўқитувчини шу ерда бир неча марта мамнуният билан эсга олдим. Диплом учун зарур материалларни техникум кутубхонасидан ва шаҳар кутубхонасининг техника бўйимидан олиб турдим. Илгари ҳунар мактабида,

Люберцидаги заводда, Москва ва Ленинграддаги стажировка вақтида юртдирилган тажриба гарчи озгина бўлса ҳам, кунимга яради. Хуллас, диплом учун тузилган проект зарур шаклга жирди, янгидан-янги мулоҳазалар билан тўла борди.

Диплом устида ишлар әканман, аэроклубдаги машгулотларни қолдирмасликка интилардим. Бу ерда ҳам назарияни ўрганишни тугатиб, имтиҳонлар топширилмоқда эди. Ўлгудек чарчаб, ўрнимизга аранг етиб борар, ёстиққа бош қўйиш билан қотиб ухлаб қолар эдик. Таълим мақсадидаги учишлар қани тезроқ бошлана қолса деяр эдик. Шу чоққача бирон марта, ҳатто пассажир бўлиб ҳам ҳавога кўтарилмаганманда, ахир. Бирдан қўрқиб, бошим айланса ёки кўнглим айнисанима бўлади? Қекса ўртоқлар учиш пайтидаги турли воқеалар ҳақида сўзлаб беришган эди-да, ахир.

Аммо таълим мақсадидаги учишларни бошлашдан олдин лоақал бир марта парашют билан сакраш шарт эди.

— Юрагингизни кўрамиз, болалар,— деди муғомбираона кулиб учувчи-инструкторимиз Дмитрий Павлович Мартъянов.

У мендан бир неча ёш каттароқ, юмалоқдан келган, паст бўй йигит эди. У аэропортга қирувчилар полкидан келганди. Борисоглебскдаги ҳарбий учувчилар мактабини тамомлаганлигини бизга айтиб берган ва ўз вақтида бу мактабда Валерий Чкалов ўқиганлиги билан жуда фахрланган эди. Мартъянов қисмда бир неча вақт хизмат қилганидан кейин аскарликдан бўшаб, аэроклуб инструктори бўлиб ишлай бошлаган эди. У армияда хизмат қилганидан кейин бирон институтга кириб, инженер ёки агроном бўлса-бўлгудек, аммо аэроклубга ишга кирганди.

— Аэродромсиз туролмайман, учмасдан туролмайман,— деяр эди у бизга.

Мартъянов чинакам учувчи бўлиб, қанотсиз яшай олмасди. Унинг авиацияга берилганлиги ва пухталиги группамизниң курсантларига ёқиб қолган эди. Мартъянов биз билан танишган биринчи куниёқ пухталикини ўргата бошлади. Унда сафдаги кишини граждан қишилардан дарров ажратиб турадиган қандайдир «ҳарбий руҳ» бор эди. Дмитрий Павлович болалик давриданоқ юксак интизом ва тартибга юдатланган эди. У ўзининг

ұарбийлик ҳаётини суворовчилар мактабидаёқ бошланған эди-да, ахир. Қўпни кўрган бу одам бизни учувчи қилиб чиқармагунча кўнгли хотиржам бўлмас, деб ишонардик.

Нихоят, парашют билан сакраш имуддати белгиланди. Биз уч кун кечаси аэродромга бориб, бизни қачон ҳавога олиб чиқар эканлар, деб бесаранжом бўлиб кутуб турдик. Аммо омадимиз желмади: ҳаво яхши эмас эди. Уйқудан қолиб, роса ҳаяжонланиб, техникумга қайтар ва диплом ишини ёзишга ўтирад әдик. Диплом ишларини бизга бирор қилиб бермайди-ку!

Учинчи кечаси Саратовдаги бир техникумнинг қизлари ҳам биз билан бирга аэродромга боришиди. Улар ҳам сакраши керак эди. Қарасам, рангги ўчиб, чўчиб туришибди. Менинг афтим ҳам наҳотки шундоқ бўлса? Қизлар ҳазиллашишади:

— Хўш, сен нега бунчалик пинагингни бузмайсан! Бир неча марта сакраган бўлсанг керак-а?

— Йўқ,— дейман,— биринчи марта...

Қизлар сўзимга ишонишмади. Парашютларни елкамизга осиб ола бошлаганимиздан кейингина ёлғон та-пирмаётганимга ишонишиди. Улар қаби мен ҳам лямка ва карабинларни дарров тақиб ололмадим. Орқамда асосий парашют жойланган катта ранец турибди. Олдимда эса запас парашют жойланган кичикроқ ранец бор. На ўтириб, на тикка туриб, на бурилиб бўлади... У ерда, ҳавода бунча юкни қандай эплар эканман, деган фикр хаёлимдан ўтди. Бу юк мени оёқ-қўлимдан боғлаб тургандай бўларди...

Кутишни болалик давримданоқ ёмон кўрардим. Айниқса олдинда қандайдир қийинчилик, хавф-хатар борлигини билсам, тоқат қилолмас эдим. Хавф-хатардан бўйин товлаб, пайсалга солишидан кўра унга дадил пешвоз чиқкан яхшироқ. Шу сабабли мен Дмитрий Павлович синов тарзидаги биринчи сакрашимдан кейин:

— Гагарин! Самолётга...— деб чақирганини эшитиб, жуда хурсанд бўлиб кетдим.

Нафасим қайтиб кетди. Ҳар қалай, биринчи учишим эди. Бу учишни парашютда сакраш билан тамомлаш зарур эди. Қандай парвоз қилганлигимиз, «ПО-2» қандай қилиб белгиланган баландликка чиқиб олганлиги эсимда эмас. Қарасам, инструктор қўли билан кўрсатиб, қанотга чиқ, деяпти. Қабинадан бир амаллаб чиқиб ол-

дим, қанотнинг устида тикка турдим ва шу алфозда қабинанинг бортига икки қўлим билан маҳкам ёпишдим. Ерга қарашнинг ўзи қўрқинчли: у қаердадир узоқда, оёқ остида. Пича өвам босди...

— Чўчима, Юрий, пастда қизлар қараб туришибди! — инструктор шўх овоз билан қичқирди.

— Тайёрмисан? — яна бир марта сўради.

— Тайёрман! — дея жавоб қайтардим.

— Қани бўлмасам!

Самолётнинг ғадир-будир бортидан ўргатганларидаи депсиниб, худди жарга тушгандай пастга отилиб кетдим. Ҳалқасидан тортдим. Парапашот эса очилмайди. Қичқирай десам қисқиромайман: нафасим қайтаяпти. Шу пайт запас парашютнинг ҳалқасига қўлимни беихтиёр узатиб қолдим. Қани у? Қаерда? Бирдан қаттиқ силтаб юбордим. Жим-жит бўлиб қолди. Мен осмонда асосий парашютнинг оқ чодири остида текис тебраниб юрибман. Асосий парашют, албатта, ўз вактида ючилди — запас парашют ҳақида барвақт ўйлабман. Авиация менга шу тариқа биринчи сабоқ берди: ҳавода турганингда техникага шубҳа қилма, шошма-шошарлик билан қарор қабул қилма, деб ўргатди.

Бир дақиқа ўтди. Ўзимга қарасам — ҳаммаси жойида, юрагим расаматдагидай ишлаб турибди, унинг ураётган овози қўлдаги соатнинг уришидан қаттиқ өшлишилмаяпти.

Машинада менга тегажаклик қилиб келган қизни мендан кейин ўша «ПО-2»га ўтқазишди. Ерда шаддод бўлган бу қиз ҳавода ўзини йўқотиб қўйди. Сакраш учун қанотга чиқди-ю, қўрқиб кетганидан нима қилишини билмай қолди. Инструктор бу қизни шу ҳолича аэродромга олиб келди. Уни ҳеч ким масхара қилмади. Биринчи галда ҳар ким билан шундай воқеа содир бўлиши мумкин.

Сакраш тамом бўлгандан кейин Дмитрий Павлович:

— «ЯК»да мен билан учишни истайсанми? — деб сўради.

Рози бўлмаслиги ҳам бор әканми! «ЯК-ён саккизинчи»нинг орқадаги кабинасига ўтириб, ўзимни камар билан боғлаб қўяман. Мартъянов ерга қарагин, ерга қараб ориентировка қилгин, учиш баландлигини аниқлагин, деб маслаҳат беради. Хўш, учиш баландлиги қандай аниқланади? Ола-зарақ бўласан, нафасинг қайтади

ва ниманинг нимага тегишли эканини тушунмайсан. Аммо ҳаётимда кўп марта бўлганидек, мен янги ва-зиятга тез жўнишиб қолдим ва қуш учадиган баландлик-дан ерни томоша қилишни яхши жўриб қолдим. Еримиз-га юқоридан қаралса, нақадар ажойиб ва чиройли жўринади! Дараҳт ва буталар пастак ўт билан баравар бўлиб туйилади; ҳайдаб жўйилган колхоз далалари жавдар ионининг жуда катта бурдаларига ўхшайди; грейдер йўллари жўринади; ҳар бир сўқмоқ йўл, сигир подаси ва бошини кўтариб осмонга қарабётган чўпонлар кўзга чалинади. Бир вақтлар мен ҳам подачилар қато-ри тиззамни йиртган, бурнимни пачоқ қилган, афсона-вий қанотларни орзулаган, мисли жўрилмаган фазога кўтарилиш иштиёқида бўлган эдим, ниҳоят, мана пар-воз қилдим, бу учиш аъзойи баданимни ифтихор би-лан тўлдирди, бутун ҳаётимга маъно берди.

Биз доира ясаб учдик, кейин Мартъянов машинани зонага ҳайдаб борди ва юксак учиш шаклларини жўрса-та бошлади.

— Вираж қилиб учиш шу,—деди у самолётнинг сўзлашиш асбоби орқали,— буниси эса Нестеров петляси...

Самолёт шундай иш қилдики, дарров ерга тушишни хоҳлаб қолдим. Мартъянов бўлса шакл ясаб учишни давом эттирас эди. Шундай шакллар билан нега тинкам-га тегаётганини тушунмасдим. Менинг учувчи бўла олиш-бўлолтмаслигимни бир галнинг ўзида ҳал қилмоқ учун шундай учаётган экан. Менинг тўғримда ижобий хулоса чиқарди, деб ўйладим, чунки ерга қўнгандан кейин учувчи-инструкторнинг қаноат ҳосил қилганлиги юзидан жўриниб турар эди.

— Хўш, нима дейсан, эртага яна учайликми?— у қи-зиқиб сўради-да, кўзимга ўсмоқчилаб қараб жўйди.

— Менга қолса, кечасию-кундуз учишга тайёрман,— деган гап оғзимдан чиқиб кетди.

Эҳтимол, бу гапда бирмунча мақтанчоқлик бўлса ҳам, уни мен чин юракдан чиқариб айтдим.

— Учишни ёқтирасанми?

Индамадим. Сўзлар ожизлик қилар эди, учишдаги шодлик ҳиссини фақат музикагина билдира олар эди.

Бир неча кундан кейин техникумда дипломлар ёқлан-ди. Мен ишимни яхши бажариб, Саратов индустрисал тех-никумни аъло баҳолар билан тугатганлик ҳақида дип-лом юлдим. Давлат имтиҳон комиссияси менга қуловчи

техник малакасини берди. Ҳаётимдаги қийин марра босиб ўтилганди. Ишлаб чиқаришга бориш, ёки ўқишни давом эттириш мүмкін әди. Мен иккі йўл олдида турар әдим. Ҳеч нарса қўлимни боғламаётган әди. Ота-онамга акам билан опам ёрдам беришаётган әди, мен бўлсам ҳозирча уйланганим йўқ. Қаёққа хоҳласам, ўша ёққа кета олардим. Олган билимларим ҳар қаерда иш бера оларди. Мамлакатда катта яратувчилик ишлари борар әди. Ўртоқларим турли томонларга тарқалиб кетишиди, бирор Магнитогорскка, бирор Донбассга, бирор Узоқ Шарққа жўнади — уларнинг ҳар қайсиси бирга кетгин деб чақирап әди. Мен кўп ўртоқлар билан дўстлашгандим, колективда, ётоқхонада яшашга ғодатлангандим, менинг ҳеч қачон ўз хонам бўлган эмас.

Ўртоқларим жўнаб кетишиди, мен бўлсам, ҳеч қўзғолмасдим. Саратов аэродромининг ерига қоқиб қўйилгандек ҳис қиласдим. Энди, ҳавони гарчи оз бўлса-да айланиб келгандан жейин, бошланган ишни ташлай олмасдим. АэроКлубда биз, курсантлар яқин кунларда лагерга жўнаймиз, дейишганда боришга рози бўлдим.

Лагерда паст бўй ўт босган аэродромнинг ёнида бизга эшиги шамолда ёпилиб қоладиган палаткалар қуриб беришган әди. Қизғин, мароқли ёз бошланди. Деярли ҳар куни учганимиз учган. Дмитрий Павлович группамизни доира бўйлаб зоналарга олиб юра бошлади. Биз яхши таълим машинаси бўлмиш «ЯК-ўн сакизинчи»да учардик; бу машина бизга қирувчи самолёт бўлиб туйилди. У осон бошқариладиган, маневрли самолёт әди.

Мартъянов ёшлигига қарамай, бизга қаттиқ турар ва талабчан әди.

— Учувчилик иши,— деяр әди у,— хатто энг кичик хатони ҳам кечирмайди. Ҳавода йўл қўйилган ҳар бир хато бошга етиши мүмкін...

Мартъянов ҳозирги замон учувчиси учун энг зарур бўлган авиация маданиятининг асосларини бизга әринмасдан бирма-бир ўргата борди, ҳар бир топшириқни ниҳоятда пухта бажаришни талаб қила борди. Тезликни бир километргача, белгиланган учиш баландлигини бир метргача, мўлжалланган курсни ярим градусгача сақлашимиз керак әди. Инструкторнинг бундай инжиқлиги баъзи кишиларга ортиқча бўлиб кўринди. Ҳолбуки Мартъянов, албатта, жуда ҳақли әди: авиация иши ма-

тематик ҳисобларга асосланади, ҳавода «икр-чикр»ларни менсимасликка, паришонхотирликка тоқат қилолмайди.

— Чиройли учиш керак,— Дмитрий Павлович курсантларни топшириқдан четта чиққанлиги учун ҳар гал койиб, шу сўзларни такрорлагани такрорлаган эди.

Мартъянов яхши тарбиячи-учувчи эди. Аммо у урушда бўлган эмас. Биз бўлсак, учувчининг жангдаги юриш-туришига қизиқардик. Биз Александр Покришким ва Иван Кожедубнинг ҳавода қилган жанглари ҳақида ги китобларни ўқигандик. Анчайин учувчи эмас, балки ҳарбий учувчи ва албатта қирувчи бўлишни истардик. Одам тўсиқларга қарши курашда билинишини тушунардик. Учувчилик ишидаги дастлабки устозларимизга меҳр-муҳаббатимизни ва ҳурматимизни Мартъяновга ва звено командири, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Сергей Иванович Сафроновга бағишлиардик. Сафронов уруши кунларида Сталинград остоналарида жанг қилган, Кубандаги машҳур ҳаво жангидаги қатнашган, Қурск дугасида бир неча «Юнкер» ва «Мессершмитт»ни уриб туширган эди. У капитан экан, 1943 йилда Олтин Юлдуз билан мукофотланганди. У анча қизиқ таржимаи ҳолидан мисоллар келтириб, совет қишиси ва чинакам учувчи қандай вояга етишини бизга, бўлғуси учувчиларга тўрсатиб беришга ҳаракат қиласр эди. Биз унинг сўзларини ҳамиша диққат-эътибор билан тинглардик: жанговар авиациямизнинг шонли традицияларини сақлаб келаётган совет лочини олдимиизда турганини билардик. У биз билан қўл ишлади ва, Мартъянов каби, бехато учишга ўргатди.

Бир вақт сершоҳ дарахт соясида тўпланишганимизда баргларнинг шитир-шитир овози эшитилиб турган бир пайтда Сергей Иванович шундай деди:

— Кучли ирода — одамнинг түфма хислати эмас, уни тарбиялаш мумкин ва тарбиялаш ҳам керак!

Уша жуни Совет Иттифоқи Қаҳрамонининг бизга айтган ҳамма гапларидан ва аввалги суҳбатларидан ўзимиз учун шундай хулоса чиқардик: ирода — одамдаги барча руҳий ва жисмоний кучларнинг тараангланиши, зўр бериш, қўйилган мақсадга эришмоқ учун жуч-гайрат ва сабот-матонатни сафарбар қилишидир.

Аэроклубимизнинг бошлиғи Григорий Кириллович

Денисенко ҳам Совет Иттилоқининг қаҳрамони эди. Бу, бизнинг тарбиямизга таъсир этди, албатта.

Григорий Кириллович бир вакт комсомол йиғилишида сўзга чиқиб, ирода нима эканлигини бизга ўз навбати билан тушунтириб берди: ирода — аввало ўз хатти-ҳаракатини идора эта билиш, ўз юриш-туришини назорат қила билиш, ҳар қандай қийинчиликларни ёнга олиш, кўйилган топшириқларни ёнг кам куч сарфлаб бажаришдир, деб айтди.

Йиғилиш ўтказилган куни ҳаво айниб ёмғир деразага урилганлиги, уйга эса ғира-шира қоронғи тушиб, ҳаммамиз маҳлиё бўлиб қулоқ солиб турганимиз эсимда.

— Иродаси жуҷли одам юксак даражада уюшқоқлиги билан ажралиб турди, интизомли бўлади, ҳар бир соатдан унумли фойдаланади,— аэроклуб бошлиғи ўз нутқини шу сўзлар билан тамомлади.

Гуноҳ қилиб Сергей Иванович Сафронов ёки Григорий Кириллович Денисенкодай мұътабар қишилардан писанда эшитиш ҳеч мумкин эмас. Масалан, мен шундай гуноҳ қиласиган бўлсан, номусимга чидолмай ёрилиб ўлған бўлур эдим. Бундан ташқари, мен аэроклуб отрядининг комсорги ва ғруппа старшинаси ҳам эдим. Биз ҳамма ишда, ҳатто юриш-туришда, ўзини тутишда ҳам, уларга тақлид қилишга интилар эдик. Уларнинг кителларидағи олтин юлдузчалар ҳар биримизнинг орзуимиз эди. Аммо бу тўғрида барадла гапиришмас эдик, улар чинакам юлдузлар каби линҳон эди.

Кўп курсантлар ўзларини иродали қилиб тарбияладилар, чекишдан воз кечдилар, спартачасига овқатландилар, кундалик дафтар тутдилар, чунки кундалик дафтари ҳар куни тўлдириб туриш ирода кучини талаб қиласиди.

Июль келди. Кундузи жазира, кечаси дим бўлар эди. Шундай кунлардан бирида Дмитрий Павлович одатдагидай мен билан бирга машинага ўтирмади (у «сарик шестёрка»да учар эди), балки ерда туриб:

— Ўзинг учасан. Доира ясайсан...— деди.

Бу сўзларни гарчи бир ҳафтадан бери кутаётган бўлсан ҳам, юрагим увишиб жетди. Сўнгги вақтда неча марталаб ўзим учиб, қўнгган эдим. Аммо, орқамда доим бир киши турар эди, у менга ёрдам бериб, хатоимни ту-

зата оларди. Энди бўлса, бутунлай ўзимга ишонишим керак.

— Хавотир қилма,— дея далда берди Дмитрий Павлович,— ўз фаросатинг билан иш жўр...

Мен самолётни старт чизигига ҳайдаб бордим, газ бердим, машинанинг думини жўттардим, у ердан текис кўтарилиб кетди. Мисли қўрилмаган мароқ ҳисси жўшурди, бу ҳисни ифодалаб бериш қийин. Учмоқдаман! Ўзим учәтируман! Биринчи марта имустақил учиш дақиқаларини фақат авиаторлар яхши тушунишади. Самолётни илгари ҳам бошқарган эдим, лекин самолётни ўзим бошқараётганимга, инструктор менга ёрдам бермаётганилигига ҳеч қачон ишонмасдим. Пойга қизиган вақтда чавандоз отига ёпишиб кетгани сингари, мен ҳам, өхтимол, самолётга ўшандай қўшилиб кетдим. Самолётнинг барча қисмлари иродамнинг дастёrlари бўлиб қолди, машина менинг истақларимга бўйсунди ва нима истасам, шуни қилди.

Аэродром устида доира ясадим, қўниш жойини мўлжалладим ва самолётни қўниш белгисининг ёнига қўндиридим. Чегараловчи чизиқлар билан ажратилган жойга аниқ қўндим. Кайфим чоғ. Шодлигим ичимга сифмайди. Аммо, қоидага кўра, гўё айтарли ҳеч қандай воқеа бўлмагандек, турқумни ўзгартирмайман. Рулни бўшатиб, кабинадан чиқдим, Дмитрий Павловичга, топшириқ бажарилди, деб рапорт бердим.

— Баракалла,— деди инструктор,— табриклайман...

Эртаси куни эса тўсатдан ўртоқларим менга айтишди:

— Хабаринг борми, сени газетага ёзишипти...

Аэродромда газета қолмапти, уни бир ҳафтадан кейингина шаҳардан топдим. Газетада менинг учганим ҳақида атиги бир неча сатр ёзилган, исмим ва фамилиям кўрсатилган, суратим босилган эди: самолёт кабинасида ўтириб, қўлимни кўтарган ҳолда парвоз қилишга рухсат сўраб турган пайтимда суратимни юлишган экан. Бу суратнинг қачон юлинганини, хабарни ким ёзганини билмаган эдим. Дмитрий Павлович уюштирган бўлса керак. Демак, менга ишонар экан, юзини шувит қилмаслигимни билар экан.

Саратов комсомолларининг газетаси — мени тўсатдан ёзib чиққан газета «Заря молодежи» деб аталарди. Матбуотдаги биринчи мақтov одам ҳаётида жўп маъно

беради. Номим газетага тушганлигини кўриб, думоғим жуда чоғ бўлди, айни вақтда ҳамма ўртоқларим орасидан нега фақат мени ёзганликларини кўриб, бирмунҷча ўнгайсизландим. Аммо шунга қарамай, «Заря молодежи»нинг бу нусхасини уйимга, Гжатскка юбордим. Онам жавоб хатида шундай деб ёзди:

— Биз ифтихор қиласиз, ўғлим... Аммо сен ҳущёр бўл, керилиб кетма...

Лагерда учиш тобора мароқли бўлиб қолди. Энди Мартъянов мени ва мустақил учган бошқа курсантларни пилотаж зоналарига ва маршрутларга юбормоқда эди. Биз вираж қилиш, самолётни ёнбошлиятib ўмбалоқ ошириш, Нестеров полупетляси ва петляси, «бочка» шаклини ҳосил қилиб учиш каби ҳаракатларни бажаришга ўргана бордик. Ҳамма иш меёри билан бораради. Кундан-кунга ҳаводаги ҳаракатларимиз тобора шахдам бўла борди, учувчи-инструктор ҳам, звено командири ҳам ҳаводаги ҳаракатларимизни маъқуллашди. Секин-аста қанотли кишилар бўлаётганимизни англаб ҳис қилиш кўнглимизни чоғ қилмоқда эди. Мен «ЯК-18»да учишга ўрганиб қолгандим, аммо Сафоновдай, Денисенкодай, мамлакатимиз қонуний равишда ифтихор қиласидан барча учувчилардай бўлишимга ҳали кўп вақт борлиги-ни равшан тушунар эдим.

Бунинг устига ҳарбий самолётлар диққат-эътиборими-ни жалб қилиб тураган эди. Товуш барьери ҳақида, то-вушдан юқори тезлик билан учадиган, такомиллашти-рилган радиолокацион асбоблар ўрнатилган қириувчи самолётлар ҳақида ўқигандик. Бу тўғрида ҳеч кимга, ҳатто энг яқин дўстларимга ҳам оғиз очмасдан, ҳарбий учувчи бўлишни орзу қиласидим. Шу чоққача ҳамма ис-так-орзуларим рўёбга чиқди. Бу орзум ҳам рўёбга чи-қармикин?

Уша вақтда учувчилар ўртасидаги танаффуслардан бирида группамиз курсантлари орасида америкалиқ си-новчи-учувчи Жимми Коллинзнинг хотиралари ҳақида гап жетди. Коллинзнинг ёзган китоби уша вақтда қўл-ма-қўл ўтиб, поима-пой муҳокамаларга сабаб бўлар эди: баъзи учувчилар китоб авторининг ақлга сиғмайдиган вазиятга тушганлигидан мароқлансалар, бошқа учувчилар автор муболаға қиласиди, эҳтиросга зўр беради, деб айтар эдилар.

— Инструктор нима деяр экан?

Биз Мартъяновни құршаб өлдик. Аэроромда эсган шабада шлём остидан чиқиб турған сочларимизни си-лаб, офтобда қызарған юзларимизни сийпалаб ўтди. Коллинзнинг хотираларини мен ҳам ўқигандым ва баъзи бобларига қизиқмасдан қололмасдим. Лекин шу билан бирга мен синов мақсадидаги учишни ҳозирча эшигандаримдан билардим, мен китобни ўқигандан кейин ғалати ҳисларни бошдан жечирдим. Дмитрий Павлович қўз қирини ташлаб, мени топгандан кейин фикримни сўради, фикримни ўртоқларимга айтиб бердим.

— Коллинзни,— дедим мен,— назаримда, қандайdir яккалиқка маҳкумлик йўлдан урган... Унинг фикри-хаёли доллар бўлган. Ҳар қандай қилиб бўлса ҳам, пул топиш пайига тушган...

— Юрий тўғри айтади,— деди сўзимни қувватлади Дмитрий Павлович.— Капиталистик воқелик китоб автори учун жон-жаҳди ила ўлим билан ўйнашиб шароитини туғдирган, бу шароитда авиацион компаниялар фойда орқасидан қувар әканлар, учувчи ҳар қандай учишда ҳаётини бой бериб қўйиши мумкин.

Одам ҳақидаги ғамхўрлик асосий ўринда турадиган бизнинг мамлакатимизда шундай ҳодиса бўлиши мумкинми?— деган саволни кўнглимиздан ўтказардик. Ҳар қандай янги ишда, айниқса техникани синаш билан боғланган ҳар қандай ишда — ракета, авиация, денгиз, ерости техникасини синаш билан боғланган ишда — доимо хавф-хатар бўлади. Аммо, партия каби, бутун ҳалқимизнинг ижодий меҳнати жаби кучларга суюнадиган совет синовчи учувчисининг қандай яккалиги ҳақида сўз бориши мумкин? Орадан бир неча йил ўтиб, космос сафарига тайёрлана қошлаганимда, сўнгра эса «Восток» космик кемасида фазога учганимда буни янада кўпроқ яққол сездим. Лекин буларнинг ҳаммаси ҳақида, космосга учиш вақтида бошдан жечирган ҳисларим ҳақида, Ер атрофида очилган орбитадан олган таассуротларим ҳақида бирмунча кейинроқ сўз боради. Ўша вақтда, аэроклубда, бундай учиш ҳақида ўйлай олмас эдим, албатта. Ҳозирча «ЯК-18»ни мумкин қадар яхшироқ ўзлаштириш асосий мақсад бўлиб қолган эди.

Ҳа демай куз желди. Аэроромдан мезон учиб ўтди, палаткалар кечаси совуқ бўлиб қолди. Аэроклубни битириш имтиҳонларини топшириш вақти желди. Яна им-

тиҳон, нечанчи марта экан! Аммо әндиликтада ҳам имтиҳондан бемалол ўтдим. «ЯК-18» самолётидан —«аъло», мотордан —«аъло», самолётни бошқаришдан —«аъло», аэродинамикадан —«аъло» баҳо ғолдим, битириш комиссияси ҳам «аъло» деган умумий баҳо қўйди. Дмитрий Павлович Мартыянов ҳам, аэроклубнинг бошқа ҳамма мутахассислари ҳам биз билан эринмай, сабот ила иш юлиб органликлари туфайли шундай юқори баҳога мусассар бўлдим.

«Сариқ шестёрка»да учганларнинг ҳаммаси имтиҳонлардан кейин машинага яқин бордик. Яна бир марта, хайрлашиш учун машинанинг қанотларига теккимиз, кабинала ўтиргимиз, асбобларни кўздан кечиргимиз келарди. Яна қандай самолётларда учишимизни ким билади дейсиз! Кўпни кўрган ана шу эски «ЯК-18» самолёти эса бизнинг жонажон машинаимиз бўлиб қолган эди.

Аэроклубимизнинг курсантларидан баъзилари граждан авиациясида ишлашга кетдилар. Улар жонажон мамлакат бўйлаб узоқ сафар қилишга, чет элларга учишта қизиқишарди. Совет Аэрофлотининг ҳаво йўллари ер юзининг кўпгина мамлакатларига ўтади-да, ахир. Баъзи курсантлар маҳсус мақсадлар учун ишлатиладиган, қишлоқ хўжалигига, медицинага, геологияга хизмат қирадиган авиацияга кетдилар. Мен бўлсан, ҳарбий қиравчи учувчи бўлишни истардим. Нега дейсизми? Уруш вақтида жонажон қишлоғимда ўзим кўрган учувчилар ҳақидаги хотиралар эсимга тушаверди шекилли. Бу хотиралар ўша вақтдаёқ қалбимда ҳарбий авиацияга муҳаббат уруғларини сочиб кетган бўлса өхтимол. Менга ҳарбий интизом хуш келарди, ҳарбий форма ёқарди. Ватан ҳимоячиси бўлгим келарди. Давлатимиз Конституциясининг бир юз ўттиз иккинчи моддасида ҳарбий хизмат Совет Иттилоғи гражданларининг фахрли бурчидир, дейилган, бу сўзлар мени Қуролли Кучларимиз сафига чорлар эди.

Оренбург авиация мактабига бориш учун қўлимга йўлланма беришди. У ерга бир ўзим эмас, балки ўртоқларим билан жўнаб кетдим. Уларнинг ҳаммаси дадил ҳаракатларга қодир, чақон, эпчил, жасур йигитлар эди. Ҳаммамиз авиацияни, учувчиликни жон-дилимиз билан яхши кўриб қолгандик.

Бизни Мартыянов кузатди. Поезд жўнагунча биз

перронда Мартынов билан бирга юриб, келажак ҳақида сүзлашдык. Авиацияга мангу меңр қўйган киши — Дмитрий Павлович, авиация йилдан-йилга такомиллаша боради, самолётлар янада узоқроқ, тезроқ ва баландроқ уча бошлайди, деб айтиб қўйди.

— Келажак сизларники,— деди ӯ хайрлашар экан, қўлимизни маҳкам қисиб,— ҳали сиз бизнинг тушимизга ҳам кирмаган машиналарда учасиз...

Саратов билан, Волга билан, қуювчи инженер бўлиб етишиш орзуси билан, Мартыновдек яхши устоз билан хайрлашиш оғир бўлди. Аммо нима ҳам қила олардим. Поезд мени янги орзуга — қирувчи учувчи бўлиб етишиш орзусига яқинлаштиримоқда эди. Покришкин ҳам, Кожедуб ҳам, Маресьев ҳам қирувчилар бўлган-да, ахир. Мен ўз характеримга, сифатларимга, билимимга инжиқлик билан, худди ёт кишидай қараб, истагимга ета оламанми, дегандай қилиб төжшириб кўрдим. Ўзим-ўзимга: ета оламан! — деб жавоб бердим.

## ВАТАНГА САДОҚАТ ҚАСАМИ

Чўл бағридаги Оренбург бизни очиқ юз билан кутиб олди. Шаҳар шу ерда суворовчилар мактабини битирган Мартынов қандай ҳикоя қилган бўлса, худди ўшандай экан. Тўппа-тўғри текис кўчалар, паст иморатлар, хазон тўкилган боғлар. Бозорларда колхоз маҳсулоти тўлиб-тошиб ётибди, отлар ва туялар кўринади. Қисқаси, шаҳар Саратовдан кичикроқ-у, аммо Уралга хос салобатли ҳусни бор. Биз ҳарбий мактаб биносига етиб келдик, бу бино Уралнинг баланд қирғоғида бўлиб, табиат бағрида, бепоён дала қўйнида эди. Урал ортидаги баргли ўрмон ва поёни йўқ кўм-кўк чўллар ҳарбий мактаб биносининг деразаларидан чиройли кўринарди. Чўл бағридан авиацион двигателлар шовқини эшлитилиб турарди. У ерда, аэродромда ҳаёт қайнар, биз шу ҳаётга ошиқар эдик.

Ўз вақтида ҳарбий мактабни битирган машҳур учувчилар: Михаил Громов, Андрей Юмашев, Анатолий Сировнинг портретлари асосий корпус деворларига осилиб гир атрофи дуб барглари ва гвардия қора-зарғалдоқ ленталари билан ўраб қўйилган... Кенг Оренбург аэродромида учишни ўрганган Совет Иттифоқи Қаҳрамонларининг суратлари бир юз ўттиздан ошади. Биз

уларнинг турли, аммо бир хилда мардонавор қиёфа-ларига тикилар эканмиз, Ватан шуҳратини ким нима билан оширганлигини эсга туширдик. Мамлакат бўй-лаб биринчи марта узоқ учганлар ҳам, ўз замонаси-нинг энг буюк учувчиси бўлган Валерий Павлович Чка-лов экипажи кетидан Шимолий қутб орқали Америка-га йўл солганлар ҳам шу ерда эди. Улуғ Ватан уруши-нинг ҳаво жангларида мислсиз қаҳрамонлик қилган совет лочинлари ҳам бу ерда кўп эди. Бу стендлар 1812 йил қаҳрамонлари галереясини эсимга туширди. У галереяни бундан бир неча йил илгари Қишки сарой-да кўрган эдим. Аммо, галереяда фақат генераллар-нинг ўзи бўлса, бу ерда лейтенантлар ҳам учрар эди.

Совет авиациясининг кундалик турмушига сингиб кетган реактив самолётларда учишни ўрганиш вазифа-си олдимиизда турарди. Реактив самолётларда учишни бошлаб берган Григорий Яковлевич Бахчиванджи ҳам Оренбургдаги учувчилар мактабида ўқиганлигини билиш ҳаммани ҳам қизиқтириди, албатта. Механик-слесарнинг ўғли Бахчиванджи аввал ишчи бўлган, кейин учви бўлиб етишган, 1942 йилнинг бошларидаёқ реактив самолётни биринчи бўлиб осмонга олиб чиққан. Бахчиванджи портрети тагида шу қаҳрамонлик тасви-ри осиғлиқ туарар, унда биринчи реактив самолётни қур-ган авиацион завод ишчилари синовчи-учувчини қандай курсандчилик билан кутиб олганларни ҳикоя қилинган эди. Баъзи кишилар Бахчиванджини қўлларига кўта-риб, ардоқлаганлар, қучоқлаб ўпганлар, қўлларини қисганлар. Бу воқеа «Янги нарсада биринчи бўлиб уч-ган капитан Бахчиванджига салом» деб ёзилган пла-кат олдида рўй берган. К. Э. Циолковский ана шундай учишлар ҳақида, реактив самолётлар эраси ҳақида ба-шорат билан орзу қилган эди. Реактив самолётлар эра-сидек янги эра бошланган эди; биз бўлғуси курсантлар уруш йилларидаёқ жасур совет учувчиси бошлаган ажойиб ишни давом эттиришимиз ва ривожлантириши-миз керак эди. Унинг мўй чиқмаган ёш чеҳрасига қараб турар эканмиз, ҳар биримиз ҳам ўзимизни шу ажойиб учувчининг «сафдоши» деб беихтиёр тасаввур қилдик.

— Ҳамма иш бизгача қилиб қўйилган, йигитлар,— группамиздан кимдир бирор афсусланган бўлиб гапир-ди,— урушда ҳам ютиб чиқилди, авиацияда ҳам янги эра очилди.

Мен ҳеч бир жавоб қайтартмадим, аммо Совет мамлакатида қаҳрамонлик учун ҳамиша жой бор ва бундан кейин ҳам бўлади, деган фикрни хаёлимдан ўтказдим. Мисол қелтириш учун узоқ ўйлаб ўтирмаса ҳам бўлади. «Правда» газетасининг истаган сонини олиб ўқиш билан ҳалқимиз нақ ҳар куни меҳнат соҳасида қаҳрамонликлар кўрсатаётганига, социалистик қурилишда янгидан-янги муваффақиятларга эришаётганига ишониш мумкин эди. Ўша кунларда Омскда нефтни қайта ишлайдиган заводнинг биринчи навбати ишга туширилган, Сталинград обласининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга планда кўрсатилганидан икки баравар кўпроқ дон топширган, Нарва дарёсида гидроэлектростанция қурилган, Каховка ГЭСининг биринчи агрегати саноат корхоналарига ток берган, Севастополь шаҳрига Қизил Байроқ ордени топширилган. Куйбишев ГЭСи қурилишида экскаваторчи Михайл Евец бригадаси 1800 минг кубометр тупроқ қазиб чиқарган, колхоз тажрибакори Терентий Мальцевнинг «Деҳқончилик масалалари» деган китоби босилиб чиқкан, Владимир Куц беш минг метрга югуришда янги жаҳон рекордини қўйган эди. Ҳар кун қандайдир янги, катта, ҳаяжонлантирувчи, ўйлатиб қўювчи хабар қелтиради. Ўша кунлари мен «Правда» газетасида академик Л. И. Седовнинг «Оlam фазосига учишлар ҳақида»ги суҳбатини ўқиб чиқдим ва ҳар эҳтимолга қарши қирқиб олиб қўйдим.

Ҳарбий мактабда қабул имтиҳонлари бошланди. Мен имтиҳон топширмадим, чунки техникумни аъло баҳо билан тугатганим ҳақида дипломим бор, бунинг устига аэроклуб ҳам яхши аттестация берган эди. Мен доим йигитлар ёнида бўлдим, уларга физика, математикадан ёрдам бериб турдим. Имтиҳонларда қаттиқ талаб қўйилди, келганларнинг ярмидан кўпроғи ҳали имтиҳон бошланмасдан туриб, медицина комиссияси томонидан рўйхатдан ўчирилди, ёки назарий фанлар бўйича синовлардан ўтолмади. Улар Оренбургдан гарчи кўнгилларини ғаш қилиб жўнаб кетаётган бўлсалар ҳам, мактабда қолаётган бизларга самарали ўқиш, яхши учиш ҳақида чин кўнгилдан истак билдирад эдилар.

— Келгуси йили яна мактабга киришга келамиз,—дайишарди баъзилари,—сизни қувиб етамиз...

Дарҳақиқат, бир йилдан кейин, биз «МИГ»ларда

уча бошлаганимизда, ўша йигитлардан баъзилари матонат кўрсатиб ўз мақсадига әришиди ва курсантлар қаторига ўтди. Қўйилган мақсадга етишда матонат кўрсатиш—ёшларимизнинг энг ажойиб хислатларидан бири. Учувчи бўлишни жон-дили билан истайдиган кишилар албатта учувчи бўладилар.

Шу тариқа менинг ҳарбий ҳаётим бошланди! Ҳаммамиз, янги қабул қилинган курсантлар машинкада сочимишни олдиридик, кийим-кечак — ҳаво ранг гимнастёрка, кўк бриджа, шинель, этик беришди. Елкамизда қанот сурати солинган курсантлик погонлари ҳаво ранг тусда ялтираб туради. Бошқалар қатори, мен ҳам Совет Армиясининг катта оиласига қўшилганим билан фахрланиб ва хурсанд бўлиб, погонларимга қия боқиб қўярдим. Мактабда бир мақсадга интилаётган соғлом йигитларнинг қувноқ ҳаёти жўш урди.

Бизни эскадрилья, звено, экипажларга бўлишди. Мен подполковник Говорун қўмондонлик қилган эскадрильяга, майор Овсянников звеносига, старший лейтенант Колесников экипажига тушдим. Улар биринчи командирларим эди. Уларга мурожаат қилганда ҳаммамиз одатланганимизча исемини ва отасининг отини айтмасдан, балки ҳарбий унвонини ва фамилиясини айтиш керак эди. Аввалига бу ғалати кўринди, аммо армиядаги бундай тартибга тез ўрганиб қолдик. Энди ҳамма нарса уставлар билан белгиланар эди: ножӯя иш қилганлик учун — ожало, ғайрат кўрсатганлик учун — рағбат, жасурлик кўрсатганлик учун — мукофот берилаар эди.

Ҳарбий авиация билан танишувимиз ёш жангчи программасига мувофиқ ўтказиладиган машғулотлардан бошланди. Ўша вақтда взводимизнинг командири капитан Борис Федоров эди. Талабчан ва вазмин киши бўлган Борис Федоров, ўз таъбири билан айтганда, дарров бизнинг «гражданлик чангимизни» қоқиб интизомга ўргатишга киришиди. Авваллари курсантларга, айниқса ўн йиллик мактабни битириб келганларга қишинроқ бўлди. Мен бўлсанм, уларчалик қийналмадим, чунки ёшлигимда нуқул ётоқхонада турганман, унда эса ҳамма иш гарчи ҳарбий уставга мувофиқ қилинмаса ҳам, маълум кун тартибига риоя қилинап эди.

Этик билан пайтавага, шинель билан гимнастёркага одатланишимнинг ҳожати йўқ эди. Қазарма ҳамма вақт

тоза, ёруғ, иссиқ ва чиройли эди, сув турган бакдан тортиб табуреткаларгача—хаммаси ялтираб турар эди.

Мен армияни болалигимдан яхши күраман. Халоскор совет солдати Европа ва Осиё халқларининг севимили, деярли афсонавий қаҳрамони бўлиб қолди. Солдатимиз ҳақидаги шеърлар ҳали ёдимда:

Икки кечада мижжа қоқмай  
Пулемётга ёр бўлди у,  
Дўлдек ёққан ўқдан қўрқмай.  
Ботқоқ кечиб юрди-ку у,—

Тонг чогида ҳужум қилиб,  
Шаҳарда, жанг тугатди-ку,  
Кўзи шодлик ёшига тўлган  
Бир аёлни учратди у.

Ўт остида, лой кечикдан  
Чўп кўприкда ўрмалади,  
Лой-балчиқ ҳам олтин каби  
Шон-шуҳратла ялтиради.

Мен ҳам солдат бўлмоқда эдим. Взводнинг гавжум биноси ҳам, саф ҳам, тартиб ҳам, «смирно!» ҳолатида бериладиган рапортлар ҳам, солдат қўшиқлари ва кундузги навбатчининг чўзиб айтадиган:

— Подъ-ё-ом!— деган қаттиқ овози ҳам менга ёқар эди.

Мен жисмоний зарядка, совуқ сувда ювениш, ўринбошни тўғрилаш ва казармадан ошхонага нонуштага чиқиши ёқтирадим.

Қўп вақтимизни даладаги машғулотларда, отиш майдонида ўтказар ва казармага қор-ёмғирда ивиб қайтардик. Чарчаганингдан кўзинг юмилиб кетади, тезроқ ухлай қолсам дейсан, аммо ҳали карабинларни тозалаб мойлаш, анжомларни саранжом қилиб қўйиш ҳам бор. Бу ишларни бажариб, старшинадан «яхши» сўзини эшитгунингчча... Авваллари китоб ўқишга ҳам, уйга хат жўнатишга ҳам вақтимиз етишмасди. Аммо армияда яшашнинг мунтазам тартиби бизни сёкин-аста бир дақиқани ҳам бекорга кетказмасликка ўргатди, йиғинчоқ, элчил бўлиб қолдик, жисмонан ва руҳан чиниқдик.

1956 йил 8 январь куни умрбод эсимда қолди. Ташибарида совуқ қаттиқ, дараҳтлар қирсиллар, қалин ёққан қор офтобда кўзни қамаштирадиган даражада ял-

тираб турарди. Еши курсантларнинг ҳаммасини мактабнинг катта залига саф қилиб тизиши. Ҳар ким милтигини кўтариб, сафдан ташқарига чиқди-да, ўртоқларига ва командирига юз ўгириб, ҳарбий қасам сўзларини баланд овоз билан ўқиб берди. Алфавитга мувофиқ, мен биринчилардан бири бўлиб олдинга чиқдим ва бутун вужудимни босган ҳаяжондан тек қотиб, шу сўзларни айтдим:

— Мен, Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг граждани.

Бошимни кўтариб, рўпарамда, деворда Ленин менга кўзини қисиб қараб турганини кўрдим. Оиласада, мактабда, пионерлар отрядида, комсомолда мени ҳамиша ва ҳар ишда Владимир Ильичдай бўлиш керак деб ўргатишганди... Ҳозир биз халқقا, Коммунистик партияга, Ватанга содиқлик ҳақида қасам ичмоқда эдик, Ленин эса соғдил, ботир, интизомли, ҳушёр бўлиш, ҳарбий ва давлат сирини қаттиқ сақлаш, барча ҳарбий уставларни, командирлар ва бошлиқларнинг буйруқларини ҳеч сўзсиз бажариш ҳақида бераётган солдатлик ваъдамизни гўё эшитиб тургандай туйилди. Ҳар биримиз Ватанин мардлик, маҳорат билан, қадр-қиймат ва шоншараф билан ҳимоя қилишга, душманлар устидан тўлағалаба қозонмагунча жонимизни ҳам, танимизни ҳам аямасликка қасам ичдик.

Қасам! Қатъий, маънадор сўз. Совет кишисининг ўз социалистик Ватанига меҳр-муҳаббати шу сўзда ўзифодасини топган. Оталаримиз ва биродарларимиз қасам ичиб жангга кирганлар. Қасам уларга душманларга қарши шиддатли курашда куч берган ва ҳамиша ғалабага олиб келган.

Бутун умрим кўз олдимдан ўтди. Мактабда ўқиганимда бўйнимга пионер галстути тақишигани, ҳунар мактабида ўқиганимда комсомол билетини топширишгани, студентлик чоғимда Ленин томини кўтариб юргағим ва энди жангчи бўлиб, милтиқни маҳкам ушлаб турганим кўз ўнгимга келди... Мамлакат бизга ишониб қурол топширган, ана шу ишончга муносиб бўлиш керак эди. Энди биз, Ватанимиз соқчилари бўлиб қолган эдик.

Ҳарбий қасам ичиш тантанали воқеаси ҳақида уйимга ёзиб юбордим, ўз ҳис-туйғуларимни ота-онам билан ўртоқлашдим. Ҳамма курсантларнинг кайфи чоғ

эди. Биз назарий фанларни астойдил ўрганишга кириш-дик. Синфларда материал қисм ва учиш назариясидан берилган дарслар аввал бошданоқ ҳаммамизга ёди, бу дарсларни инженер-подполковник Коднер олиб борар эди. Тактика ўқитувчisi капитан Романов ҳам бизни жуда қизиқ, бутунлай янги дунё билан танишитирди. У Пушкиндай сочи жингалак одам эди. Фақат оғиздан әшитиб юрганларимиз,— Александр Покришкин эскадрильясининг учувчилари Кубандаги машҳур жанг вақтида ишлаб чиққан ва татбиқ этган ҳаво жангги формуласи—«баландлик, тезлик, маневр, ўт очиш» формуласи ҳақида, Совет Иттифоқининг икки марта Қаҳрамони Талгат Бегелдиновнинг штурм билан берган зарбалари ҳақида, генерал Иван Полбиннинг шүйнфувчи бомбардимончи самолётларининг ҳаракатлари ҳақида әшитиб юрганларимиз энди капитан Романов лекцияларида гүё жонланиб кетди, у ўз-лекцияларида кўрсатган ва келтирган схемаларидан яққол намоён бўлди. Вертикал ва горизонтал чизиқларда ҳаво жангини қандай олиб бориш кераклиги ҳақида равшан тушунчалар олдик, бошлаб борувчи ва унга эргашиб борувчи самолётларнинг ўзаро мослашиб учиши қандай катта роль ўйнашини билиб олдик. Ҳозирги замон ҳаво жангги группа жангги бўлиб кўз ўнгимизда тавдаланди, бундай жангда ҳар бир учувчи ўртоғига ёрдам бериши керак, бундай жангда колективнинг ғалабага бўлган иродаси ҳал қилувчи факторлардан бири ҳисобланади.

Ҳаво тактикаси классидаги машғулотлардан кейин биз, курсантлар ўртасида аксари қизғин мунозаралар бўлар эди. Ҳар кимнинг севган лочини бор эди. Бири-мизга Сергей Луганский, иккинчимизга ака-ука Глинкалар, бошқа бировга Петр Покришев ёқарди. Хуллас, курсантлар нечта бўлса, уларнинг ёқтирган лочинлари ҳам ўшанча эди. Урушнинг биринчи йилида Берлинга Учib борган бомбардимончи самолётларнинг ҳаракатлари ҳам, Курск дугасида танкларнинг колониалари ни атака қилган штурмчи самолётларнинг ҳаракатлари ҳам, душманнинг жуда ичкари томонларига якка-якка кириб борган узоққа учувчи разведкачи самолётларнинг ҳаракатлари ҳам, Керчъ бўғозидаги десантчиларга мадад берган аёллар полки экипажларининг ҳаракатлари ҳам бизни қизиқтираар эди. Биз Брянск ўрмонларидаги ва Карпат тоғларидаги партизанларга ўқ-до-

ри етказиб берган транспорт самолётларига ҳам қизиқар әдик.

— Аммо буларнинг ҳаммаси тарих-ку, гарчи яқинда бўлиб ўтган бўлса-да, барибир тарих-да,—дейишарди баъзи курсантлар,—ҳозир Эса техника ҳам бошқача, кишилар ҳам бошқача...

Капитан Романов бу курсантларни ҳазил аралаш скептиклар (шаккоклар) деб атар ва шу онда Кореяда яқинда бўлиб ўтган урушдан мисоллар келтириб, янги авиация техникаси — реактив самолётлар, радиолокация, қирувчи самолётларнинг бортига ўрнатиладиган янада қудратли қуроллар асрида ҳам, Улуф Ватан уруши йилларида илгор совет учувчилари ижодий йўл билан ишлаб чиқсан ҳаво тактикасининг асослари, уларнинг душманга қарши жангларда қўлланган ҳужум услуби, уларнинг ўзаро ёрдам принциплари ва бизнинг авторларимизга хос бўлган бошқа жуда ќўп нарсаларни назар-эътибордан четда қолдириш ярамаслигини исбот этарди.

— Жанговар тажриба,—деяр эди у,—кўп қон тўкиб қўлга киритилган. Янги техника келиши билан эскирган нарсаларни қурол қилиб олишимиз керак эмас, албатта. Аммо реактив самолётлар учун фойдали бўла оладиган нарсаларни Эса ҳамма чоралар билан ривожлантириш керак.

Ҳарбий мактабнинг бошқа ўқитувчилари ҳам авиациямизда тўпланган ҳамма тажрибани ижодий равишда такомиллаштиришга даъват этар эдилар. Хилмажил учувчилик назариясига бағишлиланган дарсларда ўқитувчилар бизга аввалдан бор тушунча ва ҳақиқатларни ёдлаш билангина қолмай, танқидий фикр юритиш, зарур пайтда янги қарорлар қабул қила билишини ҳам ўргатишарди. Албатта, бизнинг орамиздан ҳали дуруст «мутафаккирлар» чиққунча йўқ эди, чунки биз ҳарбий авиацияга эндингина қадам қўя бошлаган ва реактив машиналарда ҳатто учиб ҳам кўрмаган эдик, гарчи шундай бўлса ҳам, командир ва ўқитувчиларимиз бизни ўзларининг ўринбосарлари деб билар, биз, учувчи ёшлар Ватанимиз авиациясини янада ривожлантишимиз керак деб очиқ айтар эдилар, бу нарса бизни ўз кўз ўнгимизда руҳлантириб юборар эди. Келажакдаги ролимизни англаганимиз туфайли мумкин қадар яхшироқ ўқигимиз, ўзимизни бутунлай бағиши

лаган учувчилик ишини мумкин қадар тезроқ ўзлаштиргимиз келарди.

Баҳор яқинлашиб қолди, назарияга доир машғулоттардан ташқари, эскадрильямизда таълим мақсадидағи учишлар бошланди. Биринчи марта учадиган ўртоқлар хурсанд бўлишиди. Аэроклуб мактабини битириб келган бизлар яна «ЯК-18»да учишимиз керак экан, деб хафа бўлдик. Филдиракда эмас, балки — қор жетмагани учун — чангидаги учиш керак эди, албатта.

Бу учишлар узоқ давом этмади. Ҳарбий мактабга экспериментал самолётлар келтирилди, улар ҳам «ЯК-18» маркали бўлса-да, бирмунча модификация қилинган, кейинчалик уч ўқли шассиси бўлган реактив самолётларга ўтиш осон бўлсин деб қўнишни ўрганиш учун тумшуғига филдирак ўрнатилган эди. Биз кўп учдик, аммо, ростини айтганда, янги самолёт бизга унчалик ёқмади. Бу самолёт оғирроқ, авиаторлар айтганидек, «қуввати» етишмас—мотори кучсизроқ эди. Олий пилотаж фигураларини ҳосил қилиб учганда кўпинча штопор бўлиб тушарди; рулни қўйиб юбориш билан бу ҳолатдан тез чиқиб кетгани ҳам тўғри. Биз ана шу «ЯК-18» машиналарида штурманчилик ишини ҳам машқ қилдик — узоқ маршрутларга, турли об-ҳавода учдик.

Ёзда, лагерга чиққан вақтимизда кўпинча шундай учар эдик. Бизнинг эскадрильямиз (бешинчи эскадрилья)нинг лагери Уралнинг чиройли соҳилида. Аэродромда ишлаб чарчаганда, иссиқдан лоҳас бўлганда ва учишдан кейин дарров дарёга югурадик. Урал дарёсининг суви совуқ, тез оқади, шаҳардаги, ҳарбий мактаб яқинидаги қисми саёз бўлса, бу жойи чуқур. Биз чўмиладиган жой қилдик, сувга сакраш учун вишкадик ва бўш вақтимизда сув спорти билан шуғулландик, сувга калла ташлар, ким ўзарга сузардик. Деярли ўғил болаларга хос ёшлиқ қувончимиз тўлиб-тошарди.

Бизнинг эскадрильямиз учиш программасини биринчи бўлиб тугатди. Бўш вақтимиз борлигидан қўмон-донлик комсомол бюросининг ташаббусини қувватлаб, икки юз километр наридаги Шарлиқ районининг колхозларидан бирига жартошка қазишга бориб келишимизга рухсат этди. Куз кириб ҳаво совуган ва ёғингарчилик бошланган эди. Биз астойдил ишладик. Учишлардан кейин ерда пича меҳнат қилишимиз фойдали эди, мўл

ҳосилни йиғиб олишда колхозчиларга ёрдам бергимиз келарди. Янада узоқроққа — қўриқ ерларга ҳам жонжон деб борган бўлар эдик. Қўриқда, миллион-миллион гектар янги ерлар ўзлаштирилаётган бепоён далаларда буғдой пишган эди. Аммо бизнинг атиги икки ҳафта вақтимиз бор эди, шунинг учун биз қўриқ ерларга боролмадик.

Бизга ёзилган хатлар колхозга етиб келмасди, «йифим-терим кампанияси»нинг охирида Валяни соғиниб қолдим. Унинг ҳамма нарсаси — характери ҳам, пастроқ бўйи ҳам, нурли қўй кўзи ҳам, соч ўрими ҳам, сепкил тушган, сал упа сурйлган кичкина бурни ҳам менга ёқарди. Валя Горячева ўн йиллик мактабни тугатиб, шаҳар телеграфида ишларди. Бизни карантиндан чиқаришганда, қизларининг сўзи билан айтганда, «ялтир бош» курсант бўлиб чиққанимизда, ҳарбий мактабдаги танца кечасида Валя билан танишгандик. У кенггина кўк кўйлак кийиб олган, тортинчоқ ва уятчан эди. Мен уни вальсга тақлиф қилдим, қалин дўстлигимиз ҳам шундан бошланди.

Валя мендан бир ёш кичик эди. У Оренбургда туғилган ва мен билан учрашунча шаҳардан ҳеч қаёққа чиқмаган экан. Отаси Иван Степанович «Красная поляна» санаторийсида ошпаз бўлиб ишлар, онаси Варвара Семеновна уй-рўзғор ишлари билан машғул экан. Валянинг оиласи катта — учта акаси ва учта опаси бор; у кенжа қиз бўлиб, шунинг учун ота-онаси ва ака-укалари, опа-сингиллари жуда яхши кўришар экан. Валя билан танишганимдан кейин тез орада Горячевларнинг уйига бориб турдим. Улар менга жуда очиқ юз билан қарашар эди. Чангиде учиб бўлгандан кейин дарров спорт кийимидаёқ биринчи борганим эсимда. Варвара Семеновна туғилиб ўсган юрти—Қалугадан эндиғина қайтган, ўрмон ёнғоғи олиб келган экан. Стол ёнига Валя билан бирга ўтириб, ёнғоқ чақишига тушиб кетдик. Менинг тишларим қаттиқ. Валянинг онаси ёнғоқни шундай қарс-қурс қилиб чаққанимга ҳамон ҳайрон бўлар эди. Валя бўлса, кулиб, менинг тўғримда гапирап эди:

— Тишларини фан қайроғи билан чархлаб олган, умр бўйи ўқигани ўқиган...

Шу онда ўқишим ҳақида, учувчилик мактаби ҳақида, Валянинг ҳам ўқиши кераклиги ҳақида сўзлашдик.

Бутун оиласи билан маслаҳатлашиб, Валя медицина йўлида ўқиши керак, деган қарорга келдик. У маслаҳатга кўнди — медицина билим юргига кирди.

Кўп хусусиятларимиз бизни Валя билан боғлади. Китобларга берилғанлигимиз ҳам, коньки учишга ҳавасимиз ҳам, театрга қизиқишимиз ҳам бизни бир-биримизга яқинлаштирганди. Рухсат олишим биланоқ дарров Чичерин кўчасидаги Горячевлар уйига югурад, бунинг устига кўпинча бир ўзим эмас, балки ўртоқларим билан борар эдим. Улар эса бизни кутишиб турган бўлар эди. Ўзимни уйимда қандай ҳис қиласам, Валянинг оиласида ҳам ўзимни ўшандай ҳис қиласдим. Иван Степанович пазанда ёди, Урал казакларининг севган овқати «беляши»ни айниқса мазали қилиб лиширади. Беляшини расо туширадик. Ҳарбий мактабда бизни гарчи яхши боқишса ҳам, «беляши» беришмасди.

Картошка йигим-теримини тамомлаб, эскадрильямиз мактабнинг қишки биносига қайтиб келди. Аммо Валя билан яна учрашишга тўғри келмади—Октябрь парадига зўр тайёргарлик бошланиб кетди. Сафдаги машқларим ҳамиша яхши чиқарди, бироқ ранжир бўйича биринчи сафда юрмасдим. Аммо байрам куни, мактабнинг барча курсантлари ва ўқитувчилари Оренбург кўчаларидан тантанали марш қилиб ўтган вақтда, Валя мени баривер сафдан топиб оларди; кўзимиз кўзимизга тушар ва бир-биримизга илжайиб қўяр эдик.

Байрам кунларини Валя билан ўтказиб, кейин отпускага жўнадим. Гжатскда мени ҳали ҳарбий формада, бунинг устига сержантлик погонлари билан кўришмаган эди—энди взвод командирининг ёрдамчиси бўлиб қолган эдим-да.

Мана, Гжатскка ҳам келдим. Ўнда иморатлар тобора кўпроқ қурилмоқда, кўлгина янги уйлар тушган, кўчалар анча обод бўлиб қолган эди. Отам билан онам оз-оздан кексайган, акам билан опам уларга мумкин қадар ёрдам берар, укам Борис вояга етиб қолган, йигирма ёшга тўлган эди. Кекса ота-онамга тузукроқ ёрдам бермоқ учун тезроқ офицер унвонини олсам дердим.

Ўзим ўқиган мактабга бориб, муаллимларимни кўрдим, Гжатскда ишлагани қолган эски ўртоқларимни учратдим. Туғишиларимни яна кўрдим, гарчи шундай бўлса ҳам, кўнглим Оренбургда эди, чунки ҳарбий мактаб менинг иккинчи уйим бўлиб қолган эди, бунинг

устига Валяни ўйлаб, күнглим тинчимасди. Онам буны сезиб турарди, бир кун қош қорайганда, уйда иккализ қолганимизда, меҳрибонлик билан сүраб-истаб, неға ўйчан бўлиб қолганимни, дилимда қандай ташвиш борлигини суриштира кетди. Болалик давриданоқ пайдо бўлган қоидага,— ота-онамдан ҳеч нарсани яширмаслик одатига кўра, онамга Валя ҳақида сўзлаб бердим.

— Никоҳдан ўтмоқчимисан?— деб сўради онам.

Мен очиқ бир гап айтмасдан, елкамни қисдим. Бу масала ҳали ечишмаган эди-да. Мен шошма-шошарлик билан қилинадиган никоҳларга қарши эдим. Бунинг устига курсант бўла туриб, ўз оиласми боколмасдим, албатта.

— Яхши кўрсанг, уйлан, мен билан отанг каби умрбод апоқ-чапоқ яшайдиган бўлгин,— деди онам.— Шодликни ҳам, қайгуни ҳам тенг тортинглар.

Онамнинг кўз олдида дарров бир қарич ўсгандай бўлдим, у желажак ҳақида бир неча фойдали маслаҳат берди, яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи, деган мақолни эслатиб қўйди.

Мен отпускамни тўла фойдаланмасдан, муддатидан илгари Оренбургга қайтдим. Эскадрильядаги ўртоқларим ва командирларим нега эрта қайтганимни дарров тушунишди. Валя эса хурсанд бўлиб кетди: нега тез қайтганимни билар эди у.

Янги ўқув йили ўзгаришдан бошланди. Мени ва баъзи курсантларни майор Беликов эскадрильесига ўтказиши, звеномизга капитан Пенкин командир бўлди. У ҳамиша қандайдир янгиликни қидирадиган ижодкориши эди. Мен старший лейтенант Анатолий Григорьевич Колосов экипажига тушдим. Колосов менга реактив самолётда учишни ўргатди. Аммо, шу чоққача биз назарияга муқкамиздан жетган эдик. Об-ҳаво шунга имкон берган: қиши билан бўрон бўлиб, гарнizonни қорбосган ва учиш мумкин бўлмай қолган эди. Биз реактив двигателларнинг моддий қисмини ўрганган, газлар динамикаси асослари билан танишган, тез учиш қонуларини билиб олган эдик. Илгари ўзлаштирилган ќўннарсалар Энди бошқача кўринди: техника бошқача, тезликлар катта, учиш баландлиги юқори, ҳисоблар бошқача, ишга янгича қарашиб керак.

Валя билан дўстлигимиз борган сари мустаҳкамланиб, секин-аста севгига айланди. Туғилган куним кел-

ганды менга иккита суратини тақдим қилди. Бир суратта медикларнинг оқ халатини кийиб тушган, иккинчи сида эса ясаниб тушган эди. Валя шу суратининг орқасига меникига жуда ўхшайдиган почерк билан қўйидаги сўзларни ёзган эди: «Юра, эсингда бўлсин, ўз бахтимизни ўзимиз яратишими керак. Тақдирга бош ётма, эсингда бўлсин, сабр қилиш—катта санъат. Бу ҳисни энг бахтли дақиқа учун сақла. 1957 йил 9 март. Валя».

Валя тўғри айтган экан — биз ҳақиқатан ҳам ўз бахтимизни ўзимиз яратдик.

Ниҳоят, «МИГ»ларда дастлабки учишдек узоқ кутилган кун келди. Бу самолётлар думига туширилган ўқдай қанотлари офтобда ярқираб қандай чиройли кўринарди! Самолётлар мағрур ва жасур чизиқлар гармонияси бўлиб, уларга архитекторларнинг ҳам ҳаваси келиши мумкин эди.

Колосовнинг кетидан кабинага ўтираман.

— Аланга бор! — техник тез хабар беради.

Тоқатсизликдан сал силкиниб кетган машина парвоз қилиш йўлкаси бўйлаб югуради. Кўзимни юмгунча ҳам вақт ўтмай, баландликни билдирувчи асбоб (висотомер) беш минг метрни кўрсатди. Бу сенга «ЯК-18» эмас, катта доирада, эсанкиратадиган баландликда, ғоят катта тезлик ва ўт очиш қуввати билан учадиган бундай тезкор машинада қандай учиш керак? Колосов эса, ўтаюкланишни гўё сезмагандек, «МИГ»ни комил ишонч, моҳирлик билан зонага олиб кирди ва пилотаж фигуralаридан бир нечасини ғоят усталик билан бажарди.

— Рулни қўлга олинг,—деб тўсатдан буйруқ берди. У ҳамиша чўрт гапирав, эътироzга йўл қўймас эди.

Рулни қўлимга олдим—ўзим ўрганган самолёт әмаслигини дарров сездим,—бу самолётни ҳам винтомоторли самолёт каби осон бошқармоқ учун зўр бериб ишлаш керак. Синов учишларидан кейин, машқ учишлари, сўнгра контроль учишлар бошланди, учувчи-инструктор билимимга ва қобилиятларимга узил-кесил ишонгандан кейин «МИГ»да биринчи марта мустақил учдим. «ЯК-18»да биринчи марта қандай учган бўлсам, «МИГ»да учишм ҳам ўшандай ўтди. Ҳудди ўша галдагидек, юрак ҳовучлаб ердан кўтарилдим, булутсиз осмонда кенг доира ясадим ва учиш тезлиги ош-

ган сайин учувчилик иши тобора қийин бўлиб қолади, деган холоса чиқариб аэродромга баҳтиёр қайтдим.

Аввалгидай учардим-у, кўнглим тўлмас эди. Чиройли, қулай, маневрли «МИГ»ни дарров яхши кўриб қолдим. У осон бошқариларди, баландликка тез қўтарилиларди. Қанотларим қандай ўсиб мустаҳкамлана борганини сезиб турдим. Ўзимни биринчи марта ҳозирги замон техникасидан баҳраманд бўлган чинакам учувчи деб ҳис қилдим. Ҳарбий мактабга ўзим билан бирга келган дўстларим: Юрий Дергунов, Валентин Злобин ва Коля Репин ҳам шундай ҳисни бошдан кечирдилар.

Аммо, чинакам учувчи бўлмоқ учун ҳали кўп нарсани: олий пилотаж, маршрутда учиш, ҳавода отиш, группа бўлиб мослашиб учишли ўзлаштириш керак эди. Колосовнинг ўрнига ўтган ғалакали учувчи-инструктор Ёдгор Оқбулатов бизга ана шу маҳоратларни ўргатди. Оқбулатовнинг кўзи ўткир; ҳаводаги ҳамма нарсани пайқай биларди, у андак хатони ҳам кечирмасди. Оқбулатов зонага биринчи учишдаёқ чуқур виражларни текис чиқаролмаётганлигимни айтди. Орадан кўп ўтмай, вертикал фигуralаримни мақтади, бундай фигуralар ҳосил қилишда кучли ўтаюкланишлар кетиб чиқарди. Бу фигуralарни яхши бажарганлигимнинг сабаби шуки, ҳар гал зонага келганда машина билан гўс мусобақалашишга ҳаракат қиласдим: машинанинг қўлидан нима келишини ва ўзим нимага бардош берни олишимни текширишга интилардим. Хуллас, техника нинг ҳамма имкониятларини сиқиб чиқарарадим. Вертикал фигуralарда техниканинг ҳамма имкониятларини яхшироқ ишга солса бўларди.

Аммо, ҳамма иш ҳам текис боравермади. Муваффқиятсизликлар ҳам бўлиб турди. Бўйим настроқ бўлгани учун машинани қўндиришда ориентировка қилишга қийналардим. Учишнинг ана шу масъулиятли пайтида ерни яхшироқ сезиш учун маҳсус ёстиқчани мослаштирудим. Шу ёстиқчага ўлтириб, ерни учувчи инструктор қандай кўрса, мен ҳам ўшандай кўриб туардим; самолётни яхшироқ қўндирадиган бўлиб қолдим. Ёдгор Оқбулатов «рационализациямни» маъқуллади.

Малакали ҳамма учувчилар каби, Оқбулатов ҳам камгап, қолаверса — ичимдагини топ дейдиганлардан эди, аммо берган маслаҳатларининг ҳаммасини хотира

дағтарига ёзиб қўйса арзириди. У шундай таълим берар эди:

— Учишда ўзини тўғри тутмоқ учун ерда турганда-еқ ҳамма нарсани пухта ўйлаб олиш керак; ҳаводаги ҳаракатлар тез, аммо оқилона бажарилиши лозим.

У осмонга янгича қарашга, унинг бутун хилма-хиллигини кўра билишга ўргатар, отам болта билан ранда ҳақида қандай содда гапирса, Оқбулатов самолётлар ҳақида ҳам худди шундай содда гапиради. Бу гапларнинг ҳаммаси—учувчи учиб туриши керак, деган битта тапга келиб тақаларди.

Шундай кўнгилсиз ҳодиса ҳам рўй берди. Биз двигатель назариясидан зачёт топшираётган эдик. Ўқитувчи А. Резников менга «уч» баҳо қўйди. Устимдан совуқ сув қўйилгандек бўлди—бу бутун ўқиш давримдаги биринчи «уч» эди, биринчи шахсий «чепе» эди, ўзимга ортиқча ишонганилигим учун берилган жазо эди. Шуни тан олишим керакки, қаттиқ баҳо адолатли қўйилганди, мен ҳақиқатан ҳам баъзи нарсаларни яхши тушуниб ғолмаган эдим. Ҳозирги замон авиатори техникани пишиқ, пухта билмасдан туриб, уча олмайди-да, ахир. Мен анчайин учувчи эмас, балки инженер учувчи, янги машиналарнинг кўпгина синовчилари жаби учувчи бўлишни истардим. Демак, авиацион двигателлар назариясини курсантлардан талаб қилинадиган кичкина ҳажмда беш бармоқдай билиш керак эди. Беш кунгача мактабдан ҳеч қаёққа чиқмай дарсликларни ўқиб, мутолаа қилдим ва олтинчи куни зачётни қайта топширгани бордим. Ўқитувчим қўп ва қаттиқ сўради. Одатда қайта имтиҳонда «тўрт»дан юқори баҳо қўйилмайди. Аммо, ёзилмаган бу қоида бу сафар бузилди ва менга «беш» баҳо қўйишиди. Кўнглим таскин топди.

Дастлабки кезларда ҳавода отишни ҳаммамиз ҳам яхши эплай бермадик. Айниқса ердаги нарсаларга тўп отишнинг уддасидан чиқолмадик. Бехато ўт оча билиш — ҳарбий учувчининг ва айниқса қирувчи-учувчининг асосий хислатларидан бири-да, ахир. Кўпинча ғалаба ҳам, машинанинг бутун қолиши ҳам, учувчининг ўз ҳаёти ҳам душманни бехато, аниқ ура билишга боғлиқ бўлади. Ёдгор Оқбулатов бизга тўғри атака қилишни, нишонни ҳозирги замоннинг мўлжалга олиш асбоблари ёрдами билан кузатишни эринмай ўргатди, шундан кейингина, нишонга ўқ тегизишга ишонганинг-

дан кейингина гашеткани босиши керак, деб таълим берди. У кинофотопулемётларнинг плёнкаларини биз билан бирга узоқ вақтгача кўздан кечирарди, бу плёнкаларда бизнинг ҳамма хатоларимиз қайд қилинган бўларди. Оқбулатов шу хатоларни анализ қилиб, уларни қандай тузатиш кераклигини айтиб берарди.

Бориб-бориб биз ҳавода отиш мураккаб санъатини ўзлаштириб олдик.

Мен завқ билан учганим учган эди.

Битириш имтиҳонларини топшириш пайти яқинлашди. Биз кун бўйи аэродромда бўлардик. Шу вақт бутун дунёни ларзага келтирган воқеа рўй берди,— Ернинг совет сунъий йўлдоши учирилди. Юрий Дергунов самолётлар ёнига югуриб бориб:

— Спутник! Бизнинг йўлдошимиз осмонга чиқибди!— деб қичқирганини худди кечагидай эслайман.

Аввалдан таниш бўлган енгил энтикиш ҳиссини бошдан кечирдим.

Жаҳон матбуоти кўп ёзган воқеа рўй берди, оғиздан оғизга ўтиб юрган воқеа содир бўлди! Совет кишилари ошкора айтиб қўйилмаган мусобақада АҚШни ўзиб кетиб, дунёда биринчи марта Ернинг сунъий йўлдошини яратдилар ва уни учирувчи кучли ракета ёрдами билан орбитага чиқардилар.

Кечқурун, аэродромдан қайтиб, ҳаммамиз Ленин хонасига югурдик, радиоприёмник ёнига бориб, жаҳон космонавтикасининг тўнничи қандай ҳаракаттанаётгани ҳақида янгидан-янги хабарлар ва репортажларни жон-жон деб эшилдик. Кўп курсантлар йўлдош учишининг асосий парометрларини ёд билиб қолган эдилар: йўлдошнинг тасаввур қилиш қийин бўлган тезлиги (секундига саккиз минг метр), апогей ва перигей баландлиги, экватор текислигига орбитанинг оғиш бурчаги, йўлдошнинг қайси шаҳарлар устидан учиб ўтганлиги ва учиб ўтишини билар эдилар. Йўлдош бизнинг Оренбург шахримиз устидан учиб ўтмаганлигига афсус қиласардик. Йўлдош ҳақида кўп гаплар бўлди, унинг Ер атрофидаги ҳаракати бутун ҳарбий мактабни ғулгулага солди. Биз курсантлар ҳам, командирларимиз ҳам, ўқитувчиларимиз ҳам битта савол беришарди: «Бундан кейин нима бўлади?» деб сўрашарди.

— Йигитлар, ўн беш йилчадан кейин,— деяр эди

дүстүм Валентин Злобин ҳаяжонланиб,— одам ҳам космосга учади...

— Учишга учади-ю, ким учар экан?— Коля Репин дарров жавоб берди,— у вақтгача биз қариб қоламиз... Йилдан-йилга реакция сусайиб қолади, күз хира тортади, унда одам аввалгидай тез муҳокама юритолмайди.

Космосга биринчи бўлиб ким сафар қилиши ҳақида мунозара қиласарик. Баъзилар албатта академик олим учади, деса, баъзилар инженер учади, баъзилар врач учса керак, баъзилар биолог, баъзилар сув ости жемасининг матроси учади, деб айтишарди. Менга қолса, қириувчи учувчи учса, дердим. Албатта, учувчи учса, унга фан ва техниканинг кўп соҳаларидан катта билимлар керак бўлади. Шаклини ҳатто тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган космик учиш аппарати самолётларнинг ҳозир маълум бўлган ҳамма типларидан ҳам мураккаброқ бўлади, албатта. Бундай аппаратни бошқариш ҳам анча қийин бўлади.

Биз келажак космик кемасини тасаввур қилишга уриниб кўрдик. У гоҳ ракета, гоҳ шар, гоҳ диск, гоҳ ромбга ўхшаб кўринди. Ҳар ким қалам билан чизилган бу шаклни илмий фантастларнинг китобларидан нусха кўтариб қилган таклифлари билан тўлдиради. Мен бўлсам, шу кеманинг шаклини дафтаримга чизар эканман, ўзимга таниш бўлган бедорлик ва ҳали англанмаган иштиёқ, ҳатто ўзим-ўзимга айтишга чўчиган ҳис — космосга интилишни яна сездим.

Рўй берган воқеанинг бутун аҳамиятини дарров билб олдик. Коинот фазоларини забт этиш баҳори бошланганлигидан дарак берган биринчи қалдирғоч учмоқда эди.

Ер йўлдошининг ғолибона учиши муносабати билан газета ва журналлар кўпгина мақолалар босиб чиқардилар. Совет олимларидан А. В. Топчиев, Л. И. Седов, В. А. Амбарцумян, А. Е. Арбузов, А. И. Берг, Д. И. Щербаковнинг мақолалари босилиб чиқди. Чет эл фанининг намояндалари — Хитой Фанлар академиясининг президенти Го Мо-жо, француз олими Фредерик Жолио-Кюри, инглиз физиги профессор Бернал, американлик доктор Жозеф Каплан ва бошқа кўп олимлар ҳам муътабар фикрларини айтдилар. Уларнинг ҳаммаси совет халқини мисли кўрилмаган муваффақият би-

лан табриклишди, совет йўлдоши космосга йўл очганлиги ҳақида сўзлашди.

Шавқ-завқ билан тўлиб тошган газеталар Октябрь революцияси ва Ватан уруши даврларининг оташин нашрларига ўхшаб кетарди. Газета олиш учун одамлар турнақатор навбат кутиб туар, газетани кўчанинг ўзида, «Союзпечать» киоскаларининг олдида туриб шоша-пиша ўқир эдилар. Ҳамма газеталарда Ватанимиз меҳнаткашларининг кўпгина хатлари босилиб туар, улар ўз хатларида рўй берган воқеадан хурсандликларини изҳор қиласр эдилар. Бир неча вақтдан кейин «Правда» газетаси «Москва... Спутник» адресига 60396 телеграмма ва хат келганлигини хабар қилди. Уларнинг орасида биз, курсантларининг хати ҳам бор эди. Мен туғилиб ўсган Смоленск обlastidan Евгений Шчербаковнинг газетага ёзив юборган хати мени ҳаяжонлантириди. Ҳамқишлоғим шундай деб ёзган эди: «Яқин орада каттароқ йўлдош учириса керак. Агар йўлдошини одам билан учирис мақсадга мувофиқ топилса, мен қомсомол йўлланмаси билан космосни ўзлаштириш учун учишга тайёрман».

Ернинг дунёда биринчи совет сунъий йўлдоши учирилганлиги муносабати билан ажойиб мардлик, фидкорлик кўрсатишга ва ҳар қандай қийин шароитда қаҳрамонона бардош беришга тайёр турган кишиларнинг мингдан ортиқ шундай таклифлари тушди. Хатлар Ватан манфаатлари йўлида жонини ҳам тикишга тайёр турган совет кишиларининг ватанпарварлик ҳисларини ифодалар эди. Мен ана шу қизғин ҳисларни астайдил қувватлар, аммо ҳар ким ҳам космосга саёҳат қила олмаслигини тушунар эдим. Назаримда, космосга учиш учун энциклопедик маълумот ва саломатлик яхши бўлиши керак эди.

Онам саломатликнинг баҳоси йўқ деб бечиз айтмаганди.

Ўқитувчи Резниковнинг ҳақ сўзларини эсладим:

— Инженерлик билимларини олмасдан туриб, учишда бўладиган ёки бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларни тушунмасдан туриб, учиб бўлмайди!

Битириш имтиҳонларимиз Ер сунъий йўлдошининг учиши муносабати билан бутун халқ ғайрат-ташаббуси мавж урган бир вақтда ўтди. Ҳар бир курсант ана шу ажойиб воқеага муносиб бўлишга, ўз замонининг фар-

занди эканлигини ва бутун халқ муваффақиятларига ўз билимлари билан тегишинча ҳисса қўшишини давлат имтиҳон комиссиясига кўрсатишга ҳаракат қиласарди.

Давлат имтиҳон комиссиясига полковник Кибалов раис эди. У Ҳарбий Ҳаво қучлари учун кадрлар тайёрлаб берадиган авиация доираларида яхши маълум офицер бўлиб, ҳарбий учувчиларга неча марталаб йўлланма тутган эди. Кибалов ҳар бир курсантга ёшлардай ўйноқи кўз билан қараб, классларда курсантларнинг имтиҳон билетлари бўйича берган жавобларини тинглар, аэродромда учишларимизни эътибор билан кузатиб тураган эди. Кибалов кўпинча илжаярди ва унинг турқига қараб, полковник бизнинг билимларимиздан ва реактив самолётларда учиш маҳоратимиздан мамнун бўлганлигини тушуниб турадик. Тажрибали ҳарбий педагог ва авиация командири бўлгани учун у ҳамма нарсани: билимларимизнинг салмоғини ҳам, ҳар биримизнинг қалбимизда нима бўлаётганини ҳам тушунарди. Битириш имтиҳонлари ҳар бир ёш учувчи ҳаётидаги энг тантанали ва энг масъулиятли пайтдир. Менга қолса, бу пайтни одамнинг иккинчи туғилиш куни деяр эдим.

Қуйидаги сўзлар ёзилган ҳужжатни сақлаб қўйибман: «Курсант Юрий Алексеевич Гагаринга лейтенант унвонини бериш ҳақида тавсиянома. Ҳарбий мактабда ўқиш вақтида интизомли, сиёсий жиҳатдан саводли курсант эканлигини кўрсатди. Совет Армиясининг уставларини билади ва амалда бажармоқда. Сафдаги ва жисмоний тайёрлиги яхши. Назарий билими аъло. Учиш программасини муваффақиятли ўзлаштирум олган билимларини эса мустаҳкам сақлаб қолмоқда. Учишни яхши кўради, дадил ва комил ишонч билан учади. Учиш техникаси ва уидан жангда фойдаланишга доир давлат имтиҳонларини «аъло» баҳога топширди. Самолётнинг моддий қисмидан билиб фойдаланади, мактабни биринчи разряд билан тутгатди. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ишига ва социалистик Ватанга содиқ». Жондан азиз бўлган бу қимматли ҳужжат менга катта авиацияга йўлланма бўлиб қолди.

Аттестацияларимиз Москвада, Мудофаа министрлигига кўздан кечирилиб бўлгунча биз «ҳаво ранг карантинда» бўлиб, офицерлик унвонлари берилишини

сабрсизлик билан кутиб турдик. Ўша кунлари бошим күкка етган эди: Валя таклифимни қабул қилиб, мёнга тегишга рози бўлган эди. Биз мактабдош ўртоқларимиз ва Валянинг дугоналари билан бирга ЗАГСга бориб, келин-куёвлар дафтарига имзо чекиб келдик ва ҳамиша севгимизга вафодор бўлиш ҳақида бир-биримизга сўз бердик. Ота-оналаримиз билан келишиб, икки марта — аввал Оренбургда, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қирқ йиллиги тантана қилинадиган кунларда, сўнгра отпускам вақтида — Гжатскда тўйтомоша қилишга қарор бердик. Янги ҳаёт қурмоқ учун бизга яхши маслаҳатлар керак эди, биз тўйдан олдин кўп маслаҳат олдик.

Горячевлар уйида тўй тараддути бошланган — Варвара Семеновна ва Валянинг опалари меҳмонларни кутиб олиш учун ҳозирлик кўрар, Иван Степанович эса totli овқатлар пишириб, меҳмонларнинг кўнглини олишга шошиларди. Икки йиллик севгимиз никоҳ тўй билан мустаҳкамланишидан ҳамма хурсанд эди. Биз Валя билан бу ишга жуда жиддий қарадик. Бир-бирини яхши билиб олиш, ҳаётга бир кўз билан қарашимиз ва ҳар қандай қийинчиликларни биргаликда енгишга тайёр турганимизга ишонмоқ учун икки йил етарли муддатдир. Узун ва машаққатли ҳаёт йўлида қийинчиликлар учрашини аниқ билардик. Биз ҳамнафас бўлиб яшардик, қалбимиз ҳам баравар уради. ЗАГСдаёқ ўртоқларим ҳузурида онамнинг қўйидаги сўзларини қаллифимга эслатдим:

— Шодликни ҳам қайғуни ҳам бирга тортинглар...

— Ҳамиша бирга тортамиз,— деди Валя дилидан чиқариб. Унинг сўзлари қасамдай янграб эшитилди.

Тўйга деярли ҳамма нарса тахт бўлган эди. Шу пайт яна бутун дунёни ҳаяжонга келтирган, қалбимизда шодиёна акс садо туғдирган тағин бир воқеа содир бўлди. З ноябрда Ернинг яна бир совет сунъий йўлдоши осмонга парвоз қилди. Биринчи йўлдошдан кейин иккинчи йўлдош айланмоқда эди! Иккинчи йўлдош кўп марта катта ва оғир бўлиб, бортидаги жипс берк кабинада Лайка деган кучук бор эди. Бу воқеа бутун дунёда янада каттароқ мароқ тўлқинини уйғотди, Совет ҳокимиятининг қирқ йили мобайнида фан ва техника нинг мисли кўрилмаган қандай юксакликларга эришганлигини оламга яққол намойиш қилди.

уша күнлари Ер иккинчи сунъий йўлдошининг учишни тасвирланган газеталарни ўқир эканман, мен: мондомики тирик мавжудот космосга чиққан экан, у ерга одамнинг учеб бориши нега мумкин эмас?— деб ўйладим. Космосга биринчи марта хаёлимдан ўтди. Шу фикрни хаёлимдан ўтказдим-у, чўчиб кетдим: мамлакатимизда бу ишга мендан кўра кўпроқ тайёрланган минглаб кишилар топилади-ку, ахир. Ўша фикр хаёлимдан ўтиб, қалбимни жаз эттириди-да, йўқолиб кетди. Яқин ўртада рўй бермайдиган воқеа ҳақида ўйлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди. Ҳарбий мактабни битириш, никоҳ тўйи, отпуска, сафдаги қисмга йўлланма олиш — ҳозир қиладиган ишларим шу эди. Шунга қарамай, Ернинг иккинчи сунъий йўлдоши кўнглимга ғулғула солди. Ниманидир кутаётганимни, нимадир рўй бериши лозимлигини дарров тушундим.

Октябрь 40 йиллиги байрами арафасида мактабни битирган ҳамма курсантлар янги, офицерлик кийимларини кийиб, аммо курсантлик погонларини ташламасдан акт залига саф бўлиб тизилдилар. Мактаб бошлиғи генерал Макаров тантанали сукунат ичидаги залга кириб келди. У мағрур, жасур бошини баланд кўтариб, бизга Совет Армиясининг ҳарбий учувчилари ва лейтенантлари унвонларини бериш тўғрисидаги буйруқни командирларга хос равшан овоз билан ўқиб берди. Генерал ҳар биримизга офицерларнинг зарҳал погонларини топширас экан, бизни табриклаб, қўлимизни қисди.

Бу тантана 8 ноябрда ўтказилиши керак эди. Аммо генералнинг ўзи ҳам бир вақт курсант бўлган ва Октябрь қирқ йиллиги каби умумхалқ байрамини биз, мактабни битиравчилар курсант ҳолида эмас, балки офицер бўлиб ўтказишимиз жуда муҳимлигини тушунарди, албатта. Бизни яхши билиб юрган генерал байрамимизнинг шодлигига шодлик қўшди.

Мен мактабдан дўстларим билан бирга Горячевларнинг кенг ЖАКТ уйига тўппа-тўғри жўнадим. У ерда бизга, келин билан куёвга айрим хона тайёрлаб қўйишган эди. Валя оҳорли оқ кийимини кийиб, мени кутиб олди. Мен бўлсам, шинелимни ечиб, бутун офицерлик либосимни намойиш қилдим. У мени бундай кийимда ҳали кўрмаган эди. Кишилар ҳузурида, ота-она-

лар олдида биринчи марта ўпишдик. Биз эр-хотин бўлдик. Биз бахтиёр бўлдик, ҳамманинг ҳам бахтиёр бўйлишни истардик.

Тўй жуда рухли ўтди. Қаллиғим ҳаммадан чиройлди кийинган эди. Иван Степанович ҳақиқатан ҳам пазандә эканлигини кўрсатди,— дастурхонда анвойи таомлар ва ичимликлар тўлиб кетган эди. Уртоқларим бизнә табриклишди. «Горько» деб қичқиришди. Хуллас, чи-накам рус тўйлари қандай ўтса, бизнинг тўйимиз ҳам худди шундай ўтди. Варвара Семеновна радиони улаганда шу сўзларни эшидик: «Совет Иттифоқининг иккаки вакили — Тинчликнинг икки юлдузи Ер теварагида учмоқда. Бизнинг олимларимиз, конструкторларимиз, инженерларимиз, техникларимиз ва ишчиларимиз инсониятнинг ниҳоят даражада мардонавор орзусини рўёбга чиқариб, Октябрнинг 40 йиллиги муносабати билан совет кишиларини ҳақиқатаси катта совфа билан қувонтиридилар».

Биз Никита Сергеевич Хрущевнинг таниш ва қатнадон овозини эшидик В. И. Ленин номидаги Марка йиғ стадионнинг Спорт саройида ССРР Олий Советинин юбилей сессиясида шу куни Н. С. Хрущев қилаётган доклад эшилтирилмоқда эди.

— Тўйимизда Никита Сергеевич ҳам қатнашди,— деди Валя.

Партиямиз учун, халқимиз учун, Совет ҳукумати учун ҳамма қадаҳ кўтарди.

## ШИМОЛ ШАФАФИ ЁРУҒИДА

Шу тариқа мен офицер, қиравчи учувчи бўлиб қолдим. Севикили хотиним ва умримда биринчи марта ўз хонам бор. Мактабни биринчи разряд билан тугатдим ва менга бундан кейинги хизмат жойини ташлаш ҳуқуқи берилди. Жанубга кетиш мумкин эди. Украина яхши, обод авиация гарнизонларини таклиф этишди. Аммо мактаб қўмондонлиги мени бўшатмай, учувчи инструктор лавозимида қолдирмоқчи бўлди.

— Қаёққа ҳам борасан,— дейишарди менга мактаб штабида,— Оренбург — яхши шаҳар. Оиласанг, квартиранг шу ерда, хотининг бўлса ўқияпти... Иссиқ ўринингни совутиб нима қиласан?

Бироқ мен қаерда қийинроқ бўлса, ўша ерга жў

наш керак, деб илгариёқ қарор қилиб қўйгаидим. Ёшлик, бутун комсомолларимизнинг ибрати шунга мажбур этарди. Комсомолларимиз ҳамиша социализм қурилишининг олдинги сафида бўлиб, ҳозир эса тобора янгидан-янги миллион-миллион гектар қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириб, домна ва мартен печларини қуриб, азим дарёларни гидростанцияларнинг тўғонлари билан тўсиб, Сибирь тайгасига янги йўллар очиб, меҳнатда қаҳрамонлик мўъжизаларини кўрсатмоқда эди. Хуллас, ўзимни қудратли комсомол авлодининг фарзанди деб ҳис қилас, тинч гаванларни қидиришга ва биринчи пристань олдида якорь ташлашга ҳақли деб билмас эдим.

Ўзимни изтиробга солаётган ҳислар менга ва дўстларим Валентин Злобин, Юрий Дергунов, Коля Репинга тинчлик бермасди. Ҳаммамиз шимолга юборишларини илтимос қилдик.

— Нега шимолга? — дея сўрар эди Валя ниятларими ни ҳали тўла тушунмай.

— Чунки у ерда ҳамиша қийин, — дея жавоб берар эдим мен.

Аммо буни айтиш осон эди-ю, тушунтириб бериш ҳам керак эди, чунки ўзимга ўхшаш учувчи эмас, балки бутун умрини обод шаҳарда, ўзига тўқ оилада ўтказган нозик жувон савол бермоқда эди. Мен хотинимнинг нима демоқчи бўлганини тушунардим: мен билан бирга кетса — ўқишини, ота-онасини ташлаши, одатланаб қолган турмушки билан хайрлашиши керак. Ахир, Валя ҳеч қачон Оренбургдан бирон жойга чиқсан эмас-да. Бизни кутишаётган шимолдаги кўз кўрмаган ва қулоқ эшитмаган турмуш уни чўчитмай қолмасди. Шимолга бир ўзим эмас, балки кўпчилик бўлиб кетмоқчи эканлигимизни билиб, бир вақт сўраб ҳам қўйди:

— Хўш, сенга ўртоқларинг мендан кўра қадрлими?

Бу саволга қандай жавоб берсам бўлар эди? Валяни ўпдим, шундай қарорга келдик: аввал бир ўзим жўнайман, унга ҳар тўғрида ёзаман, медицина билим юртини тугатганидан кейин дарров менинг ёнимга етиб келади. Бу Валяга ҳатто ёқиб ҳам тушди, янги ихтисосни эгаллаб, Оренбургдан кўра шимолда кўпроқ керак бўлишини тушунди.

Янги хизмат жойига етиб боргунча вақт бор эди, биз Валя билан Гжатскдаги кекса ота-онамнинг олдига

жүнадик. Бизни очиқ юз билан қарши олишди. Қаллиғим ёқди. Аммо отам бир сұхбатда түйни Гжатскда қилмай, Оренбургда ўтказганимиз учун гина изҳор қилди. Сўзини иккита қилганларни тоқат қилмайдиган отамнинг характеристини билганимдан оғиз очмадим. Валя эса шундай деди:

— Отажон, ҳамма дугоналарим ва Юранинг ўртоқлари сизнинг Гжатск шаҳринизга келиша олмасди да, ахир... Биз комсомолчасига тўй ўтказгандик...

Бу сўз отамга кор қилди ва Гжатскда түйни такрорлашга қарор қилинди. Тўй қилишга пулимиз бор эди. Оренбургда тўй қандай хурсандчилик билан ўтган бўлса, Гжатскда ҳам ўшандай хурсандчилик билан ўтди.

Валя Гжатскда узоқ қололмасди, чунки медицина билим юртидаги дарсларга етиб бориши керак эди. Биз Москвагача бирга бордик, мен Валяга пойтахтнинг диққатга сазовор жойларини кўрсатдим ва хомушлик билан Қозон вокзалигача кузатиб қўйдим. Назаримда йиғлаб ҳам олди, менинг ҳам кўнглим бузилиб кетди. Аммо, нима ҳам қиласан — дўстлик ўз йўлига, хизмат эса ўз йўлига! Поезд перрондан узоқлашди, мен бўлсан сўнгги вагоннинг қизил чироfiga узоқ термилиб қолдим...

Эртаси куни Москвадан мен ҳам жўнаб кетдим. Мен билан бир купеда Валентин Злобин ва Юрий Дергунов ҳам кетишли. Йўл-йўлакай шахмат ўйнаб бордик ёки дераза олдида туриб, Карелиянинг қиров босган ўрмонларини завқ билан томоша қилиб бордик. Биз тикка ўсадиган оқ қарағайлар ўлкасини кесиб ўтдик. Қутб доираси орқада қолди, табиат соат сайин тобора кескинлашиб, фавқулодда бўла борар эди. Вагондан ташқарида қаҳратон совуқ, туман паға-паға бўлиб ўйнайди, соат стрелкалари ярим кечани кўрсатар, биз эса тиник кўкимтири туни қўйнига кириб борар эдик.

— Қаерга келиб қолдик? — ҳайрон бўлиб хитоб қилди Дергунов?

— Оқ айиқлар ёнига меҳмон бўлиб келдик, — дея ҳазил қилдим Злобин билан.

Ҳазил қилишга қилдик-ку, олдимизда турган ишлар ҳазилакам эмаслигини билардик. Уддасидан чиқармичинмиз? — деган ўшбҳа кўнглимизни ғаш қилиб турарди. Биронтамиз ҳали кечаси учган эмасмиз, бу ерда эса қанча юрсак ҳам, туннинг кети узилмайди...

Тоқатсизлик ахирі жонимизга тегди, поезд самолёттің нисбатан бунча ҳам секін юрар экан!

Аммо, ҳамма нарсаның охирі бүләди, биз штабға етиб олдик. Армия лейтенантларининг ярқыроқ кийимларини кийіб олганимиздан ҳамманиң күзи бизга тушарди. Бу ерга, совуқ денгизге бу құшлар қаердан келиб қолибди, деб бизга қараашарди.

Бизга танлаб олинг, деб иккі типдәги самолёттің таклиф этишди. Мактабда үзимиз учіб юрган «МИГ» ларни танладик. Йұлланма олиб, хизмат жойимизга — узоқ гарнизонға жүнаб кетдик. Йұлни қор босган, автобус деразалари совуқда музлаб, гул тушиб турарди. Аямажиз совуқ эди, биз янги таассуротларнинг күплигидан ва چарчаганимиздан мудраб борардик.

Хизмат жойимизга тун ярим кечадан оққан вақтда етиб олдик, аммо гарнizon меңмөнхонасида бизни кутишиб турған экан. Оренбурглик ўртоқларимиздан Веня Киселев, Коля Репин, Алёша Ильин ва Ваня Доронин ҳам шу ерда экан. Улар бизни қаттық құчоқлаб олиши, уйқумиз бирданига үчиб кетди. Гапимиз одоқ бүлмас, ҳамма баравар гапирап ва бирданига ҳамма нарса түғрисида сўзлашардик. Мен шу ғала-ғовурдан муҳим бир тафсилотни ажратиб олдим: командир — хизмат күрсатған учувчи, қаттиққұл ва адолатлы бошлиқ, деган гапни уқиб олдим.

Бизни учта койка турған хонага жойлаштиришиди. Дераза олдидаги биринчи, энг яхши койкани Валя Злобин әгаллади. Иккінчи койкани Уфадан келган татар Солиҗон Бойбеков олди, учинчи койка менга қолди. Биз саҳарга яқин ётдик ва ёстиққа бош қўйишимиз билан донг қотиб ухлаб қолдик.

Эрталаб нонуштадан кейин командир ҳузурига кирдик. Биринчи таассуротимиз ўртоқларимиздан эшиганимизга яраша бўлди. Подполковник бизга бўлинма традицияларини эслатди ва унинг ветеранлари эришган жанговар шұхратнинг муносиб ворислари бўлинглар, деб истак билдириди. Сўнгги йилларда бўлинма энг яхшилар қаторига ўтган эди. Бўлинма учувчилари тинч Учишарди, ҳавода ва ерда эришган мұваффақиятлари учун бир қанча мукофот ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланған эди. Командирнинг кабинетида қора лента билан ўралған рамкада портрет осиғлиқ турарди.

— Сергей Негуляев,— деди подполковник портретни

күрсатиб,— совет Данкоси! Жангла жонини құрбон қи-  
либ бўлса ҳамки, фашист самолётини мажақлаб таш-  
лаб, ўртоқларини кулфатдан қутқарган.

Жанговар традициялар ҳақида бундан ортиқ гапи-  
ришнинг ҳожати йўқ эди. Ҳаммаси тушунарли эди.

Учувчи ёшларнинг ҳаммаси учинчи эскадрильяга  
олинди. Бизга Андрей Пульхеров қўмондонлик қиласди.  
Эскадрилья ҳали аълочи деб эълон қилинмаган, аммо  
яхшилар қаторида бўлиб, бошқа эскадрильялар билан  
мусобақалашмоқда эди. Энди бу мусобақага биз ҳам  
қўшилишимиз ва нимага қобиллигимизни биз ҳам кўрса-  
тиб беришимиз керак эди.

Звено командири — старший лейтенант Леонид Да-  
нилович Васильев бевосита бошлиғим экан. У ўзини  
Шимолнинг оқ-қорасини таниган киши деб биларди,  
учишлар вақтида ўзгариб турадиган инжиқ шимол та-  
биятининг тўс-тўполонидан шараф билан қутулиб чи-  
қарди. Шимолда тўсатдан қорли чақмоқлар, қалин туман  
тушиб туради, Муз океанидан узлуксиз шамол ке-  
либ туради. Дастьлабки сухбатлардан: бу ерда, Шимол-  
да учабилишининг ўзи камлик қилишини, самолётни ҳаво  
айниб турган пайтда, бунинг устига тунда бошқара би-  
лиш ҳам кераклигини тушуниб олдик.

Январь ойининг қаҳратон кунлари эди. Тунги сидир-  
ға зимистон қалин қор босган ерни кўрсатмасди. Аммо,  
самолётларнинг парвоз қиладиган ва қўнадиган йўлка-  
сида турбиналарнинг гувиллаши тинмасди. Кексароқ  
учувчилар учишарди. Тунги шароитда учишда тажриба-  
миз бўлмаганидан биз назария билан шуғулландик, дасть-  
лабки офтобни, баҳор келишини сабрсизлик билан ку-  
тиб турдик. Биз аҳил, иноқ оила бўлиб яшардик. Қемадаги қийин турмуш шароити жисплаштирган денгизчи-  
лар ҳам шундай яшашса керак. Бир-биримизнинг ҳам-  
ма сиримизни билардик, ҳеч кимнинг ўртоқларидан  
яширадиган бирон сири йўқ эди. Агар хат келса, ҳамма  
хабардор бўлар эди. Хатни овоз чиқариб ўқирдик.  
Фронтчиларнинг сўзига қараганда, урушда ҳам шундай  
бўлган экан.

Валя тез-тез, аммо қисқа ёзарди. У ўқишидаги муваффақиятларидан пича хабардор қилиб қўярди, афтидан медицинага қаттиқ берилган бўлса керак. Валя ҳеч нар-  
садан нолимасди, аммо соғинганини ва мен билан тез-  
роқ кўришгувси келаётганини ёзганидан билиб олдим.

Үртоқларимга ота-оналари ва ёр-биродорларидан кел-тап хатларда ҳам худди шу нарса сезилиб турарди.

Биз сафдаги хизматнинг янги, қизиқ дунёсига қадам күйдик. Биз бир-биримизни яхши кўрар, ўртоқларимизнинг муваффакиятларидан хурсанд бўлар ва ўртамииздана бўлса, ҳаммасини бирга бошдан кечирав эдик. Илгаридан хизмат қилаётган тажрибали учувчилар ҳар қандай ёғингарчиликда учишаверарди. Звенолар ҳаводаги нишонларни ушлаб олишга, зоналарга бора, узоқ маршрутларда учар, таълим мақсади билан ҳавода жанг қилас, отишиш машқларини бажарар эди. Эскадрильяда звеномизнинг командири ҳаводаги нишонларни ушлаб оладиган энг яхши учувчилардан бири бўлиб ном чиқарган эди. У ҳар қандай об-ҳаво шароитида учаверарди. Бир кун аэродромда навбатчилик қилиб турардим, Васильев эса ҳавода эди, шу вақт денгиз томондан тўсатдан қалин туман босиб келди. Аэродром теварагидаги кедр босган сопкалар (тепалар) сидирға зулмат қўйнига кирди. Аҳвол жиддий бўлиб қолди. Самолётни қўндиришининг иложи йўқдек кўринди. Шунга қарамай, звено командири ва унга эргашиб борган самолёт аэродромга чиқиб олди ва қалин туманинн ёриб ўтиб, ерга қўниш сари аниқ йўл олди ва қўниш йўлкасига тушди, Ҳамманинг кўнгли хотиржам бўлди.

Командирнинг ёнига юурдим. У гўё ҳеч нарса бўлмаганидек турқини бузмади, аммо барибир шу гапни айтди:

— Штурманларга хос аниқ ҳисоб қилиш ва асбобларга ишониш керак... Машинанигина эмас, асабни ҳам қўлга ола билиш керак, албатта. Қирувчи самолётда ўзинг ҳон — ўзинг бек; учувчи ҳам ўзинг, штурман ҳам ўзинг, ўқчи ҳам ўзинг...

Васильевнинг бу учини биз ёш учувчиларга ҳар қандай шароитда ўзини йўқота билмаслиқдан яққол сабоқ бўлди. Звеномиз командирини эса янада кўпроқ ҳурмат қила бошладик.

Қиши чиқай деб қолганда назарий билимларимизни оширдик, материал қисмни яна бир марта такрорладик. Сўнгра шимол шароитида самолётларни эксплуатация қилиш ҳуқуқи учун зачёт топширдик. Шимол хусусиятлари ҳақиқатан ҳам кўп, уларни ҳар ким яхши билиб олиши зарур эди. Штабда бизга янги учувчилик даф-

тарчаларини тутишди. Аммо бу дафтарчаларнинг вараклари тоза тураверди.

Учишни март охирида бошладик. Бўй вақтда баҳор нафаси ҳамма нарсадан сезилиб турди, узун қутб туни шундай узун қутб кунига ён бера бошлайди. Мени звено командири ҳавога олиб чиқди. Самолётга ўтирас эканман, учиш олдида бўладиган ва ўзим бошдан кечирган ҳаяжонни сездим, чунки бир неча ойдан берли ҳавога кўтарилганим йўқ-да. Биз саҳарга яқин, салгина фирашрада парвоз қилдик. Баландликни оширас эканман, учишда ҳамиша бўлганидек, машина билан бир жон-биртан бўлиб қолдим. Аммо висотомер стрелкаси белгилаған чизиққа сурилган пайтда пастга қарадим — қуёшни кўрдим. У эндинина кутарила бошлаб, осмон ва ерга тилла ранг нурларини сочмоқда эди. Пастда пушти ранг қор босган сопкалар кўринди, ерга денгизларнинг кўкимтири томчилари сочилганга ўхшар, кўм-кўк совук дengiz эса гранит қояларига урилиб туради.

— Қандай чиройлик-а,— деган гап беихтиёр оғзимдан чиқиб кетди.

— Асбоблардан кўзингизни узманг,— шу онда Васильевнинг «хушингни йиғиштириб ол» дегандек овози эшитилди.

Ҳаммамиз каби, Васильев ҳам қуёшни соғинган, аммо ҳавода ҳеч нарса учувчи эътиборини самолётни бошқаришдан чалғитмаслиги кераклигини билар эди. Унинг назарида қуёш билан ҳисобда кўрсатилган аниқ вақтда учрашишнинг ўзи муҳим эди. Шу онда у менга шу тўғрида гапирди. Ҳаяжонни, эмоцияни бир чеккага қўйиб, аввало ишни ўйлаш кераклигини тушундим.

Заполярьеда чинакам учувчилик хизмати шу тариқа бошланди. Звено командири машина билан муомала қила билиш қобилиятини мукаммал текшириб, мустақил учшиларга қўйди. Эскадрильямизнинг янги командири майор Владимир Решетов эски звено командирининг қарорига рози бўлди ва биринчи марта мустақил учганимдан кейин дарҳол самолёт ёнида партия ташкилотининг секретари капитан Анатолий Росляков билан биргаликда мени шу воқеа билан табриклади. Ўртоқларим шу пайтни суратга олишган экан. Суратни Валяга, Оренбургга жон-жон деб юбордим. Бу суратга учаламиз мўйна комбинезон, учувчилар шлёми ки-

йиб, кулиб, бир-бири мизнинг қўлимизни қисиб турган ҳолатда тушганимиз.

Тез орада кўнгилсиз воқеани бошдан кечирдик. Асбобларга ҳараб учмоқда эдим. Синоптиклар кун бўйи ҳаво яхши бўлади, деб айтишганди — ҳаво айнишини кўрсатадиган биронта белги йўқ эди. Сўнгги машқни бажариб бўлган вақтимда тўсатдан қоронғи туша бошлади. Пастда оролча ва қўлтиқлар кўринмай қолди. Қорли чақмоқлар яқинлашиб келаётганини тушундим. Қорли чақмоқлар — Шимолда осмондагина эмас, ерда ҳам жуда кўнгилсиз нарса. Ҳаво қандай, деб аэродромдан сўрадим. Ҳозирча тузук, аммо теварак-атрофни кўриш минут сайин қийинлашмоқда, самолётлар қўнадиган запас майдончани қор тўлқинлари босиб кетди, деб жавоб беришди. «Ундаи бўлса ёмон юб-ҳаво билан баҳсашиб кўрамиз ва олишамиз», деб ўйладим ва шу онда ёқилғи жуда оз қолганини кўрдим. Бундай ҳолатда равshan фикр юритиш ва ўзини маҳкам тутиш асосий масаладир.

— Дарҳол қайтинг,— деб буйруқ берди менга учишлар раҳбари. Унинг овозида ташвиш аломати сезилиб турарди.

Яқинда Васильев билан бўлган ҳодиса ва унинг шундай ҳолатдан чиқиши йўлини топганлиги беихтиёр рационални тушди. Мен тез ўйлаб, аэродромга бориш учун энг калта маршрутни қидирар эканман, ҳал қилувчи ҳамма факторларни: рўпарадан эсаётган қаттиқ шамолни, учиш баландлигини, вақтни, ёнилғи запасини ҳисобга олдим. Қўзни қамаштирадиган қалин қор бўронини ёриб ўтиб, учишлар раҳбарининг буйруқларини аниқ ижро этдим. Машинанинг бутунлиги ва омон қолишим ўз қўлимда эканлигини ва мендан кўра кўпроқ тажрибали авиатор — учишлар раҳбарининг командаларини нечоғлик тўғри бажаришимга боғлиқ эканлигини равshan тушунардим. Унинг хотиржамлиги менга ўтиб турарди.

Совуқонли, иродаси кучли бу офицер менга бир кун шундай деган эди.

— Чинакам учувчи тўртта сифати билан: жўшқин юраги, вазмин ақли, бақувват қўллари ва соғи виждони билан таърифланади...

Самолёт аэродром районига чиқиб олганлиги асбоблардан кўриниб турарди. Аммо ерни кўрмаганлигим-

дан, қўниш жойини йўл-йўлакай мўлжаллай олмадим. Асабимга ҳар қанча эўр келса ҳам, яна бир марта доира ясад, бошқарувчи радиостанция билан алоқа боғлаш ва яна қўнгали пастлашишга тўғри келди. Ниҳоят, қўниш йўлкасининг кул ранг лентаси очилганини кўриб, ўзимни енгил ҳис қилидим. Энди ўтирасам бўларди.

Учишлар раҳбари қўлимни қисиб, шундай деди:

— Муваффақият жасурларга кулиб боқади.

Ёш офицерлар орзуманда бўлган мақтов шу эди.

Гарнизонда соғлом коллективнинг ижодий ҳаёти қайнаб тошарди. Ҳеч ким карта, домино ўйнамас, беҳудага вақт ўтказмасди, ҳеч ким пиянисталик қилемас, хотинидан ажралиб кетмасди. Ҳамма совет ахлоқининг ажойиб қонунларига амал қилиб яшарди.

Май ойининг ўрталарида бир меёргаги ҳарбий ҳаётимизга — назарий машғулотлар, учишлар, комсомол йиғилишлари, галдаги навбатчиликлар бўлиб турган бир вақтда — яна хушхабар келди: халқаро геофизика йилининг программасига мувофиқ, мамлакатимизда Ернинг учинчи сунъий йўлдоши учирилганини эшитдик. Ернинг биринчи ва иккинчи сунъий йўлдошлари ёрдами билан ўтказилган турли тадқиқотларнинг баъзи якунлари ҳақида «Правда» газетасининг биринчи май сонида босилган материалларни эндигина қизғин муҳокама қилиб турганимизда аввалгиларидан анча оғир ва аппаратлари янада кўпроқ такомиллаштирилган учинчи йўлдош орбитага чиққан эди. Қувончимиз ичимизга сифмади.

Ернинг дастлабки сунъий йўлдошлари инсоннинг космик фазога чиқиш эраси бошланганлигидан дарак беришини, совет олимлари ва инженерлари моҳирлик билан ясаган учиш аппаратлари бир қанча энг муҳим илмий тадқиқотларни амалга оширмоқ учун жуда кенг имкониятлар очиб беришини бўлинмамизнинг учувчилари, техниклари ва механиклари яхши тушунар эдилар. Юрий Дергунов ҳаволи фазони забт этиш тарихини яхши биларди, у шу ишдаги кейинги муваффақиятлар билан боғланган воқеалар бизнинг замонамида нақадар тез авж олабошлаганини биз билан бирга муҳокама қилар экан, қизиқ мулоҳазаларини айтиб берарди. У одам оддий ҳаво шарида дадиллик билан осмонга кўтарилигандан кейин (бу ишни Рязань атрофида рус мужи-ги, подъячий Крякутний қилганлигини кези келганда

айтиб ўтмоқ керак) дунёда биринчи самолёт қурилгунча расо бир юз эллик йил ўтганлигини эслатди. Ватандошимиз, флот офицери Александр Можайский Петербург атрофидаги Красносельское поле деган жойда самолётда учгандан кейин Ернинг биринчи сунъий йўлдоши учирилган пайтгача эса икки баравар камроқ вақт — атиги 75 йил ўтди. Эндиликда эса, атиги бир неча ойдан кейин учинчи йўлдошимиз парвоз қилган эди.

— Иш шундай жадал борадиган бўлса,— дея ишонтираси Әди Дергунов,— одамнинг космосга учиш вақти ҳам узоқ әмас.

«Кейинчалик нима бўлар экан?» дея ўйлаб кетдим мен, кумуш ранг-оч яшил ой нури ёйилган баланд осмонга кўз тикиб. Биринчи йўлдошимиз Ер атрофини бир минг тўрт юз марта айланиб чиққанини, иккинчи йўлдошимиз эса юз миллион километрдан ортиқ йўл босиб, Ер атрофини деярли минг марта ортиқ айланганини ўйлаб ҳайрон қоласан.

Биринчи ва иккинчи йўлдошларни радиотехника ва оптика асблоблари билан кузатишнинг ажойиб якунларини қайта-қайта ўқиб чиқдик, шу йўлдошлар ёрдами билан атмосфера зичлигини, ионосферани, космик нурланишларни текшириш натижаларини, турли биологик маълумотларнинг якунларини муҳокама қилдик. Олимларнинг тирик мавжудотлар космик учиш шароитига тузук чидаш беради, деган хулосалари бизни ҳаяжонлантираси әди. Бу ишларнинг ҳаммаси одамнинг космосга учишини таъминлашни охирги мақсад қилиб қўйган тадқиқотлар учун амалга оширилганлиги тушунарли әди.

Бир вақт мен шундай гапни эшитган эдим:

— Йўлдош билан ишим йўқ, йўлдошсиз ҳам чакки яшамаётирман.

Бу обивателларга хос бемаъни гап эди. Шундай муҳокама юритадиган киши:— телеграфдан фойдаланмайман, радио эшитмайман, поездда юрмайман. Булар бўлмаса ҳам bemalol яшайвераман, дейишгача бориб етади.

Космосни ўзлашибиршга алоқадор ишларнинг ҳаммасига ҳукумат маблағ аямётганлигини тушунардим, бир вақтлар инсоният ўз олдига қўйган ҳамма масалалар ичига энг каттасини ҳал этмоқ учун фан ва техниканинг турли соҳаларида бир неча минг, балки, ме-

нинг назаримда, ўн минглаб мутахассислар ишлаётганини тушунардим.

Радио янги йўлдошнинг учиши ҳақида калтагина хабарлар эшиттирап эди. Марказий газеталар узоқ гарнizonimizga хатлар қатори кечикиб келарди. Аммо биз уларни сабрсизлик билан кутар, почтага тез-тез қатнаб тураг эдик. Ниҳоят, Ернинг учинчи совет сунъий йўлдоши ҳақидаги материаллар билан деярли бутунлай тўлиб чиққан «Правда»нинг навбатдаги сони келди. Газетада йўлдош орбитаси, унинг учиш вақтидаги кузатишлар ҳақида янги маълумотлар бор эди, ҳаммадан муҳими—йўлдошнинг тузилиши мукаммал тасвир этилган эди. У том маъноси билан айтганда космосдаги автоматик илмий станция эди. Мақола ҳамма тушунадиган оддий тилда ёзилган эди.

Газетанинг деярли ҳаммасини раигли қаламда чи-зиб, четларига эса хилма-хил белгилар қўйиб, чиқдик. Орадан кўп ўтмай полк инженери космик фазони эгаллаш учун курашда олимларимизнинг эришган ғалабалари ҳақида лекция ўқиди. Лекцияга деярли ҳамма офицерлар келишди, кўп офицерлар хотинларини ва болаларини ҳам олиб келдилар. Лектор яқин орада кишилар энг яқин планеталарга учеб борадилар, деганда ўсмирларнинг кўзи қандай чақнаб кетганини кўрдим. Улар самолётларга қизиқмай қўйган, чунки самолётларни ҳар куни кўриб тураг эдилар, энди болалар қалби янги муҳаббатга — ҳали ҳеч ким тузук тасаввур қилиб олмаган космик кемаларга берилган эди.

Самолёт ўрнини ракета эгаллашини мен ҳам кўнглимининг бир чеккаси билан сезардим. Мудофаа ва ҳужум қилишда ишлатиладиган ғоят тезкор самолётларда учувчи одамнинг кунлари саноқли қолди, ҳозирги замон техникаси самолётни ер шарининг истаган нуқтасига юбориб, у ерга бомба ташлаш ва машинани старт жойига қайташишга, айни вақтда самолётни учувчисиз юборишга имкон беради, деган хабарлар чет эл матбуотида онда-сонда босилиб туради. Ўша вақтда мени ракеталар ва планеталараро кемалар авиацион техника базасида қурилишини, авиациянинг ўзи космосга йўл очишини, Ойга учувчи учеб боришини билардим.

Ўша кунлари кутубхонамизга Иван Ефремовнинг «Андромеда туманилиги» деган янги китоби олинди. Тарихий оптимизм, тараққиётга, инсониятнинг порлок

коммунистик келажагига ишониш руҳи билан сугорилган бу китобни хонамизда навбатма-навбат ўқиб чиқдик. Китоб бизга ёқди. У болалик даврида ўқилган илмий-фантастик повесть ва романлардан кучли эди. Романда тасвир этилган келажакнинг чиройли манзаралари, юлдузлараро саёҳатларнинг тасвирлари бизга ёқди. Ёзувчи кишилар эришган техника тараққиёти бир неча минг йиллардан кейин ер юзида коммунизм тўлағалаба қозонмай туриб мумкин бўлмаган бўлур эди, деганди. Унинг фикрига қўшилдик.

Учишдан бўш вақтларимизда тоғ дарёсига бориб форель балигини тутардик. Балиқ ови жуда гаштли. Миянг дам олади, ҳеч нарсани ўйламайсан. Тўла-тўкис ором оласан..

Баъзан якшанба кунлари баянни олиб, унда-бунда ўт ва кўримсиз шимол гуллари ўсган сопкаларга борардик. Йўл-йўлакай биз узоқдаги жонажон юртларимизни эсга туширувчи севимли қўшиқларни айтиб борардик. Ўзимизни узоқ сузишдан кейин қирғоққа қўйиб юборилган дengизчилардай ҳис қиласардик. Кунлардан бирида шундай сайр вақтида моҳ босган ва тошлар орасида қолиб кетган самолёт парчаларига дуч келдик. Шу ўлкаларда жанг қилган инженер биз билан бирга юрган эди. У тез аниқлади: «Мессершмитт» парчалари эканлигини айтди.

— Ким уриб туширган экан? — Юрий Дергунов қизиқсинди.

— Ким билсин, — жавоб берди инженер, — эҳтимол, Борис Сафонов, эҳтимол, Серёжа Курзенков уриб туширгандир...

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Сергей Георгиевич Курзенков бўлинмамизнинг биринчи командири бўлганлигини ва Шимолий дengизда хизмат қилган совет лочини Борис Сафонов билан дўстлашганини билардик. Сафонов ҳақида ҳали ҳам ҳикоялар айтишади, учувчилар уни дengиз лочини деб атайдилар.

Ёш Шимолий флот уруши йилларида катта шуҳрат қозонди. Унинг кемалари душман ишғол қилган қоялик соҳилга десантлар туширас, иттифоқчиларининг кема қарронларини қўриқлаб борар эди. Николай Лунин, Магомет Гаджиев, Израил Фисановичнинг сув ости кемалари Норвегия ва Шимол дengизларида юриб, душман траспортларини сувга ғарқ қилган эди. Совет

Иттифоқи Қаҳрамонлари бўлан матрос Василий Кисляковни, денгиз пиёда отрядининг командири Виктор Леоновни ва совет Заполярьесининг бошқа кўпгин ҳимоячиларини ҳам халқ билади. Урушнинг тугаганинг гарчи ўн беш йилдан ошган бўлса ҳам, гранит қоялар нинг тош дафтарига қараб, бу ерда қандай воқеалар бўлганлигини ўқиб олиш мумкин эди.

Уриб туширилган машинанинг парчалари, унинг кўчиб кетган, ярми ёмғирда ювилиб кетган қора крести кўп нарсани эсимизга туширди ва бизни ўйлатиб қўйди. Биз Ватанимиз шимолий чегараларининг олдинги форпостида турардик, биз ҳам Борис Сафонов, Сергей Курзенков, Захар Сорокин, Алексей Хлобистов дай ва Улуғ Ватан урушининг бошқа кўпгина қаҳрамонлари — қуролдош акаларимиздай моҳир, жасур учувчи бўлишимиз керак эди.

Ўйта қайтгандан кейин кўрган-кечирганларимни хотнимга ёзиб юбордим.

Валя тез орада билим юртини битириб, лаборант-фельдшер дипломини олди ва августнинг бошларида ёнимга етиб келди. Аммо турадиган жой йўқ эди. Менга бир хонаси ваъда қилинган уй қуриб битказилмоқда эди. Аммо иложсиз иш бўлмайди. Таниш бир муаллима отпуска олиб жўнаб кетди ва шу вақт мобайнида ўз хонасини бизга бериб қўйди. Дунёда яхши кишилар борлигига хурсанд бўлиб, ўша хонага қўчиб ҳам олдик.

Гарнizonимизда ҳамма иш жойида эди. Лекин бирдан бахтсизлик рўй берди. Юрий Дергунов ҳалок бўлди. Бекорга ўлди. Ҳавода эмас, балки ерда жон берди. Коляскасига Алёша Ильинни ўтқазиб, мотоциклини сопкалар орасидаги тик йўлдан ҳайдаб кетаётгандан бурилишда рўпарадан келаётган юк машинасига ўзини уриб олди. Юра тил тортмай ўлди, Алёша эса моҳ босган жойга учиб кетиб, лат ейиш билан қутулди. Энг яқин дўстларимнинг биридан жудо бўлиб, узоқ қайфурдим. Валя менга қўлдан келганча тасалли берарвалеръянка ва уйқу дориси ичгин, деб таклиф қиласиди, аммо мен ҳеч қачон оғримаган ва бирон марта ҳам дори ичмаган эдим.

Бошимга оғир мусибат тушган шу кезларда эскадрилья командирининг ўринбосари Борис Федорович Вдовин оиласи билан иноқлашиб қолдик. Мен уларнинг уйига илгари ҳам бориб турар, тўрт яшар қизи

Ирочкани ўйнатарап эдим. Ирочканинг онаси Мария Савельевна серғайрат активистка бўлиб, биз, ёш офицерларни бадиий ҳаваскорлик тўѓаракларига тортган эди. Ҳаваскорларимиз кўп бўлиб, салкам бир юз элликта ашулачи, ўйинчи, қизиқчилар бор эди, Мен хорда ашула айтардим.

Валя етиб келгандан кейин Мария Савельевна ўзида йўқ суюниб кетди. Мария Савельевна рўзгор ишларида ёрдам берар экан, ҳарбий учувчининг хотини бўлишнинг маъносини, қийинчиликларни қандай бошдан кечира билиш, кута билиш ва ѡеч қачон хафа бўлмасликни Валяга сездирмасдан, ётиғи билан тушунтириб туради. Мария Савельевна ҳаводаги эскадрилья-миз самолётларини таний билишни Валяга ўргатганигина, айниқса қийин учишларда, денгиз устидан учганимизда Мария Савельевна аэрордром ёнида Валя билан соатлаб бирга ўтирганини билардим. Шўнгувчи самолётларнинг гув-гуви жанг манзарасини вужудга келтириб, аёлларни ташвишлантиради.

Валя Мария Савельевнага меҳр қўйған сайин Борис Федорович билан дўстлигим ҳам мустаҳкамлана борди. Паст бўй, чаққон, кўк кўз, озғин, истараси иссиқ Борис Федорович ҳаётга муҳаббат қўйганлиги, ўзининг қўл остидаги кишилар билан муомалада ўзини содда тутиши билан менга ёқарди. Аэрордомда, учиш вақтида Борис Федорович командирларга хос жиддий ва кам гап бўлар, уйга қайтганда эса дарров ўзгариб, хушчақчақ, дилкаш ва шинаванда бўлиб қолар эди. Биз уни ҳам командир, ҳам устоз, ҳам яхши дўст деб билардик. У ҳамма ишга бош бўларди, ишбоши бўлмаса иш ҳаром ўлади-да, ахир.

Борис Федорович шеърлар ёзар ва уларни кўпинча бадиий ҳаваскорлик кечаларида ўқиб берар эди. Унинг ёзган қўшиқ ва лапарларини хоримиз ижро этарди. Урус тилини яхши кўрар, сўзни чертиб ишлатар эди. Борис Федоровичнинг кутубхонаси кичкина, аммо унда севимли шоирларнинг яхши танланган китоблари бор эди. Жовонида Пушкин, Лермонтов, Шевченко, Блокнинг танланган асарлари ёнма-ён туради. Совет шоирларидан Маяковский, Тихонов, Сельвинский, Малишко, Шенгелийнинг китоблари ҳам бор эди. Бу китоблардан биз ҳам фойдаланиб турадик.

Ўша вақтда биз Воениздат ва «Молодая гвардия»

нашриётлари чиқарган проза асарларини, солдатларнинг севимли ёзувчиларидан Георгий Березко, Иван Стаднюк, Михаил Алексеев ва бошқа ёзувчиларнинг китобларини ҳам ўқиб турардик. Уларнинг асарлари совет жангисини яққол кўрсатиб берар, халқларнинг ўз халоскорига муҳаббатини тасвир этар эди. «Советский воин» журнали чиқарган китобчалар бизга жуда манзур бўларди, шу сериядаги китобчаларни ҳар қаерга олиб борардик.

Калта куз тамом бўлиб, қиши ва унинг узун қутб тунлари бошланди. Осмоннинг ярмини эгаллайдиган милтилловчи шимол шафагини Валя билан тез-тез завқланиб томоша қиласардик. Бу ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайдиган улуғвор манзара бўларди. Мен осмон билан ерни туаштириб турувчи кумуш ранг-оч зангори ёғдуларнинг милтилловчи нурида учиб, уйга қайтганимдан кейин бу ёғдулар неча минг метр баландликдан янада чиройли кўринишини Валяга ҳикоя қилиб берардим.

Кечқурунлари Валя билан китоб ўқиганимиз ўқиган эди. Аксари ўрнимда ётиб, китобни мен ўқирдим, Валя эса рўзғор ишларини қила туриб, қулоқ соларди. Кутубхонадан учувчилар ҳақидаги китобларни олиб турардим. Француз учувчиси ва ёзувчиси Антуан де Сент-Экзюперининг «Кишилар ери» деган асари бизга ёқди. Экзюпери Франция озод бўлишига уч ҳафта қолганда қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Унинг китобида поэзия ва учувчилар ҳаётига доир романтика, кишиларга меҳр-муҳабbat тўлиб-тошиб ётарди. Экзюпери почта самолётлари учувчиларининг тинч меҳнатини тасвир этган. «Тунги учиш» деган новелласи эсимда қолди. Унда кечаси бўронни ёриб ўтган учувчининг хатти-ҳаракатлари ва ёш хотинининг руҳий кечинмалари ҳаяжонли қилиб тасвирланган. Бизнинг учувчиларимиз ҳам, бизнинг хотинларимиз ҳам шундай ҳаяжонларни бошдан кечириб турар эдилар.

Экзюперининг қўйидаги сўзлари менга ёқди: «У, учувчи қўлини ёзиб юбориши билан уларнинг ҳаёти зое бўлиб, бир ҳовуч бефойда чангга айланиб кетади. Фабьев уриб турган иккита тирик юракни — ўртоғининг юрагини ва ўзининг юрагини қўлида ушлаб турибди...» ёки «Сенинг йўлингга юлдузлар терилган» деган сўзларни олинг.

Афсуски, бундай «овоз чиқарып ўқиш кечалари» уичалик кўп бўлмади. Валя бошқа хотинлар билан бирга жамоат ишларига банд бўлиб қолди, мен бўлсам, марксизм-ленинизм кечки университетида ўқирдим. Бу машғулотлар биринчи манбаларга, яъни Маркс, Энгельс, Ленин асарларига узлуксиз мурожаат қилиб туришни талаб этар эди. Ярим кечадан ошгунча қўлимда қалам ушлаб китоб мутолаа қиласар, семинарларга дафтар-дафтар конспект тузиб олар эдим.

Семинарлар ҳамиша қизғин ўтарди. Тингловчилар навбатдаги темани муҳокама қилишар экан, ўз фикрлари билан ўртоқлашар, турмушдан олинган мисолларни кўп келтиришар эди. Владимир Ильич Ленин асарларидан ҳозирги замоннинг кўп саволларига жавоб топардик. Мен Ленин китобидан: «Одамзод ақли табиатда кўп ажойиб-ғаройиб нарсаларни кашф этган ва яна кўп нарсаларни кашф этиб, шу билан табиатга ўз ҳукмронлигини орттириб боради...» деган жойини дафтаримга кўчириб олдим. Бу сўзлар мени Ер йўлдошларини эслашга мажбур этди.

1959 йил 2 январда Совет Иттифоқида Ой томонга кўп босқичли космик ракета учирилганлиги ҳақидаги хабар яна бутун дунёни ларзага келтирган бир вақтда Ернинг учинчи сунъий йўлдоши планетамиз теварагида ҳамон айланмоқда эди. Ой томонга космик ракета учирилганлиги замонимизда катта воқеа бўлди. Одам космосга янада яқинроқ бориб қолди. Планеталараро алоқа учун янги ракетани вужудга келтирган илмий тадқиқот институтлари, конструкторлик бюоролари, заводлар ва синов ташкилотларининг колективлари бу ракетани учирини Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдан ташқари XXI съездига бағишлиган эдилар.

Ракетанинг учиши ҳақида билолган ҳамма маълумотларимни ўйлар эканман, бамисоли енгил бетоблик ҳис қилдим, билимим етишмаётганидан қийналётганимга дарров тушуна қолмадим. Бир кунни ҳам қўлдан бермай, ўқишини давом эттириш керак эди.

Кўп босқичли ракета учирилгандан уч ҳафта кейин Н. С. Хрущев партиясининг XXI съездида қилган докладида делегатларининг гулдурос қарсаклари остида шундай деди: «Ернинг жаҳонда биринчи учирилган сунъий йўлдоши — совет сунъий йўлдоши бўлди. Қуёш

системасининг биринчи сунъий планетаси — совет планировщикадир. Бу планета Оламнинг бепоён фазосид. Совет Иттилоғи Давлат гербининг сурати солинга ва «Совет Социалистик Республикалари Иттилоғи 1959 йил, январь» деган сўзлар ёзилган вимпелни маъруона учириб юрибди».

Коммунистик партиянинг XXI съезди! Бу съезд мамлакатимиз халқ хўжалигини янада ривожлантириш улуғвор етти йиллик планини белгилаб, коммунистик жамият қурилишини авж олдириш даврига кирган совет халқи олдига иқтисодий, сиёсий, идеологик ва халқаро муносабатларнинг ҳамма соҳаларида жуда катта вазифаларни қўйди. Съезд материалларини чуқур ўрганар эканмиз, етти йиллик — Ватанимизнинг тарихий тараққиёт йўлидаги янги, ҳал қилувчи марра эканлигини яхши тушунардик. Съезд совет кишилари олдига очиқ-равшан ва олижаноб мақсад қўйди, бу мақсадга етмоқ учун ҳар ким яхши ишлаши керак эди. Биз, учувчилар эса ўз бурчимизни янада кўпроқ файрат-шижоат билан бажаришимиз, тинч совет осмонини ҳушёрлик билан қўриқлашимиз керак эди. Съездда давлатимизнинг тинчликни сақлаш ва империалистик давлатлар томонидан бўладиган ҳужум хавфидан мудофаа қилиш соҳасидаги вазифалари ҳақида, агресив ҳарбий блоклар мавжуд экан, Совет Қуролли Кучларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш зарурлиги ҳақида мұтабар сўзлар айтилди.

Ташқарида қиши ўз ҳукмида эди, съезд эса мамлакат ҳаётини баҳордагидай жонлантириб юборди. Ҳамма нарса қўзғалди, ҳаракатга келди, уйғонди. Ҳамма ерда янгилик уруғлари униб чиқди.

Партиянинг XXI съезди ҳаётимда ҳам жуда катта роль ўйнади. Худди ўша бахтиёр кунларда мен партия кандидатлигига қабул қилиш тўғрисида ариза беришга қадимдан кўнглимга туғиб юрган ниятимни узил-кесил етилтирдим. Мен кимга ўхшашга ҳаракат қилган бўлсам, кимнинг қўлида ўқиган ва ишлаган бўлсам, ҳам маси коммунистлар эди. Ниятимни партия ташкилотимизнинг секретари капитан Анатолий Павлович Ростяковга айтганимда у маъқуллаб, шундай деди:

— Тўғри қиласан, Юрий, партия сени чиниқсан жангчи қилиб ётиштиради.

Ўша куниёқ мен кайфиятимга ва истак-орзуяларимга

жавоб берадиган йигирма-үттиз сўзни топгунимча бир неча қофозни ёзиб-үчириб аризамни битдим. Ўртоқларим ва комсомол ташкилоти менга тавсиянома беришиди, тез орада партия аъзолигига кандидат қилиб олишиди. Бу эса мени буюк ишончни оқламоқ учун янада кўпроқ ғайрат билан ишлашга, ўқишга мажбур этарди. Ўша вақтда «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тарихи»ни сира қўлимдан қўймасдим.

Бир қувончли ҳодиса устига иккинчи бир қувончли ҳодиса содир бўлди. Апрелнинг ўрталарида Валяни гарнizonimiz яқинидаги шаҳарчанинг туғруқхонасига элитиб қўйдим. Менга қолса, қиз туғса деярдим.

Ташвиш қилиб турдим ва гарнizonдан туғруқхонага тез-тез телефон қоқиб турдим.

Ниҳоят, қўнғирогимга шундай савол билан жавоб қилишиди:

- Ўғил кутаётгандирсиз-а?
- Йўқ, қиз,— тез жавоб бердим.
- Орзунингиз рўёбга чиққани билан табриклаймиз: рафиқангиз қиз туғди.

Валяни бир ҳафтадан кейин туғруқхонадан уйга жўнатишди. Ҳарбий «газик»да олиб кетгани келдим. Мен учун жуда қимматли бўлган бу нозик мавжудотга бирор зарар етказиб қўйишдан қўрқиб, чақалоқни йўл бўйи авайлаб қўлимда кўтариб бордим. Тўппа-тўғри йўлга офтоб тушган ва йўл устида оқ денгиз қушлари айланиб учмоқда эди. Апрель ойининг енгил шабадаси бизга пешвоз эсарди. Димогимиз чоғ бўлиб, ашула айтгим келарди. Қизимизнинг ҳаёти шундай ёруғ, кўклам йўлидай бўлса, қандай яхши бўлар эди.

Қизимизга Леночка деб исм бердик.

Елена! Кўҳлик исм! Қизимизнинг метрикасига ҳам шундай деб ёздиридик.

Фарзанд кўрганимиздан кейин уйимизда юмуш кўпайиб қолди. Қичкина, ожиз гўдагингни илиқ сувда чўмилтириш, йўргаклаш, қўлга олиб жўтариш, шу онда йўлаб топилган алла қўшиқларини қулогига секин айтиб бериш нақадар гаштли эканини фақат ёш ота тушина олади. Аэроромдан уйимга қайтгандан кейин ҳамма вақтимни гўдак билан ўтказар, Валяга рўзғор ишларида қарашар эдим. Магазинга бориб юзиқ-овқат келтирас, сут ташир, печь ёқар эдим. «Уйда болалар

бўлганини ва уларнинг кечалари йиғлаб чиққанини яхши кўраман» деб шоир тўғри ёзган экан.

Ишимиз бошимиздан ошиб ётарди. Энг яхши гимнастика — ишлашдир. Ҳамма ишга вақт етмас эди.

Учишлар тобора мураккаблашиб борарди, баҳорда мавжланган бетинч денгиз тепасида учардик. Саф бўлиб учардик (бу ҳавода жанг қилиш учун мұхимдир), асбобларга қараб, «тимирскилаб» учардик, радионавигацияни ўрганардик. Денгиз устида таълим мақсадидаги ҳаво жангларини ҳам ўтказардик. Борис Вдовин-дек тажрибали «душман» билан машқ қилишга тўғри келарди. Борис Вдовин ҳавода жанг қилишга моҳир бўлиб, қўлга тушмас жангчи ҳисобланарди.

Бир вақт мен Вдовин самолётини ушлаб олиш ҳақида топшириқ олдим. «Душман» самолётини ушлаб олиш ва унга ҳужум қилиш учун етиб олиш ва дум томонидан атака қилиш зарур эди. Баландликни ошибриб, нишон районига жўнадим. Вдовинга сездирмасдан, унга орқадаги юқори полусферадан атака қилишга муваффақ бўлдим. Аммо, нишоннинг заарланганлигини кинофотопулемёт плёнкасига қайд қилмоқ учун ўти очиш дистанциясига чиққунимча Вдовин ўзининг «МИГ» самолётини тик виражга қўйибди. Кетидан қувдим. Бир-биrimизга қарши бир неча минут вираж қилдик, аммо биримиз ҳам иккинчимизнинг дум томонимизга ўтолмадик. Ҳар биримиз қаттиқ туриб, чап беравердик. Бакларда ёнилғи одоқ бўлгунча машиналаримизни шу тариқа ҳайдайверсак бўларди, аммо Вдовин команда берди, мен унинг машинасига сафланиб олдим, биз бир-биrimиздан мамнун бўлиб, ёнма-ён учиб, аэродромга қайтиб келдик. Ҳавога кўтарилганда дунёдаги ҳамма нарсани унутар ва фақат учишини лардим.

— Абжир бўлиб қолибсан, укам,— дед.. менга Вдовин, маъқуллаб кулиб,— ерда нафасимизни ростлаб олганимиздан кейин,— ўз устозларингни йиқитаяпсан. Бундан кейин ҳам шундай иш кўравер.

Вдовин ўзи ёқтирган кишиларга ҳазил қилишга одатланган эди.

Спорт билан мунтазам шуғулланишим учувчи ва ҳаво жангчиси бўлиб ўсишимга ёрдам берди. Қишида чанғи ва коньки учар, ёзда эса енгил атлётика ва баскетбол билан шуғулланардим. Баскетбол ўйини тезлиги, чаққонлиги ва ўзида коллектив мусобақа руҳи

доимо ҳукм суриши билан менга ёқарди. Юриб келиб ва сакраб туриб, саватга тўп ташлаш қўзни ўткирлантирас, бутун гавда билан аниқ ва уйғун ҳаракатлар қилишга ўргатар эди. Анчагина қизиқ ва фойдалари бошқа ўйинлар ҳам бор, лекин баскетбол уйинининг эски ташаббускори бўлганимдан, фурсатдан фойдаланиб, баскетбол менингча энг яхши ўйин демоқчиман.

Теннис ҳам жисмоний чидам, кўз билан яхши чамалаш, фаросат ва зеҳн ишлатишни талаб қиласиган аъло ўйинидир. Аммо афсуски, мен ўқиган ва хизмат қилган жойларнинг ҳаммасида теннис кортлари йўқ эди. Таассуф! Теннис ҳарбий учувчи учун фойдалидир. Учувчилар учун яхши бўлган нарса эса ҳамма учун ҳам создир. Теннис болаликдан тортиб то кексайгунча шуғулланса бўладиган бирдан-бир спорт ўйинидир, деса бўлади.

Партия аъзолигига кандидат бўлиб ўтганимдан кейин эскадрильянинг «жанговар варақаси»ни таҳрир қилишни жамоат иши қилиб олдим. Варақада учувчилар билан техникларнинг турмуши ва ўқиши ҳақидаги мақолалари босилиб турар, унишларда эришилган муваффақиятлар қайд қилинар, хатога йўл қўйғанлар танқид қилинар эди. Биз «жанговар варақа»ни мамлакатимизда рўй берган мухим сиёсий воқеаларга бағишилаб ҳам чиқарардик. 1959 йил сентябрда Н. С. Хрущевнинг тинчлик ва дўстлик нияти билан АҚШга қилган сафарига бағишилаб чиқарган «жанговар варақа»миз, сиёсий ходимларнинг фикрича, энг яхши варақалардан бири бўлган эди.

Н. С. Хрущев Москвадан Вашингтонга учеб кетишига уч кун қолганда Совет Иттифоқида иккита воқеа рўй берди, унинг довруғи худди момақалдироқ каби бутун дунёга ёйилди: Невага, 1917 йил октябрь штурм тунида афсонавий «Аврора» турган жойга тинчликнинг қудратли кемаси — «Ленин» атомоходи келди, Ойга эса космик ракета учирildи. Бу ракета давлат гербининг сурати солинган вимпелни учирив борди. Беш қирралти иккита қизил юлдуз баравар ёнди: бири атомоход реясида, иккинчиси планеталараро узоқ трассада порлаб турди.

— Космонавтларимиз Ойдан Ерга у ердаги тоғ Жинсининг намуналарини олиб келадиган вақт келади,— деб ёзган эдик биз «жанговар варақа»да,

Одамнинг космосга учишига, Ер атрофини яшин тезлигига айланиб чиқишига, сўнгра Ойга, Марсга, Венерага ҳаяжонлантирувчи стартлар бериладиган пайт келишига астойдил ишонардик...

Америка Кўшма Штатларининг шаҳарлари бўйлаб Н. С. Хрушчев қилган триумфал сафарни учувчилар радио ва газеталардан кузатиб турдилар. Эскадрилья-мизнинг Ленин хонасида осиғлиқ турган картада Н. С. Хрушчевнинг маршрути: Вашингтон,— Нью-Йорк — Лос-Анжелос — Сан-Франциско — Де-Мойн — Питтсбург — ва яна Вашингтон қайд қилинган эди. Ҳамма ерда шодиёна учрашувлар, табрик ва мароқ изҳор қилинди. Ўша вақтда қалбим бетўхтов равишда космосга интилар эди. Шу масалага тааллуқли ҳамма мақолаларни газета ва журналлардан ўқиб туардим. Вашингтондаги матбуот миллий клубида бўлган учрашувда америкалик журналистлар Н. С. Хрушчевга шундай савол беришганди:

— Сизлар Ойга одамни қачон улоқтироқчисиз?

— Зарур техника шароитлари вужудга келтирилгандагина,— деб жавоб берди Н. С. Хрушчев,— биз одамни қосмосга юборамиз. Ҳозирча бундай шароит йўқ.

Совет ҳукумати бошлиғининг бу сўзлари мени ҳаяжонлантириб юборди ва шу билан бирга тинчлантириди. Мамлакатимизда одамни космосга учиришга тайёргарлик кўриш йўлида жиддий ишлар олиб борилаётганини тушундим; обдон ўйлаб, мени космонавтликка кандидатликка ёзишни илтимос қилиб рапорт беришга узил-кесил қарор бермоқ учун ҳали вақтим борлигини англадим.

Шундай рапорт беришимга шубҳа қолмаган эди. Тайёргарликни қайта бошлашдан чўчимасдим.

## БИРИНЧИ СОН ТАЙЁРЛИК

Н. С. Хрушчев АҚШга сафар қилган вақтида Америка халқи, бутун дунё халқлари Совет Иттифоқининг тинчликка интилаётганига яна бир марта яққол ишондилар. Н. С. Хрушчев АҚШга қилган сафаридан қайтиб келгач бир неча кундан кейин олимларимиз учинчи космик ракетани учирдилар. Бу ракета Ойни айланиб ўтди, унинг Ердан кўринмайдиган томонини суратга

олди ва бу суратни Ерга юборди. Мисли күрилмаган бу янги ғалаба бутун инсониятни яна ҳаяжонга келтириди. Яна Совет Иттифоқи шарафига зўр овациялар тўлқини ҳамма континентларга тарқалди.

Турмуш ният ва режаларимни ҳам анчагина тузатди. Яқингинада ўйлаб кўришга ҳали вақт бор, деб юрган бўлсам, энди ортиқ пайсалга солиш ярамаслигини тушундим. Эртаси куни, ҳарбий усгав талаб қилганидек, командага мувофиқ рапорт бериб, мени космонавтликка кандидатлар группасига ёзишни илтимос қилдим. Назаримда, шундай группа тузиш вақти етгандай кўринди. Янглишмабман. Мени маҳсус медицина комиссиясига чақиришди.

Комиссия инжиқ экан. Учувчиларни йил сайин медицина кўригидан ўтказиб туришдан бутунлай бошқача экан. Авиаторлар бу кўрикларга ўрганиб қолган ва улардан ҳеч бир тап тортмас эдилар. Энди эса биринчи мутахассисдан тортиб (у окулист врач эди) ҳамма иш нақадар жиддий эканлигини тушундим. Кўзимизни жуда синчиклаб текширишди. Кўриш қуввати «бир» бўлиши, яъни ҳарфлар ва белгилар ёзилган бутун жадвални муайян масофада туриб бошидан охиригача, йириклидан тортиб энг майдаларигача бемалол ва комил ишонч билан ўқий билиш зарур эди. Яширин филаликни расо қидиришди, тунда қанчалик яхши кўришимизни текширишди, кўз тубини пухта тадқиқ қилишди. Окулистга одатдагидай бир марта кўринмай, балки етти марта кўринишга тўғри келди, ҳаммаси янгидан бошланарди: яна ҳарф ва белгилар жадвалини кўрсатишар, ёруглик сезишни текширишар, ўнг кўзингиз билан қаранг, чап кўзингиз билан қаранг, у ёқقا қаранг, бу ёқقا қаранг... Хуллас, доктор «етти марта ўлча — бир қирқ» қабилида ишларди. У расо қидирди-ю, кўзимдан биронта нуқсон тополмади.

...Мураккаблаштирилган шароитда ишлаш қобилияти текширишдан ўтказилди. Рақамларни аввал маҳсус жадвалдан топиб, кейин шу рақамлар устида арифметик амаллар бажариш шарт қилиб қўйилган эди. Айни вақтда ишлаш тезлиги ҳам, жавобни тўғри чиқариш ҳам ҳисобга олинарди. Юзаки қараганда, мақала осон ечишлар, аммо бирданига репродуктор ишга солинар, ундан чиқсан бир оҳангдаги овоз масалани қандай ечиш кераклигини айтиб бера бошлар эди. Бироқ бу

овоз ёрдам бериш ўрнига диққатни түплашга қаттық халал берарди. Диққат бўлина бошлар ва «илтифотли дўстга» эътибор бермасдан, ишни давом эттиришга ўзини мажбур қила билиш талаб этиларди. Қийин бўлди. Аммо бу гуллар эди, холос — мевасига ҳали анча гап бор эди.

Врачлар кўп, бунинг устига ҳар қайсиси прокурордай жиддий.

Хукмлардан норози бўлиб, арз қилиш мумкин эмас эди — космонавтга кандидатлар комиссиядан ўта олмай, тез чиқиб кетар эдилар. Терапевтлар билан невропатологлар, хирурглар билан ларингологлар бракка чиқармоқда эдилар. Ўнги-теримизни обдон ўлчашди, бутун баданимизни «Морзе алифбеси» каби дукиллатиб кўришди, маҳсус асбобларда айлантириб, вестибуляр аппаратларимизни текшириб кўришди... Юракларимизни хўп текширишди. Медиклар юрагимизга қараб ҳар биримизнинг таржимаи ҳолимизни ипидан игнасиғача билиб олишди. Ҳеч нарсани яшириб бўлмасди. Мураккаб аппаратлар соғлиғимиздаги ҳамма камчиликни, ҳатто арзимас нуқсонларни ҳам топиб берар эди.

Комиссияга тажрибали авиацион врач Евгений Алексеевич раҳбарлик қилди. У жуда истеъодди ва билимдон киши эди. Чиройли, кўк кўз, гапга чечан Евгений Алексеевич дарров бутун группамизга ёқиб қолди, соғлиғида камчилиги борлиги учун комиссиядан чиқариб юборилган кишилар ҳам унга ҳайриҳоҳ бўлиб жўнаб кетишар эди.

— Медицинага ўпка қилманглар, йигитлар,— деяр эди у ҳазиллашиб, жетаётганиларни кузатар экан,— учишни давом эттираверинг, аммо стратоеферадан юқорига кўтарилеманг.

Комиссия кўп кишиларни бракка чиқарди. Ўн кишидан биттаси қолдириларди. Аммо у ҳам навбатдаги комиссия бракка чиқармаслигига амин эмас эди. Евгений Алексеевич ҳар кимга шундай комиссияни ваъда қиласди. У менга ҳам ана шундай комиссияга тайёрланишин маслаҳат берди.

Биринчи босқичдан ўтдим, менда умид пайдо бўлди. Полкка қайтдим, кутиш кунлари ўтаверди. Вақт календарь варақларини тез варақлайверди. Аввалгидек, эрталаб аэроромга бориб, қуруқлик ва дengиз устиди учар, полкда навбатчилик қилас, бўш вақтимда эси

Леночкани құшнилар қарамоғига қолдириб, Валя билан берға гарнizon катогида «норвег»да тез үчиб, бир неча доира ясар, «жанговар варақа»ни аввалгидай таҳрир қилас, қызчамни әркалар, Шекспир трагедияларини ва Чехов ҳикояларини үқирип әдим, Виктор Гюгонинг «Денгиз захматкашлари» деган романини иккінчи қайта үқиби чиқдім.

Иккінчи марта чақиришларини роса қутдым. Бир үзим күтгандыкимдан қийин бўлди. Валянинг ҳали ҳеч нарсадан хабари йўқ эди. Медицина комиссиясига биринчи марта борганимни билдирамадим, хизмат ишларим юзасидан оддий командировкага бориб келдим, деб қўяқолдим. Виждан азобини тортардим — биз ҳеч нарсани бир-бири миздан яширмас эдик-да, ахир. Аммо бугал жуда фавқулодда иш бўлди, ҳозирча индамай турган яхшироқ эди. Евгений Алексеевич ҳам, полк командири ҳам шундай маслаҳат беришганди.

Кунлар ўтаверди. Мени унугтиб юборишганга, мени олишмаганга ўхшаб қолди. Бўйим паст, кўринишда жиккак әдим, қўлим кучли деб ҳам мақтана олмасдим. Мен билан берға комиссиядан ўтган йигитлар эса — икки юзи қипқизил, гвардиячилардай савлатли, қўли йўғон, хуллас, жуда бақувват йигитлар эди... Улар билан тенглашишимга йўл бўлсин! Берган рапортимни, комиссияни эсдан чиқармоқчи бўлдим-у, унугтолмадим.

Валя қызчамни боқар, женсовет топшириқлари билан жуда банд эди, вақти келганда медицина институтига кирсам деб орзу қиласди. Кечқурунлари, уйда учрашганимизда Валя менга савол інзари билан ғалати қараш қилиб қўяр, галининг тагига етмоқчи бўлар эди.

— Тобинг йўқми, Юра? — деб суриштиради у ва ҳамма медиклар сингари, температурани ўлчаш қерак, деб маслаҳат берарди.

Мен рози бўлиб, термометрни қўлтиғимга қўйдим. Аммо найчадаги симоб устунчаси 36,6 дан юқорига ҳеч кўтарилемади. Шунга қарамай, мен медицинада номи бўлмаган касалликни бошдан кечирадим, космосга интилиш мени ҳамон ўртамоқда эди. Аммо, бирон врач ҳам мени бу касалликдан соғайтира олмаслитини билярдим.

Ҳафсалам пир бўлиб, ҳеч қандай умид қолмагандай бўлиб турган бир пайтда қоғоз келди: мени яна комис-

сияга чақиришди. Мен жұнаб жетдім, мениң қаерға ва нима учун чақиришганини Валяга тағин айтмадым.

Хамма иш бошқатыдан тақрорланды. Аммо врачлар-нинг талабчанлығы иккі ҳисса ошған зди. Хамма анализлар яхши чиқыды, организмимда ҳеч бир үзгариш рўй бермаган зди. Евгений Алексеевич мамнун бўлди.

— Стратосфера сизга чўт әмас,— деди у мени умидлантириб.

Булар умримда биринчи эшитган энг ёқимли сўзлар зди.

Биринчи комиссияда бошланган клиник ва психолого-гик текширишлар давом эттирилди. Врачлар соғлиғимдан ташқари, космик учишга характерли факторларга организмим етарли бардош берармикин ёки бирор яширин қамчилик бормикин деб роса қидирдилар, шу факторлар таъсирида олинган реакцияларни салмоқлаб, баҳолаб кўрдилар. Энг янги биохимик, физиологик, электрофизиологик ва психологик методлар ҳамда маҳсус функционал пробалар ёрдами билан текширишди. Бизни барокамерага ўтқазиб, ҳавони турли даражада сийраклантириб кўрдилар, ҳаво босими оширилган шароитда қислороддан нафас олдириб текширидилар, жаруселга ўхшайдиган центрифугада айлантиридилар. Врачлар хотирамиз, зеҳнимиз қандай әканлигини, диққатимиз бир ишдан иккинчи ишга нечоғлик юсон кўчишини, тез, аниқ, йиғиқ ҳаракатлар қилиш қобилиятимизни текшириб кўришди.

Космонавтларни танлашда таржимаи ҳолимиз, оиласиз, ўртоқларимиз, ижтимоий фаолиятимизга эъз беришди. Соғлиғимиздан ташқари, имаданий ва юсманфаатларимиз, эмоционал матонатимизни ҳам баҳлашди.

Космосга учирис үчүн қалби жўшқин, ақли тез ишлайдиган, асаби мустаҳкам, иродаси қаттиқ, руҳи бардам, тетик, хушчақчақ кишиларни қидиришарди. Бўлғувси космонавт учишнинг муракқаб шароитида ўзини йўқотмастан ўйл топадиган, шароитнинг үзгаришига яраша тез иш кўрадиган ва ҳамма ҳолларда фақат энг тўғри қарорлар қабул қила оладиган бўлсин, деб исташарди.

Бу ишларниң ҳаммасига бир неча ҳафта кетди. Яна озмунча йигитлар бракка чиқарилмади. Коғомонавтликка кандидат қилиб танлаб олинган учувчилар қаторида

қолдим. Бир неча кундан кейин бугун групмамизни Ҳарбий Ҳаво Кучларининг бош қўймондони Константин Андреевич Вершинин қабул қилди. Уша учрашувда авиациямизнинг хизмат қўрсатган бошқа генераллари орасида Совет Иттифоқининг дастлабки Қаҳрамонларидан бири Николай Петрович Каманинни кўриб жуда хурсанд бўлдим. Унинг таърифини ўзи билан бир полкда хизмат қилган Саратов аэрофлотининг бошлиги Г. К. Денисенковдан кўп өшитган эдим. Мен, ёш офицер, умримда биринчи марта Авиация бош маршали билан суҳбат қилишга имуассар бўлдим. У бизни оталардек, худди ўз ўнилларини кутиб олгандай кутиб юлди. Хизматимиз қандай ўтаётгани, юлавий ишларимиз билан қизиқди, бола-чақаларимизни суриштирида пировардида, Ватан қизларга умид боғлайди, деб айтди.

Энди мен полк билан, ўртоқларим билан ҳайрлашиб, янги хизмат жойимга оиласам билан жўчиб кетишими жерак эди. Ҳаётимда янги, энг мароқли саҳифа очилди.

Уйга қайтган куним туғилган қунимга тўғри жеди. Валя менинг етиб келишимни билиб, духовкада именинамга атаб пирог пиширган, унга исмимни ва «26» ракамини ёзив безаган эди. Яқиндагина ўн олти ёшда эдим,— энди бўлса йигирма олтига жирибман! Аммо, мен аввалгидаи, гўё ҳунар мактабининг ўқувчи йигитдек, кўз ўнгимда очилаётган женг, ёруғ дунёга завқланаб қарадим.

Пирог ейишга ўртоқларим ва Валянинг дугоналари тўпланишди. Гарчи ҳали ҳеч кимнинг ҳеч нарсадан тузуккина хабари бўлмаса ҳам, тез орада гарнизондан кетишими жамма фаҳмлаган эди. Валяга, мени синовчи-учувчилик ишига тайинлашаяпти ва биз тез орада Россия марказига кетамиз, деб айтиб қўйгандим. У ана шу янгиликни дугоналарига изҳор қилди. Жамма ҳам Гагарин синовчи-учувчи бўлиб, янги машиналарни текширади деб ўйлар эди.

Дастурхон теварагида синовчи-учувчилар ҳақида кўп гаплар бўлди. Авиациямизнинг тез, баланд ва узоққа учиш учун кураши ҳақида сўз жетди. Сўнгги вақтда қўпгина синовчи-учувчиларимиз Ватанимизга янги жаҳон рекордларини олиб берганликларини: Владимир Ильюшин «Т-431» самолётида деярли ўттиз километр баландликка жутарилганлигини, Георгий Мосолов «Е-66» самолётида товуш тезлигидан салкам икки ярим бара-

вар ортиқ тезлик билан учганлигини; Валентин Ковалев баландликни тобора орттириб, пассажир самолётларимизнинг кўтарадиган юк миқдорини оширганлигини эсладик. 1961 йил — партия XXII съезди ўтказиладиган йил арафасида шу уч учувчига Кремлда Совет Иттифоқи Қаҳрамонларининг олтин толдузлари топширилган эди, уларни шу муносабат билан эслаган бўлсак керак. Ҳаво флотимизни ривожлантириш йўлида бошқа кўпгина авиаторлар ҳам зўр бериб ишламоқда эдилар.

— Энди навбат ғенники, Юрий,— деди ҳазил-мутойиба қилиб партия ташкилотимизнинг секретари Анатолий Росляков. У нима учундир мени қандайдир фавқулодда иш қиласди, деб ишонарди.

Ўртоқларимнинг сўзларини эшитар, аммо жим ўтирасрар эдим. Эришилган ҳамма ютуқларни орқада қолдирадиган рекордлар олдимида туар эди-да, ахир. Авиация бош маршали ҳузуридаги қабулда ўзим учратган учувчилар ёдимга туиди. Уларнинг ҳар бири бутун куч-куватини шундай учишларга тайёрлик кўришта бағишлиш иштиёқи билан ёнарди. Улардан ҳар бири космик рекорд қўйишини онгдан ташқари қандайдир сезги билан фаҳмлар эдим; баъзилари эртароқ, баъзиларни кейинроқ рекорд қўяди. Гап вақтда эди.

Патефон чалиниб туради. Борис Вдовин янги шеърини ўқиб берди. Сўнгра кўплашиб ашула айтдик, пировердида эса Қуролли Кучларимизни анча камайтириш тўғрисида СССР Олий Советининг сессиясида қабул қилинган янги қонунни тилга олдик. Бу қонун полкнинг ҳамма офицерларини ҳаяжонлантирава ҳамма гаплар албатта шу қонунга келиб тақалар эди.

— Сен бўлсанг синовчи-учувчиликка кетяпсан деяр эди Вдовин,—мен эса «гражданликка» боришимга тўғри келар... Ҳаммасини янгидан бошлашга тўғри келади...

Қонуннинг, афтидан, бизнинг полкимизга ҳам дахла борлигини ўртоқларим тушунишарди.

Совет Қуролли Кучларининг асосий тури ракета қўшинлари бўлиб қолган эди-да, ахир. Ракета авиацияни ҳам, артиллерияни ҳам секин-аста суриб чиқармоқда эди; қудратли армиямиз ва флотимизнинг қиёфаси бошқача бўлиб қолмоқда — сон жиҳатидан камайиб, ўтиши қуввати ошиб бормоқда эди. Янги қонунга жўра, Қуролли Кучлар сафидан бўшатиладиган кишилар уй-

жой ва иш билан таъминланарди. Газеталар етти йиллик қурилишларига, қўриқ ерларга жўнаб кетаётган бутун бутун бўлинмалар ҳақидаги фотосуратлар ва хабарларни босиб чиқармоқда эдилар.

Тез орада радио, кейин эса газеталар ҳам штурм вақтида баржада Тинч океанга бориб қолган тўрт совет солдатининг қаҳрамонлиги ҳақида хабар бердилар. Улар сабот-матонат ва жасорат кўрсатиб, енгиг бўлмайдигандай кўринган энг катта ёвни енгиг ўтган эдилар. Асхат Зиганшин, Анатолий Крючковский, Филипп Поплавский ва Иван Федотов совет жамиятида чиниқ-қанжишилар эди. Уларнинг тилларда достон бўладиган ажойиб мардлиги барча учувчиларни ҳаяжонлантиради. Шу тўрт мард йигитнинг ҳар бири шахсий ботирлик, жисмоний матонат, ғалабага бўлган қаттиқ ирода кишиси бўлиб танилди. Тўрт баҳодирнинг омонат кемаси довул ўртасида қолган эди, уларнинг омон қолиши учун ҳеч қандай умид йўққа ўхшаб кўринарди, аммо совет йигитлари саросимага тушмадилар ва журашдан воз кечмадилар. Ёшликларига қарамай ўқиб, меҳнат қилиб, тажриба ѡртирган эдилар. Улар партия ва комсомол тарбиялаган, бир жон-бир тан кичкина коллектив эди. Улар ҳар томчи сувни ва этиқдан қирқиб олиб пиширилган чармнинг ҳар парчасини ака-укалардай баҳам кўришганди. Улар қўшиндаги ўртоқчилик алоқалари нақадар мустаҳкам эканлигини яна бир марта исбот этган эдилар.

Тўрт мард йигитнинг қаҳрамонлиги чоғ бўлиб жетган кайфиятимга мос тушар эди. Қийинчиликларни енгишда шу тўрт баҳодирдай бўлсан, қутурган стихиядан шу баҳодирлардай тап тортмасам, стихияга қарши журашга дадил киришсам деярдим. Космос ҳам хавфли стихия-да, ахир.

Уйда сафарга жўнашга ҳамма нарса таҳт қилиб қўйилди. Ўртоқлар билан, ўзимга ёқиб қолган қатъий табиат билан, шимол шафафининг ёғдулари билан хайрлашиш ачинарли бўлди.

Сув кўтарилиб турадиган денгиз қирғозига Валя билан сўнгги марта бориб, гранит қоялари устида айланниб учган оқ қушларни томоша қилдик, сўнгра мозорга бориб, Юрий Дергунов қабри устида узоқ турдик. «Ажойиб учувчи бўла ғоларди-ю, бекорга ҳалок бўлди»— деган фикр хаёлимга келди. Ўртоғимнинг қабрига оқ

қарагай шохчаларидан қўйдик ва хомуш бўлиб уй қайтдик.

Кечқурун кичкинагина бўлса-да бутун оиласиз ҳабий шаҳарчадан жўнаб кетди. Дўстларимиз кузатчиқишиди. Бизни нима кутмоқда эди? Бу саволга ҳам ким жавоб беролмасди.

Янги иш жойимга самолётда етиб бордик. Валя худода саёҳат қилишни яхши кўтара олмайди, лекин у вақт зиқлигини ва мени жутишаётганлигини билиб учишга рози бўлди. Биз тез уй-жой олдик ва янги ўртоқларим билан бирга машғулотларга тушиб кетдик.

Аввало бизни космосга чиқувчи киши учратадиган нарсалар билан мукаммал таниширишиди. Авиацион медицинанинг энг катта мутахассисларидан бири бўлган ҳарбий врач Владимир Иванович космик фазога учишда тирик организм учратадиган факторлар ҳақида мукаммал сўзлаб берди. Бу факторларни уч группага бўлди. Владимир Иванович биринчи группадаги факторларга космик фазонинг физик ҳолатига боғлиқ бўлган паст барометрик босим — ҳақиқатда чуқур вакуум; ердагидан бошқача газлар таркиби; температуранинг кескин ўзгариши; ионлаштирувчи радиациянинг ҳар хил турлари; метеорит хавфи каби факторларни биринчи группага қўшди. Профессор ракетада учишга боғлиқ бўлган ҳамма факторларни — шовқин, вибрациялар, кучли ўта юкланишлар, муаллақликни иккинчи группе факторларга қўшди. Ниҳоят, космик кемадати сунъий атмосферани, кабинанинг кичкиналигини, шу кабинада турган одамнинг ҳаракатлари чекланганлигини, унинг эмоционал зўриқишини, асабларига ва психикасига зўр келишини ва, ниҳоят, маҳсус кийимда туриш билан боғлиқ бўлган ноқулайликларни учинчи группа факторларга қўшди.

Буларнинг ҳаммаси янги, қизиқ эди, бир сўзни ҳам колдирмасдан, зўр эътибор билан эшишиб турдик. Бизга фан дунёсининг эшигини очишаётгандай бўларди.

Кундан-кунга Владимир Иванович ва бошқа мутахассислар тирик организмга космик учишнинг ҳамма факторлари қандай таъсир қилишини текширган олимлар қилган ишларни ва эришган муваффақиятларни биз оддий учувчиларга қизиқарли қилиб тушунириб берди. 1951 йилданоқ институтлардаги лабораторияларда ўтказилаётган тажрибалардан ташқари, ичига ҳай-

зонларни жойлаб осмонга учирлаётгаш ракеталарда ҳам биологик тадқиқотлар ўтказилаётган экан.

Шундай ракета биринчи марта Совет Иттифоқида 112 километр баландликка мұваффақият билан учиштілганды. Ҳайвонларнинг космосда қисқа вақт туралыши мүмкінлигини көрсатадиган маълумотлар қўлга сиритилган экди. Шундан кейин ҳайвонларнинг скаврандрларда ва жипс берк кабиналарда туришини ва ларнинг катта баландликлардан парашют системаларида тушишини текширишга уриниб кўрилди. Улар 90 километр баландликдан 65 минутда тушди.

— Шундан кейин ракеталар икки юз километр баландликка парвоз қилди,— деди бизга Владимир Иванович.— Бу учишлар ҳам яхши натижалар берди.

Ракеталар ҳайвонларни космосга тобора юқори тлоқтира берди. Ҳайвонларни 450 километргача баландликка, юксак энергияларнинг зарралари зонасиға чириб, бир неча марта тажриба қилинди. Бу илмий тадқиқотлар тирик мавжудотларнинг космосда туриш имкониятларини аниқлашта имкон берди.

Олимларимиз космик учишнинг биологик таъсирини трансмоқ учун итларни таңлаб олишди. Итлар осойишта ҳайвонлар бўлиб, физиологияси яхши ўрганилган, ларни машқ қилдирса ва тайёрласа бўлади.

Шунга ўхшаш тадқиқотлар АҚШда ҳам олиб бўйди ва олиб борилмоқда. Аммо америкаликлар майда кемирувчи ҳайвонлар, сичқонлар ва кичкина майтунчалар устида тажриба қилишди. Улар майтунчаларга наркоз бериб ва шу билан бош мия пўстлоғини таълум вақтгача ишламайдиган қилиб қўйиб, уларни космосга учирдилар.

— Бу,— деб тушунтирадар экди бизга Владимир Иванович,— улуғ рус физиологи Иван Павлов таълимоти-а зиддир, шунинг учун бундай тажрибалардан воззечдик.

Ҳаммамиз Лайка деган итнинг Ер иккинчи сунъий йўлдошида машҳур учишини эсладик. Аввалги тадқиқотлардан фарқ қилиб, Лайканинг учиши йўлдошли орбитага чиқарганда ва ундан кейин бир неча кун давом этган муаллақлик (вазнсизлик) ҳолатида тезланишларнинг узоқ таъсири этишини ўрганишга имкон берди. Лайка организми хилма-хил жуда нозик асбоблар ёрдами билан кузатиб турилган экди. Бу кузатишлар одам-

нинг космик фазога хавф-хатарсиз учишини таъминлай-  
диган воситаларни ишлаб чиқишига асос бўлди.

— Хуллас, йигитлар,— деди труппамизнинг учувчи-  
ларидан бири, Владимир Ивановичнинг лекциясидан  
чиқар экан,— ит — космонавтнинг энг яхши дўсти дейиш-  
мумкин!

Лайканинг сурати почта маркаларида ва открытка-  
ларда, сигареталарнинг қутичаларида учрамоқда. Аммо,  
тўғрисини айтганда, Лайка каттароқ ҳурматга сазовор  
бўлди. Медицина тадқиқотлари ўтказилган номсиз ит-  
нинг бронзадан ишланган фигураси Ленинград ёнидаги  
Колтушига қандай қўйилган бўлса, вақти келиб Лайка-  
нинг скульптураси ҳам, эҳтимол, ясалиб қолар.

Биз ҳаммамиз идеал шароитда эдик. Ҳеч нарсадан  
камлигимиз йўқ, ўзимизга ёқсан қизиқ машғулотлардан  
бизни ҳеч нима чалғитмас эди. Врачларимизга ҳурмат  
 билан қаарардик. Космик кема кабинасида одамнинг соғ-  
саломат туришини таъминловчи шароитни аниқлаб бер-  
ган, кемани вужудга келтиришда, организмни яхши сақ-  
лайдиган скафандрни ва қайд қилувчи илмий медицина  
аппаратларини ишлаб чиқишида актив қатнашган киши-  
лар шулар эди. Кўпинча боғдаги куртак чиқариб қолган  
дараҳт тагидаги курсига ўтириб, ўйлаб кетардим. Баъ-  
зан ёлғиз ўтириб, кунда миянгга келган фикрларни ва  
таассуротларингни тушуниб олиш гаштли. Кўпинча, кун  
ботаётгандан, бутун табиат ва ҳавонинг ўзи пушти ранг  
касб этган пайтда ёки кечқурун, осмонни ёғдули Сомон  
йўли ўраган пайтда боққа чиқиб, шундай ўтирад эдим.

Одам ўзгаришлардан чўчиб қўяди, лекин у ана шу  
ўзгаришларни яхши кўради. Турмушимиз ўзгарди, ўз-  
гаргана ҳам яхши томонга ўзгарди. Совет Иттилоғи-  
да космик фазони ўзлаштириш йўлидаги ишлар нақадар  
кенг қулоч ёйганлигини, бу ишга қанчалаб пул ва  
меҳнат сарфланганлигини ўйлаб қўярдим. Никита  
Сергеевич Хрущев шу соҳада эришилган ҳамма  
ютуқлардан хабардор бўлиб турганини, барча ишларга  
жуда қизиқиб қараётгандигини, космонавтнинг ҳаёти  
учунгина эмас, балки соғлиғи учун ҳам бўладиган  
хавфни минимумга келтиришни олимлардан талаб қи-  
лаётгандигини бир вақт Владимир Иванович айтиб  
берди.

Космик учишларга тайёргарлик плани билан бизни  
таништиришди. Бу катта программа бўлиб, космонавтга

зарур бўлган асосий назарий масалаларга доир маълумотларни ўз ичига олар, шунингдек малака ортиришини таъминлар, космик кема асбоблари ва аппаратларидан фойдалана билиш маҳоратларини ҳам ўз ичига оларди. Биз ракета ва космик техника асосларини, кеманинг тузилишини, астрономия, геофизика, космик медицинани ўрганишимиз керак эди. Муаллақлик шароитида самолётларда учиш, космик кема кабинасининг макетида, товуш ўтказмайдиган қилиб маҳсус ускунланган камерада ва иссиқлик камерасида, центрифугада ва вибростендда машқ қилиш вазифаси олдимизда турар эди. Хуллас, ишимиз тўлиб-тошиб ётарди. Космосга учишга биринчи сон тайёрликкача ҳали жуда узоқ эди.

Машғулотлар бошланиб кетди. Улар техникум, билим юрти ёки полкдагидан бутунлай бошқача шароитда ўтди. Бу ерда мутлақ жимлик ҳукм сурар ва биз билан атоқли, машҳур мутахассислар машғулот ўтказар эдилар. Бу мутахассисларнинг ҳар бири катта назарий ишлар қилган, ҳар бири совет фанига катта ҳисса қўшган эди.

Иш кунимиз эрталабки бир соатлик зарядкадан бошланарди. Биз ташқарида, ҳар қандай об-ҳавода, врачлар назорати остида машқ қиласардик. Физкультурдан маҳсус машғулотлар ҳам бўларди: гимнастика қиласар, копток ўйнар, сувга трамплиндан ва вишкадан сакрар, тўсин ва брусколар устида, батутда, гантеллар билан машқ қиласар эдик. Сузиш ва шўнғиши машқларини кўп бажарадик. Сузишни билмайдиган, сувдан қўрқадиган кишилар космонавтликка ярамайди. Бу машғулотларнинг ҳаммаси бизга фазода гавдани эркин ушлаш малакаларини берди, узоқ жисмоний зўриқишиларга бардош бериш қобилиятимизни оширди.

Дарё бўйидаги аэродромда парашютда сакраш машқларимиз ҳам маълум даражада шу мақсадни кўзларди.

Ана шу аэродромга жўнаб кетишимдан олдин Оренбургдан телеграмма олдим: Валянинг отаси Иван Степанович ѝаттиқ касал бўлиб қолган экан. Маслаҳатлашиб, ҳозирча, парашютда сакраш машқларини ўтгунимча, Валия қизчаси билан ота-онаснинг ёнига кетсин, деб қарор қилдик. Бунинг устига, Валянинг онаси Варвара Семеновна ҳам бетоброқ эди. Айтганимизча қилдик. Саратов аэроклубидаёқ парашютда биринчи марта сак-

раган эдим, шундан кейин мен Оренбург авиация мактабида ва полкда атиги тўрт марта сакрашга муваффақ бўлган эдим. Булар ҳар бир учувчининг бажариши лозим бўлган оддий, машқ тарзидаги сакрашлар эди. Эндиликда эса, инструктор программасига мувофиқ, мураккаб сакрашларни ўзлаштириш керак эди. Узоқ вақт давомида сакрашга ва сувга тушишга алоҳида эътибор бериларди.

Бизни Николай Константинович машқ қилдиради. У — хизмат кўрсатган спорт мастери, энг кўзга кўринган совет парашютчиларидан бири бўлиб, бир неча марта жаҳон рекордини, шу жумладан узоқ вақт давомида сакраш рекордини қўйган эди; у узоқ вақт давомида сакраш рекордини қўйганда ўн тўрт ярим минг метрдан ортиқ баландликдан парашютини очмай тушган эди. Бундай мастердан ўқиб-ўрганиш қизиқарли эди. Николай Константинович самолётни қандай ташлаб кетиш, эркин тушиш вақтида гавдани қандай идора этиш, ергача бўлган масофани қандай аниқлаш, ерга ва сувга қандай қўниш каби кўп нарсаларни бизга ўргатди...

Қисқа муддатда қирқ марта га яқин сакрадим. Уларнинг ҳаммаси ҳам бир-бирига ўхшамасди. Ҳар бир сакрашни ўзига хос бошдан кечирав, ҳар гал ҳаяжон ва шодлик аралаш ҳисни сезар эдим. Сакраш олдидан бутун гавдамнинг зўриқиши ҳам, сакраш вақтидаги ҳаяжон, зириллаш ва тирдоб ҳам менга ёқарди. Парашютда сакраш характерни яхшилайди, иродани ўткирлайди. Мамлакатимизда юз минглаб йигит ва қизларнинг шу дадил спорт билан шуғулланаётганларни жуда яхши.

Дилкаш ва ҳикояга уста Николай Константинович дам олиш дақиқаларида ўзининг бой тажрибасидан бизга эпизодлар айтиб берар, узоқ вақт мобайнида сакраш пионерлари бўлган Николай Евдокимов билан Константин Кайтановнинг, уч минг мартадан ортиқ сакраган Василий Романюкнинг, Надёжда Пряхина, Валентина Селиверстова ва бошқа кўпгина совет спортчиларининг ҳаётида бўлган ҳодисалар ҳақида ҳикоя қилиб берарди. Николай Константинович айтиб берган ҳар бир эпизод қизиқарли бўлиш билан бирга ибратли ҳам эди. Булар парашютчининг ҳавода ўзини қандай тутиши кераклигини кўрсатадиган яққол мисоллар эди.

Парашютни узоқ вақтгача очмасдан, сакрашлар се-  
риясини бажарганимизда мен ҳам, ўртоқларим ҳам  
штопор ҳолати деган ҳолатга тушардик. Жуда күнгил-  
сиз бўлган бу ҳодисада гавда ўз ўқи теварагида тез  
айланга бошлайди, ўзинг тўё спирал бўйлаб ғоят зўр  
куч билан ҳавога санчиласан, бошинг қўрғошиндай  
офир туйилади, кўзинг санчиб оғрийди, бутун гавданг-  
да мислесиз дармонсизлик сезасан. Штопор ҳолатига  
тушганингда фазони ориентировка қилиш қобилиятини  
йўқотиб қўясан, гавданг ғоят тезлик билан чилпирак  
бўлиб айланади, бутунлай ожиз бўлиб қоласан. Нико-  
лай Константинович бизга қўл-оёқлардан бамисоли  
руль каби фойдаланиб, штопор ҳолатидан чиқиш йўлини  
кўрсатиб берди. У бизга юзни ерга қилиб, қўл-оёқларни  
ёзиб ётишни тавсия этди. Энг таниқли синовчи  
парашютчилардан бири — Василий Романюк ҳам шун-  
дай вазиятда тушишни расм қилганлигини кези келган-  
да айтиб ўтмоқ керак. Бундай вазият эркин тушишда  
гавданинг текис ушланишига кўпроқ ёрдам беради.  
Биз кўп сакрашларда шунга ишондик.

Парашютда сакраш машқларини бажариб бўлгани-  
миздан кейин ҳаммамизга инструкторлик гувоҳномала-  
ри ва парашютчи инструктор значокларини беришди.  
Ростини айтсан, шу значок билан жуда фахрланардим.  
Бу значокни кителимдаги З-класс ҳарбий учувчи белги-  
сининг остига жон-жон деб қадаб қўйдим.

Аэроромга Оренбургда турган Валядан тез-тез хат-  
хабар келиб турди. Умуман айтганда, у хат ёзишни  
унча яхши кўрмас эди, бу гал эса кетма-кет хат келиб  
турди. Бу хатлар аввал ташвишни, сўнгра қайғини  
яшириш учун ёзилганлигини ўша вақтда тушунмаган  
эдим,— Валянинг отаси Иван Степанович вафот этган  
экан. Аммо Валия бизнинг парашютдан сакрашларимиз  
тугамагунча менга хабар қилмабди. Яхши, ҳушёр ра-  
фиқам кўнглимни бузгиси келмабди, чунки бу нарса  
қайфиятимга, демак, ўша вақтда бажаришим зарур  
бўлган мураккаб топшириқларга ҳам таъсир этиши  
мумкинлигини биларди у.

Парашютда сакраш ўtkazilgan аэроромдан уйга  
қайтган куним мамлакатимизда биринчи совет космик  
кемаси Ер йўлдошининг орбитасига чиқарилган эди.

Эртаси куни эрталаб ҳамма газеталар ТАСС ахбо-  
ротини эълон қилишди. Бу ахборотда ана шу космик

кеманинг оғирлиги (тўрт ярим тоннадан ортиқ) ва асъ боб-ускуналари ҳақида кишини ҳайратда қолдирадиган маълумотлар келтирилган эди. Космик кема бортида одамнинг оғирлигича келадиган юк ўрнатилган кабина ва келажакда одамнинг космосга учиши учун зарур бўлган ҳамма нарсалар, шунингдек ток берадиган ҳар хил аппаратлар бор эди. Космик кемамиз планета устидан ғолибона учиб ўтди. У Париж, Лондон, Сан-Франциско, Мельбурн, Оттава ва кўп мамлакатларнинг бошқа шаҳарлари устидан ўтар экан, космосга чиқиш учун совет олимлари олиб бораётган курашнинг янги босқичидан хабар берди. Одамнинг табиатга ҳукмронлигини янада кўпроқ кенгайтирган ажойиб воқеа содир бўлди. Одам қўли билан яратилган учиш аппарати планетамизни атиги бир ярим соатда айланаб чиқсан экан, мазкур планетанинг унча катта эмаслигини кўрдик.

— Шундай кемада, эҳтимол, биз ҳам учармиз,— дейишарди йигитларимиз.

Космик кеманинг қурилганлиги, унинг хавфесиз учиб, Ерга қайтиб келишини ва учиш вақтида одамнинг ҳаёти учун зарур шароитни таъминловчи системалар синаб ва текшириб қўрилаётганлиги равшан эди. Ўқиб-ўрганишни жадаллатиш керак эди. Бўлмаса кемани узилкесил жиҳозлаб ва тайёрлаб қўйишади-да, биз космик фазога кўтарилишга тайёр бўлмай қоламиз. Ҳар биримиз машғулот ва машқларга янада кўпроқ ғайрат билан киришиб кетдик.

Энди навбатда центрифуга турарди. У организмни катта ўта юкланишларга бардош беришга ўргатмоқ учун мўлжалланган оддий аппаратdir. Уни схематик тарзда ўқقا ўрнатилган обкаш шаклида тасаввур қилиш мумкин. Обкашнинг бир учига одам ўтирадиган кабина қилинган, иккинчи учига эса мувозанатга келтирувчи юк жойланган. Обкаш ўқ теварагида қанча тез айланса, организмда тезланиши ўшанча кўп ошиб боради, организмга ўта юкланиш ўшанча кўп таъсир этади.

Мен центрифугада тез-тез машқ қилардим, ҳар гал гавдам оғирлиги тобора ошиб бораётганлигини сезиб турардим. Учиш вақтида самолёт тикка ўшунфиш ҳолатидан тез кўтарилиб кетган пайтда шунга ўхшаш ҳисни бошдан кечирган эдим. Ўша вақтда мени мисли қўрilmagan оғир куч босиб, кабинанинг курсисига бамисоли қоқиб қўйган, бармогимни ҳам қимиirlата олмаган,

кўзимни гўё туман босган эди. Ўта юкланиш шундай таъсир этади. Ўта юкланиш пайтида одамнинг оғирлиги бир неча баравар ошиб кетади.

Космик кема старт қилгандан ва орбитадан тушганда ҳам шундай ҳодисага дуч келасиз, деб айтишганди, айни вақтда бу ҳодиса кучлироқ бўлиб, узоқроқ вақтга ҷўзилишини ҳам айтишганди. Биз центрифугада машқ қиласкердик. Самолёт кабинасидаги учувчидан тафовут қилиб, биз ётиб олардик, шу вазиятда ўта юкланиш бутун гавдага текисроқ тақсимланарди. Бир нарса босгандай бўларди! Кўзимиз юмилмасди, нафас олишга қийналардик, юз мускуллари қийшайиб кетарди, юрак тез-тез уради, қон босими ошиб кетарди, қон симобдай оғир бўлиб қоларди.

Центрифугада машқ қилиш вақтида бошқа ўртоқларим қатори мен ҳам тобора катта тезланишларга кўнига бордим, қайта-ҳайта узоқ ўта юкланишларга бардош берар эдим. Центрифугага машқ қилувчининг жисмоний ахволини ва бутун организмнинг функционал имкониятларини қайд қиласидиган ва жуда аниқ ишлайдиган мураккаб электрофизиологик аппаратлар уланган эди. Бизнинг диққат-эътиборимизни, зеҳнимизни текширишди, биз белгиланган иш ҳаракатларини бажаришимиз керак эди. Центрифуга ғоят тез айланиб турган бир вақтда, ёриб турган таблода тўсатдан пайдо бўлувчи бирдан ўнгача рақамларни айтиб бериш ва эсда ҳоддириш керак эди. Рақамлар қиймати ошиб, ўзи хичрайиб борар эди. Чегара тезликда «етти» ёки «саккиз» рақамларини бехато кўра олдим ва айтиб бера олдим.

Биз, космонавтилкка кандидат қилиб олинган кишилар назария билан шуғулланиш ва машқ қилишдан ашқари, ижтимоий ҳаётда ҳам қатнашиб турдик. Ҳамма жойдаги каби, бизда ҳам «Жанговар варага»лар ишқарилар эди. Улар бизнинг кайфиятимизга ҳамоҳанг ўйлган «Ой», «Марс», «Венера» деган номлар билан ишқарди. Бир вақт мени назарияни ўрганишда аълочи ёб, кейин эса тренажда аълочи деб ёзиб ҳиқиши. Арчи қўлда, атиги бир нусха ёзилган ва озгина киши қий олган бўлса ҳам, шундай ўртоқларча рағбат дигоримни чоғ қилди.

Қўлдан бой берилган вақтни ҳеч топиб бўлмаслиги-

ни ҳамма тушуниб, яхши ўқиганлигини ва машқ қил. ганлигини айтиб ўтмоқ керак.

Фан ва техника ҳеч қаерда бизнинг группамиздаги-дек зўр ғайрат, ташаббус билан ўрганилмаган бўлса керак. Группамизда ўртоқларча ўзаро ёрдам руҳи ҳукм сурарди. Агар бирорвнинг иши юришмаса, ҳамма унга маслаҳат билан ҳам, иш билан ҳам кўмаклашишга шошиларди. Биз ўзаро мусобақалашар эканмиз, бир-бirimizni рақиб деб билмас, балки бир мақсадга интилаётган маслакдошлар деб хисоблар эдик. Биринчи учишга биронтамизни танлаб олишларини билардик. Аммо бошқаларга ҳам иш топилишини, бошқалар биринчи бўлиб учган кишидан каттароқ иш қилишини, биринчи киши бошлаган ишни давом эттириб, ривожлантиришини ҳам яхши билардик. Тинч океанда стихияни енгган тўрт баҳодир совет солдати каби бир жон-бир тан эдик.

Мен космосга учишга партия аъзоси бўлиб жўнашни истардим. Ўз ҳаётидаги ҳал қилувчи воқеалар арафасида Ленин партиясига мурожаат қилиб, унинг сафларига кириш совет кишиларининг анъанаси бўлиб қолган эди. Дастребки беш йилликларнинг бинокорлари шундай қилган эдилар, Улуғ Ватан урушининг қаҳрамонлари шундай қилган эдилар. Эндиликда ҳам шундай қилмоқда эдилар.

Партия аъзолигига кандидатлик стажим тугади. Шимолда бир полкда ишлаган қадрдонларим ўз тавсияномаларини юборишиди. Эскадрильянинг собиқ командири Владимир Михайлович Решетов шундай деб ёзган эди: «Бутун хизмат мобайнида Ю. А. Гагарин қисмнинг илгор офицери бўлиб турди... Сиёсий жиҳатдан яхши ётилган... Ижтимоий ва спорт тадбирларида актив қатнашарди... Ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятларини вижданан бажаарди...» Партия ташкилотининг секретари Анатолий Павлович Росляковнинг тавсияномасида шундай дейилган эди: «Ю. А. Гагаринни топширилган ишни дарров бажо келтирадиган интизомли офицер деб биламан... Билиб ва ишониб учарди... Қисм комсомол бюросининг аъзоси эди... Партия топшириқларини ўз вақтида ва жон-дили билан бажаарди...» Коммунист Анатолий Федорович Ильяшенко берган учинчи тавсияномада шу сўзлар ёзилган эди: «Ю. А. Гагарин идеологик жиҳатдан чиниқсан, маънавий жиҳатдан саботли, турмушда покиза, Марксизм-ленинизм кечки

университетида ўқиганда ҳамиша семинар машғулотларидан актив қатнашарди. ... Партия йиғилишларининг ишида актив иштирок қилар, партия топшириқларини яхши бажаар эди, «Жанговар варақа»нинг редактори эди».

Мен шу тавсияномаларни ўқиб чиқдим, улар мени ҳаяжонлантирмасдан қололмасди. Ўзимдан катта ўртоқларим, коммунистлар менга ишонар, менинг камтар ишим ва, қолаверса, оддий ҳаётим ҳақида яхши сўзлар билан фикр билдирган эдилар. Қачон бўлмасин биронта ножӯя ҳаракат қилиб қўйисам-у, уларнинг ўз партиявий сўзлари билан менга кафил бўлиб, ўзим ҳақимда ёзганларига пушаймон қилсан ўзимни нима қилишимни билмайман. Бутун аъмолингни: қандай яшаётганингни, нима ўйлаётганингни, нимага интилаётганингни, нимага қодир эканлигингни биладиган ўртоқларининг ишончи — жуда катта нарса. Совет кишиларининг дўстлиги неча мартараб қаттиқ синовдан ўтган. Зарур бўлса, Решетов учун ҳам, Росляков учун ҳам, Ильяшенко учун, бир полкдаги ҳамма ўртоқларим учун ҳам жонимни аямайман.

Партияга қабул қилишни сўраб берадиган аризамга нима деб ёзиш кераклигини узоқ ўйлаб кўрдим. Аммо, ҳис-туйғуларим қалбимдан тошмоқда эди, агар шу ҳисларининг ҳаммасини қоғозда изҳор қиласиган бўлсан, кўплаб саҳифа тўлур эди. Сўнгра, бундай ҳолларда солдатларнинг жанг олдидан ифодали, аммо қисқа қилиб ёзганликлари ҳақида фронтчиларнинг айтган ҳикоялари эсимга тушди. Ўқувчилар дафтаридан олинган бир қоғозга шу сўзларни ёздим: «Партия ташкилотидан мени КПСС аъзолигига қабул қилишини сўрайман... КПССнинг актив аъзоси бўлишни, мамлакат ҳаётида актив қатнашишни истайман...» Ўйлаган ва истаган ҳамма нарсамни шу сўзлар билан ифодалаб қўя қолдим.

1960 йил 16 июннинг офтобли кунида мени партия йиғилишига таклиф этишди. Бундай ҳолларда мавжуд қоидага мувофиқ таржимаи ҳолимни айтиб бердим. Таржимаи ҳолим қисқа чиқди ва бир неча жумладан иборат бўлди. Миллион-миллион совет ёшларининг ҳаммасидаги каби, айтарлик ҳеч қандай хусусият йўқ эди. Коммунистлардан кимдир бирор сўраб қолди:

— Хизматга қандай қарайсиз?

— Хизмат — умримдаги асосий мақсадим,— жавоб бердим.

— Партияга ва Совет ҳукуматига содик. Ленин партияси сафида бўлишга сазовор!—сўзга чиққан коммунистлар шундай дейишиди.

Кейин овозга қўйишиди. Ҳамма—Ўтсин!—деб қўл кўтарди. Партия йиғилишларида миннатдорчилик билдириш гарчи одат бўлмаса ҳам, қўйидаги сўзларни айтмасдан туролмадим.

— Раҳмат! Катта раҳмат! Ишончингизни оқлайман! Партия ва ҳукуматнинг ҳар қандай топширигини баражаришга тайёрман. Қаттиқ ҳаяжонландим. Ҳали ҳеч қачон бунчалик ҳаяжонни бошдан кечирмаган эдим, кучимга фавқулодда куч қўшилгандай ҳис қилдим. Ҳозир ҳайтганимни дарҳол бажаришга тайёр турар эдим.

Бир ойдан кейин мени сиёсий бўлимга чақиришиди. У ерга мен билан бирга бир группа офицерлар ҳам келишиди. Ҳамма ҳам мендан кам ҳаяжонланмасди. Ниҳоят, эшик очилди:

— Ўртоқ Гагарин, киринг...

Сиёсий бўлим бошлиғи тикка турган ҳолда партия билетининг қизил дафтарчасини менга узатди ва қўлимни қисиб шундай деди:

— Ҳамиша ва ҳамма ишда улуғ Ленин бизга ўргагандай бўлинг.

Ҳар ким ўз қалбида яшовчи бошқа кишининг ҳаётини намуна қилиб олади. Совет кишилари учун Ленин шундай намунаadir.

— Коммунист деган номга муносиб бўламан,—деб жавоб бердим сал энтиққан овоз билаи.

Уйимга қайтиб, Валяга ва унинг бизнисига меҳмон бўлиб келган онаси Варвара Семеновнага партия билетимни кўрсатдим, номерини эндиғина кўрдим—08909627 экан. Энди мен Коммунистик партия аъзоси—совет ишчилар синфи кўп миллионли қудратли авангардининг бир зарраси бўлиб қолган эдим.

Хотинлар мени табриклашди, Варвара Семеновна мени биринчи марта исемим ва отаминг исми билан атаб, шундай деди:

— Ўз зимманизга катта масъулият ёлибсиз, Юрий Алексеевич. Коммунист шундай кишики, унга тубор ўтиrsa ҳам, ҳаммага кўриниб туради.

Партияга кириш ҳаётимдаги энг катта воқеа бўлди.

Уша куниёқ кечқурун Гжатскдаги отамга шу түрида хат ёздим. У коммүнист бўлишимни қадимдан истарди. Кекса отамнинг орзуси рўёбга чиққан эди.

Мен баҳтиёр бўлган шу кунларда космик кеманинг Бош Конструктори билан танишдик, буни кўпдан бери кутиб юрган эдик. Биз кенг елкали, хушчақчақ, сўзга чечан, фамилияси, исми ва отасининг исми яхши, роса русча қўйилган кишини кўрдик. У дарров бизга ёқиб қолди ва биз билан худди тенгдошларидаи, ўзининг энг яқин ёрдамчилариdek муомала қиласади. Бош Конструктор танишишни бизга қаратилган саволлардан бошлади. Машқларнинг ҳар бир босқичида кайфиятимиз қандай эканлигига қизиқди.

— Оғир! Аммо ҳамма синовлардан ўтиш керак, акс ҳолда у ерда бардош беролмайсан,— деди у қўли билан осмонни кўрсатиб.

Уртоқларимдан бири термокамера чидаб бўлмайдиган даражада иссиқ деб нолиганда, Бош Конструктор тушунтириб, учиш вақтида кема кабинасидаги температура Цельсий бўйича 15 даражадан 22 даражагача боради, аммо космонавт ҳамма нарсага тайёр туриши керак, чунки кема атмосферанинг зич қатламларига кирган вақтда кеманинг ташқи қобиғи, эҳтимол, бир неча минг градусгача қизиб кетар, деб айтди. Ҳар бири миз ичимиизда ўйлаб оҳ тортдик: шундай зўр температурагача қизиб кетган қобиқнинг ичидаги одамнинг аҳволи қандай бўлар экан! Ким билсин! Бу савол бир вақтнинг ўзида ҳам ташвишлантирас, ҳам мароқлантирас эди. Бош Конструктор шошилмасдан бизни ўзи ўйлаб чиқарган космик кема ёнига бошлаб борди. Бу—ҳозирги замон техникасининг мукаммал иншооти бўлиб, фаннинг кўпгина ютуқларини ўзида гавдалантирган эди.

— Кўринглар,— деди Бош Конструктор,— кеманинг ва учувчи кабинасининг ташқи қобиғи иссиқни ўтказмайдиган пухта қатлам билан қопланган. Ана шу қатлам кемани ва ундаги кабинани орбитадан тушиш вақтида куйиб кетишдан сақлайди.

Биз ҳали ҳеч қачон кўрилмаган учии аппаратини ақлимиз ҳайрон қолиб томоша қиласадик. Бош Конструктор йўлдош кема кўп босқичли қудратли учирувчи ракетага ўрнатилишини ва у орбитага чиққандан кейин ракетанинг сўнгги босқичидан ажralиб кетишини ту-

шунтириди. У биз ҳали билмаган нарсанни айтиб берди,— одамнинг биринчи учиш программаси Ерни бир айланниб чиқишига мўлжалланган,— деди.

Лекин йўлдош кема узоқроқ ҳам уча олади,—деб илова қилди у.

Кемани сиртдан синчиклаб кўришимизга имкон беришди. Илгари биз учувчи кабинасини тамомила берк деб ўйлаган эдик, аммо бу кабинанинг берк эмаслиги ва бизга иллюминаторларнинг зийрак кўзлари қараб турганлигига ҳаммамиз эътибор бердик. Иллюминаторлар бир нечта эди.

— Бу иллюминаторларга солинган ойналар ҳам,— деб тушунтиришди бизга,— иссиққа чидамлидир. Учиш вақтида шу ойналар орқали кузатиш олиб борилади.

Кеманинг учувчи кабинасига биттадан кирдик. Бу кабина самолётдаги учувчи кабинасидан анча қенг эди. Космонавт креслога ўтириб, кузатиш ва Ер билан алоқа қилиш ишларининг ҳаммасини бажара олар, учишини назорат қила олар ва зарур бўлиб қолса, кемани ўзи бошқара олар эди. Бу фавқулодда кабинада ҳамма нарса бор эди! Аммо ҳаммаси ҳам самолётдагидан бошқача эди.

Чап томонда учувчи пульти жойлаштирилган. Унда радиотелефон системасининг ишлашини бошқарадиган, кабинадаги температурани тўғрилайдиган, шунингдек қўлда бошқариш системасини ва тормоз берувчи двигателни ишга соладиган дасталар ва переключателлар бор эди. Ўнг томонда радиоприёмник, озиқ-овқат контейнерлари ва кема ориентациясини бошқариш дастаси тураг эди. Космонавт креслосининг рўпарасида асбоблар тахтаси ва ундаги бир неча стрелкалик индикаторлар билан сигнал таблолари, электр соат, шунингдек кеманинг орбитада юришига мослашиб айланадиган глобус жойланган эди. Асбоблар тахтасининг пастига телевизион камера ўрнатилган, у космонавтни Ердан туриб кузатиш учун хизмат қиласр эди. Янада пастроқда эса иллюминатор ва унинг оптик ориентатори турагди.

Космонавтнинг ишлайдиган жойи—креслода ҳар биримиз бир неча минутдан ўтиридик. Кресло кемани орбитага чиқариш ва ундан тушириш участкаларида ўта юкланишлар космонавтнинг кўкрак-орқа йўналишида, яъни космонавт учун энг қулай йўналишда таъсир этадиган қилиб ўрнатилган эди. Кресло кичкина, аммо мурак-

каб ишшоот бўлиб унга боғловчи ва парашют системалари, катапульта ва пиротехника асбоблари, чор-ночор қўниш учун зарур бўлган ҳамма нарсалар—авария учун мўлжалланган озиқ-овқат, сув ва анжомлар, алоқа ва пеленгация учун зарур радио воситалари монтаж қилинган эди. Креслода скафандрни вентиляция қила-диган система ва кислородли парашют асбоби ҳам бор эди. Кресло пухта автоматика билан жиҳозланган эди.

— Космонавт кема кабинасида туриб ерга қўнаверади,—деди бизга Бош Конструктор,—аммо зарур пайтда космонавтнинг кемани ташлаб кетиш вариантини ҳам кўзда тутиб қўйганмиз.

Кўрганларимиз енгил, пишиқ, шинам эди. Ҳаммаси янгилиги ва ниҳоятда беғуборлиги билан ялт-ялт этиб турарди. Ҳали ҳеч ким бу асбобларга қўл текизмаган, бунинг устига, уларни ўйлаб чиқарган ва ясаган кишилардан бошқа ҳеч ким кўрмаган эди. Биз кабинадан индамай чиқиб кетар ва ўртоғимизга жой бўшатиб, секингина четга ўтиб турардик.

Ҳозир кўрган ва билиб олган ҳамма нарсаларимизни ўзимизча ўйлаб ва хаёлдан ўтказиб, бу кемага ҳалқнинг катта маблағ ва кучлари сарфланганлигини, кема учун ҳали мартенларимиз кўрмаган металлни ҳам, одатдан ташқари ойнани ҳам, пластмассаларни ҳам, ўтапишиқ маталарни ҳам, чидамли лакларни ҳам, ақлли асбобларни ҳам вужудга келтириш зарур бўлганлигини дарров тушундик. Бутун металлургия ва бутун химия ҳамма муваффақиятлари билан бирга — мўъжизалар мўъжизаси бўлган ана шу кемани яратиш йўлида ишлаган эди.

Бутун вужудимизни зириллатиб юборган тантанали ҳисни ифодалаш учун сўз тополмасдик. Минг марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган яхшироқ дегимиз келарди, аммо ҳеч ким шундай демади.

Машқлар ва машғулотлар ўз навбати билан давом этаверди. Ракета двигателлари ишлаб турганда кеманинг ларзага келишини гавдалантирадиган аппарат—вибростендга навбат келди. Бу аппаратга ўтириб олишинг билан бир соат, балки ундан ҳам кўпроқ иситмадаги каби қалтирайсан. Бутун гавданг худди тордай титрайди. Аммо ҳеч гап эмас экан, қўникиб қолдик...

Термокамерага ҳам ўргандик. Бу камерадаги жуда юқсак температурада узоқ вақт турдик. Аммо, бунақа

иссиқни биринчи күришим эмас. Мен илгари ҳам иссиқ-лаганман—рус иссиқ хонали яхши ҳаммомсиз яшай олмайды. Ҳунар мактабида ўқиб, вагранкалар ёнида эритилган металл билан ишлаган вақтимдаёқ юксак температурага күникиб қолган эдим. Совет кишисини олов билан қўрқитиб бўлмайди. Ўн минглаб кишилар домна ва мартен печлари, бессемер конверторлари ёнида, блюмингларда ва прокат станларида ишламоқдалар.

Термокамерада ёлғиз ўтириб ва бирор билан бир оғиз ҳам сўзлашмай турар экансан, жондан тўйдира-диган температурада кишиларимиз неча марталаб пўлат эритадиган печларнинг оловхонасидағи колосникларни алмаштирганликлари ёки футеровкасини ремонт қилганликларини эслайсан. Улар биздан кўра кўпроқ қийналишган бўлса керак: улар юқорироқ температурада ишлашган-да, ахир. Ҳуллас, ҳамма нарса оловда тобланади, биз ҳам тобландик.

Ўйга, албатта, чарчаб, оёғимни зўрға босиб қайтардим. Кизчамни бир оз эркараб ўтираман-да, мудроқ боса бошлайди. Валя ташвишланиб, сенга нима бўлди, деб сўрагани-сўраган. Охири айтишга мажбур қилди:

— Космосга тайёрланялман.. Бир чемодан кийим тайёрлаб қўй...

Валя сўзимни ҳазил деб билди, аммо ортиқ сўрамади. Ҳамма офицерларнинг хотинлари каби, Валя ҳам, хизмат ишларимга аралашмасликка ҳаракат қиласади. Айтиш мумкин бўлган нарсани ўзидан яширмаслигими биларди. Айтиш мумкин бўлмаган нарсаларни эса сўрамаган яхшироқ. Мен ҳамма гапни айтиб ҳеч сир билдируманимдан хурсанд эдим.

Леночка энди кун бўйи яслида бўларди. Валя эса лаборант-фельдшер ихтисоси бўйича ишга кира олди. Валя уйда бекор ўтиролмас ва ҳар қачонгидек шавқ-завқ билан ишлар эди. Баъзан ўртоқларим билан бирга Валянинг поликлиникасига кириб чиқардим, унинг шприцлар, микроскоп ва маҳсус жадваллар билан нақадар чаққон иш кўраётганига қараб жуда завқ қиласади. Валентина Ивановна, бизнинг анализимизни навбатсиз қилиб беринг, анализни шундай қилингки, врачлар кавлаштириб ўтирадиган бўлмасин деб ҳазил ҳам-қилардик. Валя эса жўрттага каттароқ шприцни ва йўғонроқ игнани танлаб олиб, айтади:

— Қани бўлмаса, дастпанжаларингизни бу ерга қўйинглар-чи, қонингизда нима борлигини ҳозир биламиз, балки нуқул сувдир?..

Ишимиз бошимиздан ошиб ётарди. Газеталарни аксари уйда, кечқурилари ўқирдик. Газеталар ҳар куни совет жишиларининг меҳнат соҳасидаги янги қаҳрамонликлари ҳақида хабар бериб турарди. Мамлакатимизда техникани янада тараққий эттириш йўллари ҳақида партия Марказий Комитетининг июль Пленумида қўтарилигган масалалар ёз бўйи жалқининг диққат марказида бўлди.

Никита Сергеевич Хрущев коммунизм фан ва техниканинг фақат энг замонавий, илғор муваффақиятларига асослана олишини айтиб, шуни таъкидлаган эди: «Фан инженерлар ва конструкторлар олдида турган йўлни ёритиб бериши керак, токи улар янада мукаммал машиналарни муваффақият билан ясасинлар, токи техника муттасил такомиллаша борсин».

Бу сўзлар ҳозир биз ишлатаётган ҳамма нарсага, биз тайёрланыётган нарсага ҳам бевосита тааллуқли эди. Бош Конструктор бизга, совет космонавтикаси Никита Сергеевичнинг энг ёқтирган нарсаси, деб айтарди, партия Марказий Комитетида, илмий лабораторияларда, космодромда Никита Сергеевич билан учрашганларини ҳикоя қилиб берарди. Никита Сергеевич бу янги ишга кўп диққат-эътибор, куч ва гайратини сарфламоқда, деярли Бош Конструктор.

1960 йил 19 августда Ер йўлдошининг орбитасига чиқарилган иккинчи совет космик кемаси совет космонавтикасини ривожлантириш ҳақида партия ва ҳукуматизм кун сайин қилаётган ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси бўлди. Одамнинг, яъни бўлгувси космонавтлар группасидаги бизлардан биронтамизнинг учиши учун зарур бўлган ҳамма нарсалар билан жиҳозланган бу кема кабинасида Стрелка ва Белка деган итлар бор эди. Космик кема ер шарини ўн саккиз марта айланиб чиқиб, ҳисобдаги қўниш нуқтасидан атиги ўн километрча бурилган ҳолда Ерга қайтиб келди. Тирик мавжудотлар тарихда биринчи марта планетамизни кўп марта айланиб чиқиб, космосдан эсон-омон қайтиб келган эди.

Бу катта воқеа ўзимиз ўргангандан ўзлаштирган кеманинг тамомида пухта эканлигини кўрсатиб берди. Бутун дунё Стрелка билан Белка ҳақида гапирав эди.

Бизга эса бу иккита оддий жонивор айниңса қимматли эди. Йўлдош кема бортида, Бош Конструктор бизга кўрсатган телевизион установканинг ўзи ишлаб турган эди. Олимлар шу установка ёрдами билан космос разведкачиларининг хатти-ҳаракатини, кайфиятини ва аҳволини кузатган эдилар.

Бизга телевизион плёнкани кўрсатиши. Старт пайтида итларнинг кабина тубига қўрқа-писа қараб, одатдан ташқари шовқинга ҳушёрлик билан қулоқ солиб турганликлари плёнкадан яхши кўриниб турарди. Учишнинг дастлабки секундларида итлар бесаранжом бўлган кўринади, аммо кема тез ҳаракатланган сайн тобора ошиб борувчи оғирлик кучи уларни кабина тубига қисиб қўйган. Стрелка оёқларини тираб, устига тушган кучга қаршилик кўрсатишга уринган. Сўнгра итлар соқин қолишган. Кема энди ўз орбитасида айланмоқда эди. Катта ўта юкланишлардан кейин муаллақлик ҳолати бошланган, итлар қабинада осилиб турган. Бошлари ва панжалари пастга энгашган эди. Итлар ўлиқдай туйилар эди. Аммо кейин улар секин-аста жонланган. Белка жаҳли чиқиб, вовуллай бошлаган, тез орада итлар муаллақлик ҳолатида автоматик кормушкадаги овқатни ея бошлаганлар.

Буларнинг ҳаммаси жуда қизиқ бўлиб, бизни тинчлантирас, жиддий фикрлаш ва сўзлашиш учун материал берар эди. Илгари буларнинг ҳаммасини ақлимизда тасаввур қилган бўлсак, энди ҳақиқатда бўлганини кўрдик. Тажриба—устозларнинг устози дейишади. Тирик, аммо фикрламайдиган мавжудотлар бўлмиш Стрелка билан Белканинг бошдан кечирганларини соғлом, машқ қилган ва маълум бир мақсадни кўзлайдиган кишиларгина бошдан кечира олар эди, албатта.

Муаллақлик ҳолатидаги сезгилар қандай бўлишига ҳаммамиз қизиқардик. Биз ўзимизни муаллақлик ҳолатига ўргатардик. Тезкор реактив самолётларда учиб, ўзимизни шунга кўнитирадик. Реактив самолётларни муайян ҳолатга қўйиб, марказдан қочувчи ва марказга интигувчи кучларни мувозанатлашириб олар эдик. Шу пайт баъзан бир неча ўн секунд давом этадиган муаллақлик ҳолати келиб чиқарди. Бу ҳодиса гарчи қисқа вақт давом этса ҳам, фазода радио алоқа қилиш, ўқиш, кўз билан кўриб ориентировка қилиш, шунингдек сув ичиш ва овқат ейиш мумкинлигини кўрсатар эди. Биз

бу синовлардан ўтар эканмиз, узоқ муаллақлик ҳолатида ҳам ишлаш қобилиятига халал етмаслигига ишонардик. Машқлар раҳбари фикримизни эшитиб, шундай деяр эди:

— Хоҳлаганча фараз қилиш мумкин. Ҳамма нарсани практикада исбот этиш, тажрибада тасдиқлаш керак. Бундай тажрибани эса фақат космик фазода қилиш мумкин.

Турли машқларда бизнинг организмларимизга, нерв системамизга центрифугаларда тез айланишдан тортиб, товуш ўтмайдиган қилиб маҳсус ускуналанган камера-ларда узоқ туришга қадар кескин ҳолатлар таъсир этди. Бу «яккалик» космонавтнинг нерв-психик чидамини аниқлаб берарди, чунки баъзан кичик ҳажмли яқка бўшлиқда суткалаб туришга тўғри келарди. Бутун дунёдан яккаланниб қоласан, на товуш, на шитирлаган овоз эшитасан. Ҳавонинг ҳеч қандай ҳаракати сезилмайди. Ҳеч нарса кўринмайди. Сен билан ҳеч ким гаплашмайди. Вақт-бавақт муайян жадвалга мувофиқ, радио орқали хабар бериб туришинг керак, аммо бу алоқа бир томонлама алоқадир. Радиограммани беришга берасан-у, қабул қилишдими-йўқми — билмайсан. Сенга ҳеч ким бир ориз сўз билан жавоб қилмайди. Бошингта қандай иш тушмасин, ҳеч ким ёрдамга келмайди. Ёлғиз ўзинг бўласан. Бир ўзинг бўласан, ҳар тўғрида фақат ўзингга умид боғлай оласан.

Гоҳо бу «яккалик» қийин бўлди. Бунинг устига камерага кирап экансан, ёлғиз ўзинг қанча вақт фикр қилиб ўтиришингни билмайсан. Неча соат? Бир кечаю-кундузми? Бир неча сутками? Аммо шундай қилиш кераклигини билардик—космик фазода ҳам, олдиндан кўрилмаган қандайдир сабабга кўра, кишилар билан ҳеч қандай алоқа қилолмай, ёлғиз қолишинг мумкин. Космонавтнинг нерв системаси, бутун психикаси ҳар қандай тасодифларга ва кутилматган ҳодисаларга шай бўлиб туриши керак.

Одам бутунлай ёлғиз қолганда аксари ҳамиша ўтмишини ўйлади, умрини кўз олдига келтиради. Мен бўлсам келажагим ҳақида, учиш менга ишониб толшириладиган бўлса, қандай учишим ҳақида ўйлардим. Хаёл суришни болалигимдан яхши кўраман, дунёдаги ҳамма нарсадан яккалланган шу камерада ўтирас эканман, Учаётган космик кемада турибман деб тасаввур қиласар-

дим. Кўзимни юмиб, тим қоронғида материклар ва океанлар тагимда қандай ўтаётганлигини, кун ва тун қандай алмашинаётганлигини, қаердадир узоқда, пастда шаҳарларнинг тундаги чироқлари шамалоқ бўлиб ёниб турганлигини кўрардим. Гарчи ҳеч қачон чет элларга бормаган бўлсан ҳам, хаёлимда Пекин билан Лондон устидан, Рим билан Париж устидан, жонажон шаҳрим Гжатск устидан учиб ўтардим... Буларнинг ҳаммаси яккалик азобига чидашимга жуда катта ёрдам берарди.

Эҳтимол, шоирлар Олам сирларини олимлардан эртароқ билишга уриниб кўришгандир, деб ўйлардим. Лермонтовнинг шеърлари эсимга тушарди. Кинорежиссёр Александр Довженко совет ёзувчиларининг иккинчи Бутунитифоқ съездидаги шундай деган эди: «Мен халқларнинг қардошлиги ғалаба қозонишига ишонаман, коммунизмга ишонаман, аммо Марсга биринчи учишда севимли акам ёки ўғлим Олам Фазосининг қандайдир жойида ҳалок бўлса, жудолик қийинчиликларини тортаётирман, деб ҳеч кимга айтмайман».

Бу сўзлар Ернинг биринчи сунъий йўлдоши вужудга келгунча айтилган эди.

Баъзан ҳатто тасаввур қилиш қийин бўлган жимликка берилиб кетардим. Меҳнат жимлигини доим яхши кўраман да, ахир. Жимжитда фикр қилишини, жимжитда хаёл суришини яхши кўраман. Камерадан қачон чиқиши мумкинлигини билмас эдим, аммо камерадан чиққанимда текширувчилар менинг совуққонлигимни, осойишталигимни, психикамнинг чидамлилигини ва асабларимнинг маҳкамлигини кўриб ажабланишар эди.

«Яккалик»да ҳам, иссиқлик камерасида ҳам, центрифуга ва вибростендда ҳам қилинган машқларга ҳамма бир хилда тинч чидаш бермасди. Бу эса қийин синовларга бошқалардан кўра яхшироқ чидаган ўртоқларни танлаб олиш имкониятини берар эди. Биринчи учишга кандидат бўлган бизларнинг сонимиз тобора камайиб бормоқда эди. Бориб-бориб кимнидир бирорни танлаб олиш керак эди да, ахир. Биз ўтган синовлар Москва давлат университетига конкурс имтиҳонларидан жуда ҳам мураккаб эди. МГУга кириш учун бир ўринга ўнлаб йигит-қизлар ариза беришади, деб эшитганман.

Кетма-кет машғулот ва машқлар билан банд бўлиб, куз қандай ўтиб кетганлигини ва қиши кирганлигини сезмай қолибмиз. Шу пайт Москвада Коммунистик ва ишчи

артиялар вакилларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенашда саксон бир партияниң делегациялари қатнаши. Бу Кенгашнинг эълон қилинган Баёнотида—бутун тунё коммунистларининг марксча-ленинча программа-ида бундай дейилган эди: замонамизнинг энг асосий фарқ қилувчи хусусияти шундан иборатки, жаҳон социалистик системаси инсоният жамияти тараққиётининг ҳал қилувчи факторига айланмоқда. Социалистик давлатларнинг бир лагерь бўлиб жипслашганлиги, бу лагернинг мустаҳкамланиб бораётган бирлиги ва тўхтовиз ўсаётан қудрати умуман бутун система доирасида социализмнинг тўла ғалабасини таъминламоқда. Кенаш ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисида Совет Иттифоқи тақдим этган программанинг амалга оширилиши инсоният тақдири учун тарихий аҳамиятга эга бўлур эди, деб таъкидлади. Бу ғоят зўр кучли ҳужжатdir. Ҳужжатда айтилган эдик, коммунистлар жаҳон миқёсида эксплуатацияни ва қашшоқликни тугатишни за ҳар қандай уруш бўлиш имкониятини инсоният жамиятининг ҳайтидан авадий чиқариб ташлашни ўзларининг тарихий вазифалари деб ҳисоблаш билан чекланиб ҳолмай, шу билан бирга янги жаҳон уруши даҳшатларидан инсониятни ҳозирги даврнинг ўзида халос қилишни ҳам ўзларининг тарихий вазифалари деб биладилар.

Шу тарихий ҳужжатни ўқир эканман, ўз ҳаётим халқ-қа хизмат қилишга нечоғлик қаратилса, ўшанчалик маънолик бўлишига ишонардим. «Совет фани жаҳон цивилизациясини ривожлантиришда бутун бир давр эҷди, космосни ўзлаштиришни бошлаб берди, социалистик лагернинг иқтисодий ва техника қувватини намоњиши қилмоқда»,— Кенгашда айтилган бу сўзлар биз бўлгуси космонавтлар учун муҳим эди. Бу таъсирили сўзларни ўқир эканмиз, Ватан олдидаги масъулиятилизнига эмас, балки бутун социалистик лагерь олдидаги, бутун дунё коммунистлари олдидаги масъулиятилизни ҳам ҳис қилдик. Яқинда одамнинг космосга учирилиши нуқул тинчлик мақсадларини кўзларди. Ҳеч қандай ҳарбий асбоб-аслаҳалари бўлмаган космик кема-нинг ўзи ҳам, учишга кўраётган бутун тайёргарлигимиз характери ҳам бизни шунга ишонтиради. Одамнинг муваффақият билан учирилиши халқимиз тинч сиёсатининг тантанаси, ер юзидаги барча тинчликсевар кишиларнинг ғалабаси бўлган бўлур эди.

Халқимизнинг тинчликка, ижодкорликка инилиши амалда тасдиқланмоқда эди. Етти йилликнинг тигант корхоналари кетма-кет ишга тушиб турарди. Магнитогорск металлургия комбинатида «2500» маркали қудратли прокат станининг қурилиши тугалланган; дунёда энг катта Кривой-Рог домнаси ишлай бошлаган; «Қозогистон Магниткаси» — Темир-төвдаги металлургия заводида биринчи кокс батареясининг қурилиши тугалланган; Балхашдаги кон-металлургия комбинатида дунёда биринчи циклон печи металл әрита бошлаган эди. Үша кунларда мен ўртоқларим — ҳарбий учувчилардан, шу жумладан Борис Федорович Вдовиндан ҳам бир неча хат олдим. Уларнинг хатига қараганда, Қуролли Кучларимизни яна анча қисқартиш түғрисидаги Қонунга мувофиқ, ҳарбий хизматдан бўшаб, запасга кетишибди, улар ўзлари учун янги соҳа — заводлар, фабрикаларда, қишлоқ хўжалигида ишлаб олган таассуротлари билан ўртоқлашар эдилар. Вдовинлар энди Калугада, яъни К. Э. Циолковский ижод этган жойда яшаб; ўқитувчиклик қилишаётган экан. Улар ўз қизлари Иринка ҳақида ёзишиб, унинг катта бўлиб қолганлигини ва мени эслаб ётганлигини айтишган эди. Валя билан биз жавоб ҳатимида қизимиз Леночка ҳам тета-поя қилиб юраётганлигини, укаси ёки синглиси туғилишини кутиб турганлигимизни ёздик.

1960 йилнинг 1 декабрида учинчи космик кемамиз космосга парвоз қилди. Бу кема бортида Пчелка билан Мушка деган итлар, шунингдек бошқа майда жониворлар, ҳашаротлар ва ўсимликлар бор эди. Одамии учириндан ғолдин ўтказилаётган тадқиқотлар программаси қатъий планга мувофиқ олиб борилмоқда эди. Бу кемани учириш бизга янги қимматли маълумотлар берди. Аммо ҳамма иш силлиқ бора бермади. Йўлдош кема ҳисобда кўрсатилмаган траектория бўйича пастга тушганидан йўқолиб кетди. Мутахассислардан баъзилари йўлдош кеманинг муваффакиятсиз тушганлиги ҳақида ги хабар бизда ёмон таассурот қолдиради, деб қўрқсан эдилар. Биз бўлсак, бу қонуний бир нарса бўлмай, балки тасодифий ҳодиса эканлигини, ҳаёт ўйлаганингдан кўра мураккаброқ эканлигини тушунардик. Катта маблағлар сарфлаб қурилган йўлдош кема ҳайф кетган эди. Аммо бундай улуғ ишда чиқим бўлиши турган гап,

Машғулотларимиз жадал давом этаверди. Ҳаммамиз космик кема кабинасининг макетида тобора кўп машқ қилиб, янги уйга ўрганган каби, унга ўрганиб турдик. Биз ҳар бир кнопкага ва тумблерга ўрганар, учиш вақтида зарур бўладиган ҳамма ҳаракатларни машқ қилас, бу ҳаракатларни автоматизм даражасига етказар эдик. Истаган пайтда нима қилиш кераклигини қўлимиз ўзи биларди.

Космик кемани қўлда бошқариш, ориентация, ерга қўниш, шунингдек терморегуляция, ҳавони кондициялаш, босимни идора этиш системаларини ишлатиш маҳоратини ҳосил қила бордик. Кемани контроль қилиш ва бошқариш аппаратлари билан ишладик. Олимлар ҳар бир ҳаракатимизни пухта ўйлаб кўрган эдилар. Космонавтнинг Ер билан бошқа-бошқа каналлар ва турли усуллар билан алоқа қилишига доир машқларга кўп вақт берилди. Мантиқий фикр юритиб ва тамомила аниқ сўзлар ва рақамларни ҳам кам ишлатиб, ўз мушоҳидаларимизни борт дафтарига ёзib туришимиз керак эди. Ўзимизни Ерий айланниб чиқаётган чинакам кема ичиди тургандай ҳис қила ва тасаввур эта билар эдик. Бу эса машғулотларимизга маъно берар эди.

Учиш ҳақидаги топшириқнинг турли варианtlарини ишлаб чиқмоқ учун инженерлар аъло даражадаги тренажер-стенд қурган эдилар. Бу стенд моделловчи ақлли электрон машиналар билан жиҳозланган эди. Қабинадаги креслога ўтирас экансан, қаршингда асбобларнинг стрелкаларини кўрасан, тоҳ ёнаётган, гоҳ ўчаётган ранг-баранг таблолар учиш вақтида рўй бериши мүмкин бўлган вазиятнинг реал ўзгаришларини гавдалантиради. Шу онда радио орқали сўзлашиб турар экансан, гаплар магнитофон лентасига ёзилаверади, иллюминаторлар, оптик ориентатор орқали кузатиш олиб борасан, глобусга қараб ориентировка қиласан, борт дафтарини тўлдирасан... Қайрилиб қарашга ул-гурсанг бас!

Нормал учиш ҳамма ҳисобларга мувофиқ бориши керак эди, шу сабабли уни кабина макетида гавдалантириш билангина қолмай, ҳар хил аварияли варианtlар ҳам гавдалантирилар эди. Хуллас, учишда бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларнинг ҳаммаси ерда қилиб кўрилмоқда эди. Бунинг устига, кабина тешилиб қолган тақдирда космонавтнинг ҳаётини ва ишлаш қобилияти-

ни сақлайдиган ҳимоя скафандри, гермошлөм ва термоқұлқоп кийиб олинарди. Шу кийимда туриб овқатни ҳам ер, сувни ҳам ичардик.

— Шундай машқ қилгандан кейин,— дейишарди ўртоқларим менга,— группа старшинаси бүлганим учун,— құлай центрифугада машқ қилишдан күра қўпроқ чарчайсан.

— Ҳеч боқиси йўқ,— дея тинчлантирадим уларни,— кута биладиган қишига ҳамма нарса ўз вақтида муҳайё бўлади.

Пчелка билан Мушканинг ҳалок бўлгани муносабати билан қолган дөғни ўз-ўзимизча тан олишга чўчир эдик, аммо бу дөғ қолаверди. Ернинг оғирлиги олти ярим тоннacha келадиган оғир сунъий йўлдоши мудаффақият билан учирилганлигини, сўнгра бир ҳафтадан кейин бундай йўлдошдан космик ракета старт қилиб, планеталаро автоматик станцияни Венера планетасининг траекториясига олиб чиққанлигини эшишиб билишимиз биланоқ бояги дор тамомила унутилиб кетди. СССР Давлат гербининг сурати солинган вимпелни олиб чиққан бу станциянинг мудаффақиятли учирилиши Қуёш системасининг планеталари сари биринчи йўл очган эди.

Ўша вақтда ҳамма ишим жойида эди. Фақат Валяни ўйлаб, кўнглим тинчимас эди. Шу кунларда кўзи ёриши керак эди. Бу гал ўғил туғар деб кутсам, ўзи қиз кутар эди. Валянинг ахволи қандай экан? Тинчликмикан? Мен жуда банд бўлганимдан, ёнида қололмас эдим.

Еттинчи мартда Валя қиз туғди.

Тўққизинчи мартда эса ўртоқларим менга шундай дейишиди:

— Биласанми Юра, туғилган кунингга яна бир совға бор...

— Қандай совға экан?— деб сўрайман.

— Тўртинчи йўлдош кемани учиришити...

Тўртинчи космик йўлдош кема ўз пассажирлари — Чернушка лақабли ит ва бошқа жониворлар билан ўша куниёқ Ерга қайтиб келипти. Бу йўлдош кема кичикроқ бўлиб, учувчи креслосига ўрнатилган манекени ҳам бор эди. Уни учирышдан асосий мақсад — космик кеманинг ва унга ўрнатилган ҳамма системаларнинг,— одамнинг учиши учун зарур шароитни таъминлайдиган асбоб-аи-

жомларнинг нечоғлик пухта ясалганлигини текшириш эди. Одамнинг космосга учиш пайти жуда яқин қолганлиги ҳамма нарсадан кўриниб туради.

Бир неча кундан кейин Никита Сергеевич Хрущев Кўриқ ўлка қишлоқ хўжалиги илғорларининг кенгашида Ватанимиз тарихидаги янги шонли саҳифа — кўриқ ерларни ўзлаштириш ҳақида тапириб, шундай деди: «Биз аминмизки, ичига одам тушган биринчи космик кема космосга парвоз қиласиган вақт яқинлашиб қолди!» Энди тез кунда биронтамиз старт қилишимиз керак, деб бемалол айтса бўлар эди. Ҳам суйинардик, ҳам пича ваҳм қиласидик.

Аммо, одамни космосга учиришга тайёргарлик бизнинг мамлакатимиздан ташқарида ҳам бормоқда эди. Америка Қўшма Штатларида шундай тайёргарлик олиб борилмоқда эди. Чет эл матбуоти Ернинг Америкада ишланган йўлдошлари ва космик ракеталар муваффақиятли ва муваффақиятсиз учирилиб турганлигини кўпдан бери хабар қилиб туради. Канаверал бурнидан ракетада космосга учирилиб, эсон-омон қайтиб келган шимпанзе маймунининг суратини «Лайф» журналида кўрган эдик. Америка телеграф агентликлари «Редстоун» ракетасининг тумшуғига ўрнатилган қўнғироқсимон тор капсулада космосга учириш учун еттига кандидат танлаб олинганлигини хабар қиласиган эдилар. Бу ракета 115 миля баландликка кўтарилиши керак эди. Ракетанинг учиши ҳаммаси бўлиб чорак соатга мўлжалланганди.

Тез орада «Меркурий» лойиҳасининг директори шуни маълум қиласди: американлик етти астронавтдан учтаси танлаб олинди — Жон Хершел Гленн — 39 ёшда, денгиз пиёда аскарларининг подполковниги, Огайо штатидаги Нью-Конкорд шаҳрида туғилган; Виржил Айвен Гриссон — 34 ёшда, ҳарбий ҳаво кучларининг капитани, Индиана штатидаги Митчелл шаҳрида туғилган; Алан Бартлет Шепард — 37 ёшда, 3-ранг капитан, Нью-Гэмпшир штатидаги Ист-Дерри шаҳрида туғилган. Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлигининг хабар беришича, учала астронавт «кўпгина медицина ва техника маълумотлари» асосида танлаб олинган эди. Учириладиган бу кандидатлар авиацияда илмий тадқиқотлар соҳасида кўпдан бери ишлаётган ҳарбийлар эди. Улар йигирма икки ойдан бери маҳсус таълим олмоқда эдилар.

Глени билан Гріссом иккінчи жағон уруши даври да авиацияда хизмат қылған, кейинчалик эса Кореяда жанг қылған әдилар. Шепард Тинч океандаги әсминеңде хизмат қиласында. Америка матбуоти уларнинг сураттарини ва таржимаи ҳолларини босиб чиқариб, Гленн қайиқда юришни яхши күради, Гріссом балиқ овига қизиқади, Шепард эса коңыки отишни ва сувда чанғи учишни севади, деб хабар қылған әди.

АҚШда планлаштирилаётган ракетада баллистик траектория бўйлаб учиш аслда космосга учиш бўлолмас ва, афтидан, сенсация мақсадларини кўзлар әди. Совет олимлари ва конструкторлари энди космонавтликка кандидатлар бўлган бизнинг группамиз ҳам қатнаштирилаётган ишларнинг аввал бошиданоқ ўз куч-ғайратларини бошқа йўлга солиб, Ернинг оғир сунъий йўлдошларини ва йирикроқ космик кемаларни вужудга келтирмоқда әдилар. СССРда космик учишларни ривожлантириш асосий йўли шундан иборат әди. Бош Конструктор бизма, фақат шу йўл билангина одамни космик фазога учирыш масаласини ҳал этиш мумкин, деяр әди.

«Редстоун» ракетасида учишга тайёрланаётган дадил американлик йигитлар бизни қизиқтирмасдан қололмас әди, албатта. Биронтамиз эртами-кечми шу йигитлардан қайси бири билан бўлса-да учрашиб, кўрган-кечирганларимизнинг ҳаммаси ҳақида гапиришармиз, деб ишонардик. Космосга учиш мамлакатларимизни яқинлаштира олади деб билардик ва албатта, космосга биринчи бўлиб совет кишиси учади, деб ишонардик. Бунинг учун ҳамма асослар бор әди.

— Шарқ қүёшга ғарбдан кўра яқинроқ,— деб ҳазил қилишарди дўстларим, Америка газеталари ва журналларини титиб кўриб.

Уша вақтда американлик учувчи Фрэнк Эверестнинг «Ҳаммадан тез учган киши» деган китоби қўнимга тушди. Авторнинг номи таниш әди. Мисли кўрилмаган куч-ғайрат сарфлаб, ўз орзусига етган шу иродали кишининг ёзганларини ҳавас билан ўқиб чиқдим.

«Космоснинг забт этилиши» деб ном қўйилган ўн учинчи бобгача ҳаммаси яхши борди. Шу бобни ўқиб чиқишим биланоқ нафрат ва жирканиш аралаш ҳисни бошдан кечирдим. Эверест шундай деб ёзган әди:

«Космосни биринчи бўлиб забт этадиган киши Ерга

хұкмронлик қиласы, деб қаттиқ ишонаман. Қишилар тақдирини күчли ва катта мамлакат ҳал қилиши шарт әмас. Ҳатто кичкина ва бирмунча қувватсиз мамлакат ҳам, атом зарядлари жойланған ва бошқариладиган снарядлар ўрнатылған космик кема ёрдами билан жағонга ҳоким бўлиб қолиши мумкин. Бу мамлакат космик кемага ва ядро қуролига әга бўлган ҳолда душманга космосдан туриб ҳужум қила олади, айни вақтда қарши зарбага учрамайди. Бу мамлакатнинг ғалаба қозониши муқаррар бўлади».

Эверест қайси кичик мамлакат ҳақида тапирган экан, Аденауэр Германиясини назарда тутаётгатмикин? Ҳар қалай, бу сафсатадан учига чиққан ошкора фашизм ҳиди қаттиқ анқиб турар эди.

Совет қишилари космосга интилар эканлар, бошқа мамлакат ва халқларни қул қилишни хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Ҳукуматимизнинг ва давлатимиз бошлиғи Никита Сергеевич Хрущевнинг ғоят кўп куч ва ғайратлари уруш тайёрлашга әмас, балки тинчликни сақлаб қолишга қаратилган.

Совет халқининг космосни әгаллаши Ватанимиз фани ва техникасининг гуруллаб ривожланиши билан борланган. Космик кемаларда учиш кўпгина саволларга ва, эҳтимол, одамзод ақлини энг кўп ҳаяжонлантираётган — Коинот (Олам) қандай пайдо бўлган, деган саволга ҳам жавоб қайтаришда фанга ёрдам беришини ўйлар эдим, Одамнинг космосга чиқиши, шунингдек яқин планеталарга учиб бориши ҳаётнинг пайдо бўлишидек яна бир муҳим проблемани ҳам ечишга ёрдам беради.

Эҳтимоллар назариясига кўра, биологик ҳаёт мавжуд бўлган Еримизга ўхшаш миллионлаб планеталар бор. Узоқ ўтмишнинг буюк мутафаккири Жордано Бруно тирик мавжудотлар яшайдиган дунёлар кўп, деган идеяни айтган эди. Улуғ рус олими Михайло Ломоносов ҳам ана шу дадил идеяни кенг ривожлантирган ва тарифиб этган эди. Кўп планеталардаги фикрловчи мавжудотлар, эҳтимол, қишилар тарихидан кўра узоқроқ тарихга әга бўлса ва тараққиёт жиҳатдан юқори босқичда турган бўлса ажаб әмас.

Ташқаридан баҳор нафаси сезилиб туради. Оиламиизда баҳор кайфияти ҳұм сурар эди: иккинчи қизчам туғил-

ди, унга баҳор муносабати билан Галочка деб исм қўйдик. Мен қизчамни қўлимда кўтариб, уйда юрар эканман,

Галочкахон, жон-қизчам  
Ширин-шакар дўндиқчам,

деб алла айтардим.

Аммо гўдакни эркалаб ўтиришимга тўғри келмади — космодромга жўнаб жетиш керак эди. У ерда учувчи креслосига манекен ва тажриба ҳайвонлари жойланган космик кемамиз сўнгги контроль мақсадида учиришга тайёрланмоқда эди. Космодром қатнов йўлларидан четдаги жуда катта хўжаликдир. Унда инженерлар ва техниклардан иборат малакали ходимлар хизмат қилишади. Космик кемалар ўрнатилган қудратли ракеталар шу ерда монтаж қилинади ва учиришга тайёрланади. Улар шу ердан осмонга парвоз қиласди.

Бизга хол-хол малла итни қўрсатишиди. Уни қўлимга олдим. Вазни олти килограммдан ошмас эди. Уни силадим. Ит талтайиб, қўлимни ялади. У жонажон қишлоғимда болалик давримда ўзим ўйнаб юрган хона-ки итимизга жуда ўхшар эди.

— Лақаби нима?

Ҳали лақаб қўйилмаган — қандайдир синов номери билан юрган экан. Космосга номсиз, паспортсиз пассажирни юбориш ҳандай бўлар экан? Бундай иш қаерда бўлган! Шу онда бизга итга ном қўйинглар, деб таклиф этишиди. Итларга қўйиладиган маълум лақаблардан роса ўнтасини айтиб чиқдик. Лекин ҳаммаси ҳам, ниҳоятда ёввош бўлган бу малла итга мос келмас эди. Шу пайт мени чақириб қолишиди, итни ерга қўйиб:

— Хайр, оқ йўл бўлсин, Звездочка,— дедим.

Ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси: итнинг номи Звездочка бўлақолсин деб розилик билдиришиди. Кейин итни газеталарга ҳам шундай деб ёзишиди.

Космодромда минора ёки маякка ўхшаб кўтарилиб турган жуда катта иншоотга қандайдир муаттар ва ма-роқ аралаш ҳис билан қараб турардим. Иншоот атрофида ғивирсиб юрган қишилар жуда кичкина қўринарди. Учирувчи ракетани ва космик кемани стартга тайёрлаш йўлида сўнгги марта қилинаётган ишларни ҳавас билан кузатиб турдим. Звездочка ва унинг ҳамроҳларини лифтда кўтаришиб, ўзининг жипс ёпиладиган кабина-

сига жойлашди. Ҳамма системалар қайта-қайта текшириб күрилди. Белгиланган вакт келди. Кемани учиришга команда берилай деб турибди.

Шу дақиқаларда мен Звездочкани эмас, балки ўзими учишга отлантиришапти, осмонга бўй чўзган космик кема кабинасида ўзим ўтирибман деб беихтиёр тасаввур қилдим. Кишилардан, эҳтимол, биринчи бўлиб мен учарман, деб ўйлардим.

Ракета учирилди! Ўқ овозидай қисқа команда берилди. Кўп босқичли ракетанинг баланд ва оғир корпуси каваклардан чиқсан алганга ичиди, тобора қаттиқ гувиллаётган двигателларнинг шовқини ичиди старт майдончасидан гўё истамасдан кўтарилимоқда. Ракета худди тирик, ақлли мавжудот каби қандайдир ўйга ботиб, бир-икки секунд салгина титраб, ердан кўтарилади ва тўсатдан, тезлик билан, орқасида олов гирдобини қолдирб кўздан ғойиб бўлади, осмонга худди қалам билан чизгандай ёрқин из туширади. Ҳаммаси ўйлаганимдай бўлиб чиқди.

— Сени ҳам шундай кузатамизми, Юрий? — дейишарди ўртоқларим менга.

Кўрганларимни кун бўйи ўйлаб юрдим. Кема пленетамизни айланиб чиқиб, мўлжалланган районга қайтиб келиб улгурган эди. Мутахассислар — биологлар билан медиклар — бемалол учиб келган Звездочка атрофифа парвона бўлиб юрадилар. Мен бўлсам кўз ўнгимда бўлган воқеаларни ва яқин орада, эрта-индин менинг ҳам учишим кераклигини ўйлаганим-ўйлаган эди. Стартда эшитилган гумбур-гумбур овози ҳали қулоғимдан кетмас, ракетанинг орқасида қолдирган баланд алганга тўлқинлари кўз ўнгимда ҳали ҳам пағапаға бўлиб кўтарилиб туарди. Аммо мен бундан чўчи мас, балки завқ қилас әдим. Люберци заводининг баланд бўйли кушмўйлов бригадири айтган сўзлар ёдимга тушди. Биз ҳунармандлар эриган чўяннинг иссиғидан орқага тисарилганимизда бригадир қувноқлик билан шундай деяр эди:

— Олов кучли, сув оловдан кучли, ер сувдан кучли, одам эса ҳаммасидан кучли!

Уйда Валя нега бундай хурсанд эканлигимни ва умуман ҳамма вакт қаерда йўқолиб кетаётганлигимни суринтириб қолди.

— Космосга учаман... Бир чемодан кийим тайёрлаб қўй,— деб ҳазил қилмоқчи бўлдим.

— Аллақачон тайёрлаб қўйганман,— дея жавоб берди Валя. Унинг ҳамма гапдан хабари бўрлигини тушундим.

Қизчаларни каравотчаларига ётқизиб, овқатга ўтиридик, шу пайт жиддий гаплаша кетдик. Ҳа, одамнинг космосга биринчи учиш пайти яқин қолди ва, эҳтимол, мени учиришар, дедим.

— Нега сенинг ўзингни учиришар экан?— деб сўради Валя.— Ёр-биродарларинг хафа бўлишмасмикин?

Нима учун мени учиришлари имумкин эканлигини Валяга қўлимдан келганча тушунтириб бердим. Валянинг тўсатдан жиддийлашган чехрасига, нигоҳига, лаблари титраганига ва овози ўзгарганига қараб, унинг шу билан ҳам фахрланиб, ҳам юраги увишиб турганлигини ва мени ҳаяжонлантиришни истамаётганлигини кўриб турадим. Тун бўйи мижжа қоқмай, сўзлашиб чиқдик, ўтмишни эсга олдик ва келажак планларини тузиб қўйдик. Қизларимизнинг вояга етиб, турмушга чиқишини, невараларимизни эркалашимизни кўз ўнгимиздан ўтказдик, урушсиз, жанжалсоиз турмуш қаршимизда намоён бўлди, коммунизм даврида турмуш қанақа бўлади деб тасаввур қилсак, ўшандай турмушни кўз олдимизга келтирдик.

Тўйиб-тўйиб гапиришганимиздан кейин Валядан, олдимда турган синовга нима дейсан, деб сўраганимда у, комсомол қиз қандай жавоб бериши лозим бўлса, ўшандай жавоб берди:

— Ўзингга ишонсанг — учавер!.. Ҳаммаси жойида бўлади...

## 12 АПРЕЛЬ ЧОРШАНБА КУНИ

...Старт пайти яқинлашиб қолган. Бизни ҳа демай Байконур космодромга жўнатишлари керак эди. Ҳали ҳам сабрим чидамас, баъзан кутиш жонимга тегар эди. Мен угадиган кемага «Восток» деб ном берилиганидан хабарим бор эди. Қуёш шарқдан чиқиб, кундузги ёруғлик шарқдан юрар экан, тун зулматини ҳайдаб боради, кемага шунинг учун «Востоқ» деб ном беришган бўлса керак.

Жўнаб кетишимиздан олдин хайрлашув учун партия мажлиси бўлди. Ҳамма биринчи учишга мени тайинла-

шар деб ўйлар эди. Космодромга жўнаб кетадиганлар ҳам, қоладиганлар ҳам сўзга чиқишиди.

— Сизга яхши ниятда, дўстона ҳавасимиз келаяпти... Эсон-омон учишингизни истаймиз... Космосдан қайтиб келганингиздан кейин мағурурланиб, кибрланиб кетмангиз, ҳамиша ҳозиргидай камтар бўлингиз,— дейишарди мажлисда сўзга чиққан ўртоқлар.

Менга сўз беришиди. Мен шундай дедим:

— Биринчи космонавтлар қаторига ўтганимдан хурсандман ва шу билан фахрланаман. Олдингилар қаторида бўлишга кучимни аямай ҳаракат қилиб келдим. Коммунист ўртоқларимни ишонтириб айтаманки, партия ва ҳукуматнинг топшириғини муносиб равишда бажармоқ учун кучимни ҳам, меҳнатимни ҳам аямайман, ҳеч нарса билан ҳисоблашмайман. Космосга учишга пок виждан билан ва бу топшириқни коммунист қандай бажариши керак бўлса, ўшандай бажаришга зўр иштиёқ билан жўнайман... Космик жемани тужудга келтирган ва уни КПСС XXII съездига бағишилаган олимлар ва ишчиларнинг кўпсоноли коллективларига қўшиламан.

Мажлисда кўп сўз бўлмади, у митингга ҳам бир оз ўхшаб кетди. Ҳамма ҳаяжонланар эди. Уруш вақтида коммунистлар ўз ўртоқларини фронтга худди шундай самимий ва чин қалбдан узатишган бўлса керак.

Космодромга бир неча космонавт учмоқда эди. Ҳар қандай ҳодиса рўй бериши мумкин эди. Космосга учадиган биринчи кандидатнинг кўзига ҳас тушиши ёки температурасининг ярим градус кўтарилиши ёки томирининг одатдагидан бешта ортиқ уриши унинг ўрнига ҳар жиҳатдан тайёрланган бошқа космонавтни учириш учун кифоя эди. Космодромга жўнаб жетаётган ўртоқлар учишга мен каби тайёр турар эдилар. Старт белгиланган кун ва соатда, муайян дақиқада берилиши керак эди. Космодромга биз билан бир неча мутахассис врача ҳам жўнашди.

Учиш мўлжалланган кунга яқин Москвани айланиб келдим. Мавзолей ёнида турганимда бошдан кечирган ҳаяжоним космодромга етиб олгунимча йўл-йўлакай эсимга тушиб турди. Ҳаётда ҳал қилувчи қадам босишдан олдин Қизил майдонни, Кремлни, Ленинни бориб кўриш совет кишиларининг ички эҳтиёжи бўлиб қолган. Етуклик аттестатини олган йигит ва қизлар қўлмак ўзлашиб, ёрқин июнь кечаларида Қизил майдонда

юришади. Бундан йигирма йил илгари, даңшатли қирқ биринчи йилда Москва халқ лашкарларининг полклари фронтга жўнаш олдида Мавзолей ёнидан ўтишган. Совет юшилари Москвага қаердан ќелишмасин, Қизил майдонга албатта борадилар. Чет эллик дўстларимиз ҳам шундай қилишади.

Дарё қирғондан Кремль деворлари бўйлаб оҳиста қадам ташлаб юрдим. Спасск минорасининг курантлари занг урганда Қизил майдонни кесиб ўтдим. Қўлимни чеккамга қилиб, Мавзолей ёнида тўхтадим, қоровул қандай алмашинишини жўрдим. Каптарларнинг унишидан ва Кремль саройи устида шамолда ҳилпираб турган Давлат байроғининг шитирлашидан ором олиб, дунёда тенгги йўқ шаҳарни секин кезиб юрдим.

Теварак-атрофда баҳор яқинлигини сезган юшиларнинг тангир-гунгури эшитилиб турибди. Минглаб одамлар рўпарамдан келар ва мени ўзиб кетар әдилар. Ҳеч кимнинг мен билан иши йўқ эди, ҳали тарихда кўрилмаган жуда катта воқеага тайёргарлик кўрилаётганлигини ҳеч ким билмасди. «Ўйлаган ишимиз амалга ошганда халқимиз нақадар хурсанд бўлар экан!»— деган фикр хаёлимдан ўtdи.

Уша куни жечасиёқ космодромга учиб кетдик. Командиримиз, врач ва мураббиймиз, фавқулодда дилбар ва хушмуомала киши — Евгений Анатольевич ҳам биз билан бирга учиб кетди. Учувчилар соғлиғи ҳақида йигирма йилдан бери жон куйдираётган бу киши биринчи кунданоқ биз билан ишлаётган эди. Ўзи айтганидек, титмаган китоби қолмаганди. У ҳар биримизни ўзимиздан қўра кўпроқ биларди. Совет Иттифоқи Қаҳрамонларидан бири, кўпгина машҳур учувчиларни тарбиялаб етиштирган Николай Петрович Қаманин ҳам биз билан бирга космодромга учиб кетаётганлиги диморимизни чоғ қилмоқда эди.

Самолёт деразасидан ташқарида кўпирган булутлар паға-паға бўлиб ўйнар, баҳордагидек қори эриб пўрсиллаб турган, баъзи жойларидан эса ҳали қор кетмаган ер булутлар орасидан мўралаб турар эди. Пастга қарап эканман, ота-онамни, Валяни, Леночка ва Галинкани хаёлимдан ўтказдим. Учиб келганимдан кейин нима қилишимни кўз олдимга келтирдим, шу онда: ўқийман, деган қарорга келдим. Ёнимда энг қадрдан дўстим — Ижкинчи Космонавт ўтиради. У ажойиб учув-

чи, коммунист бўлиб, партия ташкилотимиз партияга ҳабул қилган, виждони пок, деярли болалардай хуш чақчақ эди. У ҳам настда физиллаб ўтаётган ерга қараб турарди, мен нимани ўйлаётган бўлсам, у ҳам, эҳтимол, ўшани ўйлагандир. Гоҳо кўзимиз кўзимизга тушар ва бир-бири мизни сўзсиз тушунганимиздан илжайиб қўярдик. Асабийлашмаслигимиз учун учишимизни олдиндан айтиб қўйиш гўё ярамайди деб ўйлаганлар беҳуда ҳадиксирашган экан. Мен ҳам, ўртоғим ҳам истаган тайтда «Восток» кабинасидан жой олишга тайёр турад, ёзимизни бардам сезардик.

Иккинчи Космонавт рўпарамда ўтирад эди, унинг йўчан чиройли юзига, кенг пешонасига, юзига салгина ушиб турган юмшоқ сариқ соchlарига тикилиб беихтиёр завқ қилиб турад эдим. У ҳам мендай машқ қилган, эҳтимол, мендан ҳам каттароқ иш қила олар эди. Уни бошқа, мураккаброқ учишга асраб, биринчи учишга обориши маётган бўлса ҳам ажаб эмас.

Космодромда бизни ютиб туришган экан. У ерда биз сўпгина таниш мутахассисларни ва Бosh Конструкторни чратдик. Космонавтика Теоретиги ҳам космодромга желди — космик сафар расчётларини тузишга раҳбарлик қилган машхур совет олимини ўзаро шундай ном билан жатар эдик. Космонавтика Теоретиги ҳамиша Бosh Конструктор билан бирга юрар эди. Бу одамлар ҳеч қаҷон гинчимаслигини тушунардик. Улар ҳамиша янгилик сидирадилар, ҳамиша жасорат кўрсатадилар. Совет фанининг ана шу икки паҳлавони ва уларнинг ягона дадил фикрини амалга ошириш йўлида ишлаган олимлар ва инженерларнинг катта коллективлари ижодий ҳамкорлик қилғанликлари туфайлигина космик җема вужудга келтирилган, унинг планетамиз атрофини айланиб Ерга эсон-омон җайтиб желиш йўли топилган эди.

Космодромга «Восток»ка старт берилиш олдидан ючиб келдик. Бу ердаги ҳамма нарса завқлантирас ва ма-роқлантирас эди. Бу ерда бошяланг бўлиб, фуражкани қўлда ушлаб юргинг келарди. Космик ракеталарни учирин ва уларни учайтган вақтида кузатиш учун ерга тартиб билан жойлаштирилган установкалар, эҳтимол, космик җеманинг ўзидан ҳам мураккаброқ бўлса керак.

Вақт тез ўтар эди. Эртага учамиз деган кун келди. Бизга тўла-тўқис дам беришди. Магнитофон ишлаб турад, ором берувчи ёқимли музика садолари теварак-

атрофга охиста ёйилар эди, кечқурун бир марта бильярд ўйнадик. Ўйин узоққа чўзилмади. Уч киши: доктор ва бизлар иккаламиз кечқурунги овқатни едик. Бир неча кундан бери «космосдагидай» овқатланар: тюбикларни қисиб, тотли, тўйимли овқатни оғзимизга тортардик. Учиш ҳақида сўзлашмадик, болалик давримиз, ўқиган китобларимиз, келажагимиз ҳақида гапиришдик. Суҳбат ҳазил-мутойиба тарзида борди, бир-биримизга тегишдик. Ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа қолмаганди.

Бош Конструктор кириб келди. У ҳар қачонгидай жонкуяр, очиқ кўнгил эди. Ҳеч нимани сўрамасдан шундай деди:

— Беш йилдан кейин касаба союз путёвкаси билан космосга учса бўлади.

Қаҳ-қаҳ уриб кулишдик. Қайфиятимиз унга ёқди. Бош Конструктор қўлидаги соатига қия қараб, тез чиқиб кетди. Унинг чеҳрасида ташвишдан нишон ҳам кўрмадим. У ўзига қандай ишонса, менга ҳам шундай ишонган эди.

Врач физиологик функцияларни қайд қиласидиган еттига датчикни баданимга ёпишириб қўйди. Бу иш узоққа чўзилади, ғашингни келтиради, аммо мен ўрганиб қолганман: машқлар вақтида баданимизга шундай датчикларни неча марталаб ёпиширишган эди.

Соат 21 дан 50 минут ўтганда Евгений Анатольевич қон босимини, температурани, томир тепишини текшириди. Ҳаммаси жойида — босимим: 115 билан 75, температурам: 36,7, томирим минутига 64 марта урмоқда.

— Энди ётинглар,— деди у.

— Ётгин дейсизми? Хўп бўлади,— қуллуқ қилиб жавоб бердим ва ўрнимга ётдим.

Мен ётган хонадаги иккинчи койкада Иккинчи Космонавт ҳам ётди. Бир неча кундан бери битта жадвалга мувофиқ яшар ва ҳар тўғрида эгизак ака-укаларга ўҳшардик. Ростдан ҳам ака-укалар эдик: эндиликда ўзимиз умримизни тиккан битта улуғ мақсад бизни қондош биродорлардай яқинлаштирган эди.

Икки-учта ҳазил гаплардан айтишдик. Евгений Анатольевич кириб қолди.

— Йигитлар, балки, ухлашингизга ёрдам бериш керакдир?— деб сўради у қордай оппоқ халатининг чўнтагига қўлини тиқиб.

Уйқу дори ичишдан баравар воз кечдик. Евгений

Анатольевичнинг чўнтағида, балки, уйқу дорилари бўлмагандир ҳам: дори ичишдан воз кечишимизга ишончи комил эди. У яхши врач бўлганидан ўз қарамоғидаги кишиларнинг эҳтиёжларини биларди. Боши оғриган бир учувчи Евгений Анатольевичдан пирамидон сўраганда, у сода порошогини берган, учувчи эса сода порошогини ичib, бош оғриғи таққа қолган, деган гаплар юрар эди.

Етти минутлардан кейин ухлаб қолибмиз.

Евгений Анатольевич ярим соатдан кейин биз ухлаб ётган хонага кирса, мен чалқанча ётиб кафтимни лунжимга қўйиб, донг қотиб ухлаётган эканман,— буни учуб келганимдан кейин айтиб берди. Иккинчи Қосмонавт ўнг ёнбошини босиб тинч ухлаб ётган экан. Кечаси доктор яна бир неча марта хонамизга кириб чиқибди, аммо биз пайқамабмиз, унинг айтишича, бирон марта ҳам ағдарилиб олмабмиз. Мен қаттиқ ухладим, мени ҳеч нарса безовта қилмади ва ҳеч нарса тушимга кирмади. Кечаси соат учда Бош Конструктор келипти, эшикдан қараб ва ухлаётганимизга ишониб, бир оғиз сўз айтмасдан кетипти. Бош Конструктор «Москва» журналининг сўнгги сонини қўлида қўтариб юрган эди, деб ҳикоя қилишди. У кўзига уйқу келмай, тун ярим кечадан ошганда ҳам ўқиб юрган экан.

Евгений Анатольевич мижжа қоқмай, тун бўйи уйнинг атрофида айланиб юрипти. Йўлдан ўтган автомашиналар ва бу ерга монтаж цехидан салгина эшитилиб турган товушлар уйқумизни бузмасин деб ташвиш қилипти; биз бўлсак янги туғилган чақалоқлардек ухлаб ётар, қулогимиизга ҳеч нарса кирмас эди. Буларнинг ҳаммасини кейин эшитиб билдик.

Соат 5 дан 30 минут ўтганда Евгений Анатольевич биз ухлаб ётган хонага кириб, елкамдан секингина тортиди.

— Юра, турадиган вақтинг бўлди,— деган овозни эшиитдим.

— Туриш керакми? Хўп бўлади...

Дарров ўрнимдан турдим; марварид гуллар ҳақида ўзимиз тўқиган шўх қўшиқни айтиб, Иккинчи Қосмонавт ҳам турди.

— Қандай ухладинглар?— доктор сўради.

— Үзингиз ўргатгандай ухладик,— жавоб бердим мен.

Одатдагидай жисмоний зарядка қилиб ювингандан кейин յонушта қилдик — трубалардаги қийма гүшт, қорагат қиёми, кофени истеъмол қилдик. Учишдан олдинги медицина назорати ва физиологик функцияларни текширадиган асбобларнинг қайд қилган маълумотларини текшириш бошланди. Ҳаммаси жойида экан, шу тўғрида медицина протоколи ҳам тузилди. Космик кийимларни кийиш пайти келди. Иссик, юмшоқ ва енгил, ҳаворанг комбинезонни кийдим. Сўнгра ўртоқларим ёрқин зарғалдоқ тусли ҳимоя скафандримни кийгизишга тушишди. Орбитада кема кабинаси ҳатто тешшилиб қолган тақдирда ҳам, бу скафандр ишлаш қобилиятини сақлаб қолишимга имкон берар эди. Скафандрдаги ҳамма асбоб ва аппаратлар ҳам текшириб олинди. Бу процедура анча узоқ вақтни олди. Бошимга оқ шлемофон, устидан — гермошлём кийиб олдим. Гермошлёмга «СССР» ҳарфлари йирик қилиб чиройли ёзилган эди.

Мени учишга кийинтирганлардан бири — хизмат кўрсатган парашютчи Николай Константинович эди. У космонавтларни парашютда мураккаб сакрашларга ўргатганди. Николай Константиновичнинг маслаҳатлари қимматли эди: у космик кемадаги креслога ўхшайдиган ва маҳсус парашют асбоби ҳам бўлган кресло билан самолётлардан бир неча марта катапульта қилган эди-да, ахир. Бу айниқса шунинг учун муҳим эди-ки, космосга биринчи учиш программасига мувофиқ, кема қўниш учун ноқулайроқ жойга тўғри келганда эҳтиёт шарти билан бир оз баландликда космонавтнинг кема бортидан катапульта қилиб тушиши, сўнгра ўз креслосидан ажралгандан кейин парашютда ерга қўниши варианти қабул қилинган эди. Кема эса нормал ҳолда қўнар эди.

Бош Конструктор келди. Уни ташвишланган ва чарчаган ҳолда биринчи кўришим шу бўлди — кечаси билан ухламай чиққанлиги таъсир қилган бўлса қерак. Шунга қарамай, унинг маҳкам юмилиб турган қаттиқ лаблари атрофида юмшоқ табассум ўйнар эди. Уни отамдай қучоқлаб олгим келди. Бир неча тавсия ва маслаҳатлар берди, бундай маслаҳатларни ҳали ҳеч қачон эшитмаган эдим, бу маслаҳатлар учиш вақтида иш бера оларди. Назаримда, космонавтларни кўриб ва улар билан сўзлашиб, тетикроқ бўлиб қолдим.

— Ҳаммаси соз бўлади, ҳаммаси жойида бўлади,— дедик биз Иккинчи Космонавт билан баравар.

Махсус жиҳозланган автобус келди. Мен «космик» креслодан жой олдим. Бу кресло космик кема кабинасиаги қулай креслога ўхшар эди. Скафандрда ҳавони янгилайдиган асбоблар бор, бу асбобларга электр энергияси ва кислород бериб турилади. Ҳавони янгилайдиган асбоблар автобусга ўрнатилган ток манбаларига уланган эди. Ҳамма асбоблар яхши ишлаб турар эди.

Автобус тош йўлдан учиб бораради. Жами йигирма миллион от кучига баравар келадиган қувватли олтита двигатель ўрнатилган ракетанинг осмон билан ўпишган кумуш ранг корпусини узоқдан қўриб турар эдим. Старт майдончасига яқинлашганимиз сайн ракета худди ўсгандай тобора катта кўринар эди. Ракета жуда катта маякка ўхшар, уфқдан кўтарилаётган қуёшнинг биринчи нури ракетанинг ўткир учида жилвалиниб турарди.

Об-ҳаво учиш учун боп эди.

Осмон мусаффо кўринар, фақат узоқлардагина патсимон булутлар марвариддай ялтираб кўринарди.

— Миллион километр баландликда миллион километр кўринади,— деган сўзни эшилдим. Фақат учувчи шундай дея олар эди.

Старт майдончасида Космонавтика Теоретигини ва Бош Конструкторни кўрдим. Бу уларнинг энг мاشаққатли куни эди. Улар ҳар қачонгидаи ёнма-ён турар эдилар. Уларнинг маънодор чеҳралари сўнгги ажинига-ча эрталабки ёруғда очиқ кўринарди. Космосга биринчи саёҳат ўтказадиган Давлат комиссиясининг аъзолари, космодром ва старт командасининг раҳбарлари, олимлар, етакчи конструкторлар, содиқ дўстим — Иккинчи Космонавт ва бошқа космонавт ўртоқларим ҳам шу ерда эди. Бошланётган янги куннинг ёруғ нурлари ҳамма ёққа таралмоқда эди.

— Қандай хушчақчақ қуёш!— хитоб қилдим мен.

Шимолда биринчи марта учганим, пушти ранг қор босган сопкаларнинг самолёт тагида тез юргани, кўлларнинг кўкимтири томчилари саҷраган ер, гранит қояларга урилиб турган кўмкўк совуқ денгиз ёдимга тушди.

— Нақадар чиройлия!— деган гапни беихтиёр айтиб юборгандим.

— Асбоблардан кўзингизни узманг,— деган эди ўша вақтда звено командири қатъий оҳангда.

Бу воқеага кўп вақт бўлган, энди бўлса эсимга тушди — ҳаяжон ўз йўлига, аввало ишни кўзлаш керак...

Тоқатсизлик кучая борди. Кишилар хронометрларга қараб турар эдилар. Ниҳоят, кема ўрнатилган ракета космосга учишга беками-кўст тайёр деб рапорт беришди. Космонавтни кабинага ўтқазиш, барча системаларни сўнгги марта текшириб кўриш ва ракетани учирин қолган эди.

Мамлакатимизда саноатнинг яхши танилган раҳбарларидан бири — Давлат комиссиясининг Раисига яқин бориб, шундай дедим:

— Учувчи Гагариң «Восток» космик кемасида биринчи учишга тайёр!

— Оқ йўл! Муваффақият тилаймиз! — деб жавоб берди у ва қўлимни маҳкам қисди. Унинг овози қаттиқ эмас, аммо хушчақчақ, ёқимли бўлиб, отамнинг овозига ўхшаб кетарди.

Мен кемага қарадим, шу кемада бир неча минутдан кейин мислсиз сафарга жўнаб кетишим керак. Кема кўркам эди, локомотив, пароход, самолёт, саройлар ва кўприкларнинг ҳаммасидан ҳам чиройли эди. Бу гўзаллик мангу бўлиб, бутун дунё кишиларига, келажакдаги ҳамма замонларга қолади, деган фикр хаёлимдан ўтди. Қаршимда техниканинг ажойиб самара-сигина эмас, таъсирили санъят асари ҳам турар эди.

Кема кабинасига лифтда кўтарилишдан олдин матбуот ва радио учун баёнот бердим. Барча маънавий кучларим тўлиб-тошганлигини яққол сезиб турар эдим. Табиат музикасини бутун вужудим билан эшитиб турар эдим: ўтларнинг оҳиста шитирлаши шамол шовқини билан алмашинди, шамол шовқини эса бўрон вақтида қирғоққа урилган тўлқинларнинг шов-шувига сингиб кетар эди. Вужудимда туғилаётган бу куй бошимдан кечаётган хилма-хил ҳисларни акс эттирас, илгари мен турмушда ҳеч қачон ишлатмаган қандайдир фавқулодда сўзларни вужудга келтирас эди.

— Қадрдан дўстлар, яқин ва нотаниш кишилар, ватандошлар, барча мамлакатлар ва қитъаларнинг кишилари! — дедим мен. — Бир неча минутдан кейин қудратли космик кема мени Коннотнинг узоқ фазоларига олиб кетади. Старт олдидаги шу сўнгги дақиқаларда

сизга жима десам экан? Бутун умрим ҳозир менга бир ажойиб дақиқага ўхшаб түйилмоқда...

Фикримни йигишириб олиш учун тұхтаб олдим. Үтган умрим күз олдимда намоён бўлди. Чўпонларга колхоз молларини боқишида ёрдам бериб яланг оёқ юрган болалик чофим эсимга тушди... Биринчи марта Ленин сўзини ёзиб, ўқиб юрган кезларим... Биринчи опокани тайёрлаган ҳунармандлик даврим... Диплом устида ишлаган студентлик чофим... Давлат чегарасини қўриқлаб юрган учувчилик даврим... кўз ўнгимга келди.

— Илгари ўтган ҳамма умрим, қилган ишим шу дақиқага бағишлиган эди,—«Сен биринчи бўлиб учсан» деб айтишгандан кейинги кунларда қайта-қайта ўйлаб қўйган шу гапларимни айтдим.

— Узоқ вақтдан бери зўр бериб тайёрланганимиз — синов соати жуда яқин қолган ҳозирги пайтда ҳисларни ажратиб тушуниб олиш қийинлигини ўзингиз тушунасиз. Тарихда биринчи бўлган шу учишни менга таклиф этишганда бошдан кечирган ҳисларимни айтиб ўтиришимнинг ҳожати бормикин? Йўқ, бу хурсандликнинг ўзгинаси эмас эди. Ифтихорми? Йўқ, бу ифтихорнинг ўзгинаси эмас эди. Мен катта бахтга сазовор бўлмоқда эдим. Космосга биринчи бўлиб бориш, табиат билан мисли қўрилмаган даражада яккама-якка олишишдан каттароқ нарсани орзу қилиш мумкинми?

Атроф жим-жит. Магнитофон лентаси худди шамолда ўтларнинг шитирлашига ўхшаш овоз чиқариб, айланиб туарар эди.

— Аммо, шундан кейин мен зиммамга тушган жуда катта масъулият ҳақида ўйлаб кетдим. Қишиларнинг авлодлари орзулаган ишни биринчи бўлиб қилиш, инсониятга космос йўлини биринчи бўлиб очиб бериш... Зиммамга тушган вазифадан кўра мураккаброқ вазифани айтиб беринг-чи. Бу бир ўзимнинг, ўнлаб қишиларнинг, коллективнинг олдидағи масъулиятгина эмас. Бу бутун совет халқи олдидағи, бутун инсоният олдидағи, шу инсониятнинг ҳозирги ва келажаги олдидағи масъулият эди. Шунга қарамай, бу учишга азм қилаётган эканман, унинг сабаби фақат шуки, мен коммунистман, орқамда ватандошларим — совет қишиларининг мислсиз қаҳрамонлик намуналари турибди.

Шу пайт Чапаев билан Чкалов, Покришқин билан Кантария, Курчатов билан Гаганова, Турсунқулов билан

лан Мамай... күз ўнгимдә намоён бўлди. Ҳа, уларгиңа эмас, балки барча совет кишилари чуқур ва покиза бир чашмадан — Ленин таълимотидан ҳаётий куч олиб келдилар ва олмоқдалар. Биз, космонавтлар ҳам, ленинчи Коммунистлар партияси тарбиялаётган бутун ёш авлодимиз ҳам ўша чашмадан қониб-қониб сув ичдик.

Бир лаҳза ўйлаб қолдим, фикримни тез йиғиштириб олиб, сўзимни давом эттиридим:

— Топшириқни аъло даражада бажармоқ учун бутун иродамни тўплайман деб биламан. Вазифамнинг масъулиятли эканлигини тушуниб, Коммунистик партия ва совет халқининг топшириғини бажармоқ учун кучим борича ҳаракат қиласман.

— Космосга учишга жўнар эканман, баҳтлиманими? Албатта, баҳтлиман. Ҳамма замонларда ва даврларда кишилар янги кашфиётларда қатнашишни юксак баҳт деб билганлар-да, ахир...

Мен микрофон устига қараб туар, устозларим ва дўстларим: Бош Конструктор, Космонавтика Теоретиги, Николай Петрович Каманин, азиз, дилкаш Евгений Анатольевич, Иккинчи Космонавтнинг очиқ чеҳралари ни кўриб туриб, гапирмоқда эдим...

— Космосга бу биринчи учишни коммунизм кишиларига, яъни совет халқимиз аллақачон қадам қўйган ва, мен ишонаманки, ер юзидағи ҳамма кишилар ҳам қадам қўядиган жамият кишиларига бағишлишни истайман.

Бош Конструктор секингина соатига қараб олганини пайқадим. Сўзни қисқа қилиши керак эди.

— Ҳозир стартгача саноқли минутлар қолди,— дедим мен.— Сиз, қадрдан дўстларга, кишилар узоқ сафарга жўнай туриб, ҳамиша бир-бирларига айтганидек, хайр дейман. Ҳаммангизни, танишларни ва нотанишларни ҳам, узоқ-яқинларни ҳам, қучоқлаб олгим келаяпти.

Кабинага кириладиган тунука майдончада туарар эканман, Ерда қолаётган ўртоқларим билан хайларишиб, иккала қўлимни кўтариб, табрикладим ва:

— Яқин орада кўришгунча хайр!— дедим.

Дала шамолининг ҳиди келиб турган кабинага кирдим, мени креслога ўтқазиши, эшикни овоз чиқармасдан ёпиб қўйишди. Қундузги қуёш нурлари билан эмас, балки сунъий нурлар билан ёритилган асбоблар ёнида ёлғиз ўзим қолдим. Кемадан ташқарида янада қиммат-

ли бўлиб қолган аиз Ерда нима қилишаётган бўлса, ҳаммасини эшитиб турардим. Тунука майдончани ҳам олиб қўйишиди, жимлик чўкди. Мен хабар бердим:

— «Ер», мен —«Космонавт»ман. Алоқани текшириб бўлдим. Бошқариш пультидаги тумблерларнинг бошлангич ҳолати — белгиланганича. Глобус — ажралиш жойида. Кабинадаги босим — бир, намлик — 65 процент, температура — 19 градус, хонадаги босим — 1,2, ориентация системаларидағи босим — нормал. Қайфиятим яхши. Стартга тайёрман.

Учишнинг техника раҳбари учишга бир ярим соатлик тайёргарлик эълон қилди. Сўнгра бир соатлик, ярим соатлик тайёргарлик эълон қилинди. Старт берилишига бир неча минут қолганда телевизион установка экранидага юзим яхши кўриниб турганини, тетиклигимдан ҳамма курсанд бўлаётганини ўзимга айтишиди. Томирим минутига 64 марта ураётганилигини, минутига 24 марта нағас олаётганилигини ҳам айтишиди.

Мен жавоб бердим:

— Юрагим нормал ураёттир. Ўзимни яхши сезаяпман, қўлқопимни кийдим, гермошлёмни ёпдим, стартга тайёрман.

Двигателларни ишга солиш ҳақидаги ҳамма командалар ўзимга ҳам эшитилиб турди.

Нихоят, учишнинг техника раҳбари команда берди:

— Подъём!

Мен жавоб бердим:

— Кетдик! Ҳаммаси жойида боряпти. Қайфиятим яхши.

Кўзим соатга тушди. Стрелкалар Москва вақти билан соат 9 дан 7 минут ўтганини кўрсатар эди. Визз этган шовқин ва тобора кучаювчи гувиллаш овози қулоғимга кирди, баҳайбат кеманинг бутун корпуси зириллаб, старт қурилмасидан оҳиста, жуда секинлик билан кўтарилаётганини сездим. Гувиллаш овози реактив самолёт кабинасида эшитиладиган шовқиндан қаттиқ эмас, аммо унда биронта ҳам композитор хотага олмаган шундай кўп янги куй ва оҳанглар бор эдики, буларни ҳеч қандай соз, ҳеч қандай одам овози гавдалантира олмаса керак. Ракетанинг бақувват двигателлари ўтмишида яратилган энг улуғвор қуйлардан кўра кўпроқ ҳаяжонлантирувчи ва ажойиб келажак қуйларини яратмоқда эди.

Ўта юкланишлар оша бошлади. Енгіб бўлмайдиган қандайдир куч мени креслога тобора қўпроқ қадаб қўяётганлигини сезиб турдим. Гарчи кресло вужудимни босаётган ғоят зўр юкнинг таъсирини жуда камайтирадиган қилиб ўрнатилган бўлса ҳам, қўл-оёқни қимирлатиш қийин эди. Бу ҳолат узоқча чўзилмай, кема тезлигини ошириб орбитага чиқиб олгунча давом этишини билардим. Ўта юкланишлар тобора ошаверди. «Ер» эслатиб қўйди:

— Ердан кўтарилганингизга етмиш секунд бўлди.  
Мен жавоб бердим:

— Сўзингизни тушундим: етмиш. Табиатим равshan. Учишни давом эттираётирман. Ўта юкланишлар ошиб бормоқда. Ҳаммаси соз.

Тетик жавоб бердим, ўзим бўлсам, наҳотки атиги етмиш секунд ўтган бўлса?— деб ўйлаб кетдим. Секундлар минутлардек узун эди.

«Ер» яна сўради:

— Үзингизни қандай ҳис қилаётирсиз?

— Кайфиятим яхши, сиздан сўрасак?

«Ер»дан жавоб беришди:

— Ҳаммаси жойида.

Ер билан уч канал орқали икки томонлама радиоалоқа қилиб турдим. Бортдаги калта тўлқинли передатчикларнинг частоталари 9,019 мегагерц ва 20,006 мегагерц, ультра қисқа тўлқинлар диапазонида эса 143,625 мегагерц бўлди. Радиостанцияларда ишлаб турган ўртоқларимнинг овозларини шу қадар равshan эшилдимки, улар худди ёнимда тургандай туйиларди.

Зич атмосфера қатламларидан ўтгач бош обтекатель ажралиб, қаергадир ён томонга учиб кетди. Иллюминаторларда узоқдаги ер юзи кўринди. Шу пайт «Восток» кемаси кенг Сибирь дарёси устидан учиб ўтмоқда эди. Дарёдаги оролчалар ва офтоб тушиб турган тайгали қирғоқлар баралла кўриниб турди.

— Нақадар чиройли-я!— ўзимни босолмай яна хитоб қилдим ва шу онда шаштим қайтди: табиат гўзалликларига маҳлиё бўлиб кетмасдан, зарур ахборот бериш — менинг вазифамдир. Бунинг устига. «Ер» шу заҳоти навбатдаги хабар беришни сўраган эди.

— Сўзингизни равshan эшиتاётирман,— деб жавоб бердим.— Табиатим равshan. Учиш яхши давом этмоқ

да. Ўта юкланишлар ошмоқда. Ер, ўрмон, булутларни кўриб турибман..

Ўта юкланишлар ҳақиқатан ҳам тобора ошмоқда эди. Аммо организм уларга секин-аста кўнига борди, ҳатто центрифугада ҳам бунчалик ўта юкланишлар бўлмагандай туйилди. Машқ қилган кезларимизда вибрация ҳам ортиқроқ бўлган эди. Хуллас, одамлар жуда ҳам муболага қилганича даҳшат йўқ экан.

Кўп босқичли космик ракета шу қадар мураккаб иншоотки, уни маълум ва машҳур кишилар ҳам бирон нарсага таққослашга қийналадилар, ҳолбуки ҳамма нарса таққослаш йўли билан билиб олинади. Ёқилғи ёниб тугагач ракетанинг ишлаб бўлган қисмига эҳтиёж қолмайди ва у, ортиқча юк бўлмаслик учун, автоматик равишда ажралиб кетади ва улоқтириб юборилади, ракетанинг қолган қисми эса учиш тезлигини ошира беради. Совет ракетасининг двигателлари учун енгил ва ихчам ёқилғи топған олимлар билан инженерларни ҳеч қачон кўрган эмасман. Аммо белгиланган орбита сари тобора юқорига жўтарилар эканман, шу пайт уларга раҳмат айтиб, қўлларини маҳкам қисгим келарди. Мураккаб двигателлар ғоят аъло даражада, Кремль курантидек аниқ ишлаб турарди.

Ракета босқичлари ўзидаги ёқилғи тамом бўлган сайин кетма-кет ажралиб кета берди, пировардида мен шундай хабар бердим:

— Топшириқка мувофиқ, кема учирувчи ракетадан ажралиб кетди. Қайфиятим яхши. Кабина параметлари: босим — бир, намлик — 65 процент, температура — 20 градус, хонадаги босим — бир, ориентация системаларидаги босим — нормал.

Кема космосдаги кенг йўлга, яъни орбитага чиқиб олди, муаллақлик бошланди — бу ҳолатни болалик давримдаёқ К. Э. Циолковский китобларидан ўқиб билган эдим. Аввалига бу ҳис ғалати туйилди, аммо унга тез кўнишиб, ўрганиб қолдим ва учиш ҳақида берилган программани бажара бердим. «Қизиқ, учаетганим ҳақида хабар беришса, Ердаги кишилар нима дейишар экан», деган фикрни хаёлимга келтирдим.

Муаллақлик — ҳаммамизга, Ердаги кишиларга бир мунча ғалати туйиладиган ҳодисадир. Аммо организм ҳамма аъзоларини жуда енгил ҳис қилиб, муаллақликка тез мослашади. Шу пайт менинг аҳволим нима бўл-

ди? Мен креслодан қўзғалиб, кабина шипи билан поли ўртасида осилиб қолдим. Бу ҳолатга ўтиш жуда текис борди. Гравитация таъсири йўқола бошлагач ўзимни жуда яхши ҳис қилдим. Бирданига ҳамма нарса енгил бўлиб қолди. Қўлларим ҳам, оёқларим ҳам, бутун вужудим ҳам гўё ўзимниги ўхшамасди. Уларнинг ҳеч қандай вазни йўққа ўхшарди. Утирганингни ҳам, ётганингни ҳам билмайсан, гўё кабинада осилиб, муаллақ турганга ўхшайсан. Қоқиб қўйилмаган нарсаларнинг ҳаммаси ҳам учиб юради; уларга қараб тураг экансан, худди туш кўраётгандай бўласан. Планшет ҳам, қалам ҳам, блокнот ҳам учиб юрар эди... Шлангдан тўкилган суюқлик томчилари эса шар шаклига кириб, фазода эркин ҳаракатланиб турди ва кабина деворларига текканда, гўё тулга шудринг ўтиргандай ёнишиб қолди.

Муаллақлик одамнинг ишлаш қобилиятига таъсир этмайди. Мен муттасил ишлаб турдим. Қеманинг асбоб-анжомларига қараб, иллюминаторлар орқали кузатиб турдим, борт дафтарини тўлдириб бордим. Мен скафандрнинг ичидаги туриб, гермоқўлқопни ечмасдан, оддий тош қалам билан ёзиб турдим. Ёзиш осон бўлди, борт дафтарининг қофозига жумлалар жетма-кет тушаверди. Қаерда ва қандай вазиятда эканлигимни бир дақиқа унутиб, қаламимни ёнимига қўйган эдим, у дарҳол ёнимдан учиб кетди. Мен қаламни «тутиб олиб» ўтирамадим, кўрганларимнинг ҳаммасини баланд овоз билан сўзлаб бердим, магнитофон эса сўзларимни айланиб турган камбар лентага ёзиб турди. Мен телефон ва телеграф орқали Ер билан бир неча канал орқали радиоалоқа қилишни давом эттирудим.

«Ер» пастда нима кўраётганигим билан қизиқди. Реактив самолёт жуда баландда учганда планетамиз қандай кўриниса, ҳозир ҳам тахминан ўшандай кўринмоқда, деб айтдим. Тоғ тизмалари, йирик дарёлар, катта сидирға ўрмоянлар, доғга ўхшаб туййиладиган ороллар, денгизлар бўйидаги қирғоқ линияси баралла кўринарди.

«Восток» беноён Ватанимиз устидан тез учиб бораради, мен Ватанимга нисбатан фарзандлардай жўшқини муҳаббат ҳис қилдим. Ватанимизга бутун дунё халқлари умид билан қараб тураг эканлар, биз, Ватан фарзандлари ўз мамлакатимизни севмасдан тура оламизми? Яқингинада қашшоқ ва қолоқ бўлган мамлакатимиз

Құдратли индустрисал ва колхозлашган давлатта айланған.

Коммунистик партия уюштирган ва тарбиялаган совет халқи әски дүнё кулини ўзидан қоқиб ташлаб, баҳодир құлларини ёзди ва Ленин очиб берген йўлдан олға қараб ҳаракатлана борди. Құдратли халқимиз партия раҳбарлигига меҳнаткашлар ҳокимиятини ўрнатди, дунёда биринчи Совет давлатини барпо этди.

Она-Ватан ўз фарзандларининг қаҳрамонлик намуналари билан бизни ўқитиб ўргатди, болалик давримиздан оқ энг яхши ва олийжаноб ҳисларини бизга сингдира борди. Бизнинг мамлакатимиздан ҳам каттароқ мамлакат ер юзида йўқ. Бизнинг мамлакатимиздан кўра бойроқ мамлакат йўқ. Совет Иттифоқидан кўра чиройлироқ мамлакат йўқ.

Ватанга садоқат идеяларининг энг қадимги тўплами бўлган «Игор жангномаси»ни болалик давримда мириқиб ўқиган эдим. Танаффус вақтларида синфдаги география картаси ёнида туриб, улуғ рус дарёлари: Волга, Днепр, Обь, Енисей, Амурниң мамлакатимизнинг құдратли вужудини кўк томирлардай чулғаб олганлигини томоша қилиш, узоқ саёҳат ва сафарларни орзу қилишни яхши кўрар эдим. Мана умримдаги энг катта сафарга чиқиб, ер шарини айланиб учмоқдаман! Уч юз километр баландликда учар эканман, менга космосни биринчи бўлиб кўриш ва кўрган-кечирганларимни кишиларга биринчи бўлиб ҳикоя қилишдек жуда катта баҳт берган партия ва халққа фикран ташаккур изҳор қилдим.

Мен булутларни ва уларниң узоқдаги азиз Еримизга тушган енгил сояларини кўрдим. Қайси бир лаҳзада ўзимни колхозчи ўғлидай ҳис қилдим. Тим қора осмон ҳайдаб қўйилган ва юлдузлар дони сепилган далаага ушшаб кўринди.

Юлдузлар худди қайта-қайта элаб сараланғандай тоза, ярқирап эди. Қуёш ҳам ниҳоятда ёрқин, унга оддий кўзни ҳатто қисиб ҳам қараб бўлмайди. Қуёш Ердан кузатганимиздагига қараганда, неча ўи марта, балки, юзларча марта ёрқин кўринарди. Қуюв цехида ишлаганимда эритилган металлни кўп кўрганиман. Қуёш шундай металldан ҳам ёрқин эди. Қуёш нурларининг кўзни қамаштирувчи нурларини сусайтиromoқ учун ил-

люминаторларга вақт-бавақт әхтиёт пардаларини тушириб қўярдим.

Ойни кузатгим, космосда унинг қандай кўрининини билгим келарди. Аммо афсуски, учган вақтимда Ой ўроғи мен кўрган доирадан четда эди. «Ҳечқиси йўқ,— деда ўйлаб кетдим,— уни келгуси гал учганимда кўрарман».

Осмонгиниа эмас, Ер ҳам кузатилди. Сув юзи қандай кўринади? Ҷалтираидиган қорамтири доғларга ўхшаб кўринади. Планетамизнинг шар шаклида эканлиги сезиладими? Ҳа, албатта! Уфққа қараб турганимда Ернинг ёруғ юзидан тимқора осмонга ўтишда кескин чегара борлигини кўрдим. Ер қуюқ рангдор бўёқлари билан кўзни қувнатар эди. Ер чиройли кўкимтири шуъла билан ўралган. Сўнгра бу шуъла секин-аста йўқолиб, феруза, кўк, гунафша ранг бўлиб қолади ва пировардида қопқора тусга киради. Рангларнинг шу тариқа жилваланиши жуда чиройли, нашъалидир.

Кабинага Ватанимиз куйлари кириб келди, қадрдон ашулачилар севган қўшиқларимдан бири — «Амур тўлқинлари»ни ижро этганликларини эшишиб турдим. Америкаликларнинг: «Одамга космик фазонинг қандай таъсир этишини ҳеч ким олдиндан айтиб беролмайди. Фақат бир нарса маълум — одам космосда зерикади ва ёлғизлик сезади» деб ёзганлари эсимга тушди. Йўқ, мен зерикмадим ва ёлғизлик сезмадим. Мен космосда учар эканман, ишлаб турдим, ўз мамлакатим билан бир жон-бир тан бўлиб яшадим. Радио, худди киндак каби, мени Ер билан боғлаб турди. Мен командалар қабул қилдим, кемадаги барча системаларнинг ишлаётгани ҳақида хабарлар бериб турдим, Ердан келган ҳар бир сўзда халқ, ҳукумат, партиянинг ёрдамини сезиб турдим.

Асбобларнинг кўрсатишларига ҳамиша диққат билан қараб тураг эканман, «Восток» кемаси қатъиян белгиланган орбита бўйлаб ҳаракатланиб, планетамизнинг қоронғи, ҳали Қуёш ёритмаган қисми устидан уча бошлаганини аниқладим. Кема сояга тез ўтиб олди. Дарҳол зимистон бошланди. Афтидан, океан устидан учиб ўтар эдим, чунки пастда чароғон шаҳарларнинг тилларанг милтиллаши ҳам кўринмас эди.

Ғарбий ярим шарни кесиб ўтар эканман, Колумбни хаёлимга келтирдим. Колумбнинг қийналиб ва машақ-

қат тортиб Янги дунёни кашф этганлигини, уни эса Америко Веспуччининг номи билан Америка деб аташганини, Веспуччи «Янги ерларнинг тасвири» деган китобининг ўттиз икки саҳифаси учун мангу ном қолдирганлигини ўйлаб кетдим. Бу тарихий хато ҳақидаги повестни бир вақт Стефан Цейг китобидан ўқиган эдим.

Америка ҳақида ўйлар эканман, бизнинг кетимиздан космосга чиқишига интилаётган йигитларни эсламасдан қололмадим. Мен нима учундир, Алан Шепардга бошқалардан кўра кўпроқ хайриҳоҳ бўлганим учуми, ҳар қалай уни биздан кейин космосга чиқади деб ўйлардим. Шепард ўзининг икки шериги каби Кореядажанг қилган эмас. Америкалик космонавтлар тинчлик ишига биз қилаётгандай хизмат қилишармикин, ёки уруш тайёрлаётгандарнинг қуллари бўлиб қолишармикин? Ер юзининг халқлари Никита Сергеевич Хрущевнинг оқилона тақлифини ўқиб олиб, бутун куч-ғайратларини умумий ва доимий тинчликка эришишга қаратсалар, қандай яхши бўлур эди.

Соат 9 дан 51 минут ўтганда автоматик ориентация системаси ишга солинди. «Восток» кемаси соядан чиққандан кейин ориентация системаси Қуёшни қидириб топди ва кемани Қуёшга тўғрилади (ориентация қилди). Қуёш нурлари Ер атмосферасидан ўтиб, уфқ ёрқин зарғолдоқ туsgа кирди, бу тус секин-аста камалакнинг ҳамма рангларига: ҳаворанг, кўк, гунафша; қора рангга ўтди. Рангларнинг бундай хилма-хиллигини тасвир этиб бўлмайди! Рассом Николай Рерих чизган расмларнинг худди ўзидаидек дейсан!

Соат 9 дан 52 минут ўтди. Горн бурни районида учар эканман, шундай хабар бердим:

— Учиш нормал бормоқда, ўзимни яхши сезаяпман. Бортдаги аппаратлар туппа-тузук ишлаб турибди.

Учиш графигига қараб текшириб кўрдим. Вақтга аниқ риоя қилингани. «Восток» кемаси соатига 28.000 километрга яқин тезлик билан учиб борар эди. Ерда туриб, бундай тезликни тасаввур қилиш қийин. Учган вақтимда на очлик, на чанқов ҳис қилдим. Аммо, белгиланган программага мувофиқ, маълум вақтда овқат едим ва маҳсус сув таъминоти системасидан сув ичдим. Медицина фанлари академияси ишлаб чиқсан рецептларга мувофиқ тайёрланган овқатни едим. Овқатни худди ердагидек тановул қилдим; фақат битта нарса ха-

лал берди, у ҳам бўлса шуки, оғизни кенг очиб бўлмае эди. Организмимнинг аҳволини Ердан гарчи кузатиб туришгани ўзимга маълум бўлса ҳам, юрагимга қулоқ солиб турардим. Муаллақлик шароитида томир тениши ва нафас олиш нормал, кайфим чоғ бўлди, фикр қилиш ва ишлаш қобилиятим тўла сақланди.

Комбинезонимга енгил, қулай датчиклар ўрнатилган эди, бу асбоблар физиологик параметрларни — юрак биотоклари, томир деворининг тебраниши — пульс ўзгаришлари, кўкрак қафасининг нафас ҳаракатларини электр сигналларига айлантириб турди. Кучайтирувчи ва ўлчовчи маҳсус системалар учишнинг ҳамма босқичларида нафас олиш ва қон айланишини таърифлаб берувчи импульсларни радиоканаллар орқали Ерга кўбориб турди. Шу тариқа, кайфиятимни ўзимдан кўра Ердагилар кўпроқ билиб туришди.

Ракета старт қурилмасидан ажралиб кетган пайтдан бошлаб, унинг барча мураккаб механизмларини ақлли автоматик системалар бошқараверди. Бу системалар рулни буриб, ракетани белгиланган траектория бўйича ҳаракатланишга мажбур этар, двигатель установкасини бошқариб, зарур тезлик берар, ракетанинг ишлаб бўлган босқичларини улоқтириб ташлар эди. Автоматика кема ичидаги зарур температурани сақлар, кемани фазода ориентировка қилас, ўлчов асбобларини ишлашга мажбур этар, бошқа кўпгина мураккаб масалаларни ечар эди. Шу билан бирга кеманинг учишини қўлда бошқариш системаси менинг ихтиёrimda бўлди. Зарур тумблерни ишга солиш билан «Восток» кемасининг учишини ва қўнишини бошқариш менинг қўлимга ўтар эди. Ер устида тез учидаги бораётган «Восток» кемасининг қаерда турганилигини бортдаги асбобларга қараб, яна бир марта текширишимга тўғри келар эди. Сўнгра кеманинг қўниш жойини мўлжаллашим, бошқариш дастасининг ёрдамила кема ориентациясини сақлашим ва зарур пайтда тормоз берувчи установкани ишга солишим керак эди. Ҳозир буларнинг ҳаммасига эҳтиёж қолмади — автоматика беками-кўст ишламоқда эди. Олимлар ҳамма ишни ўйлаб қўйган ва салмоқлаб кўрган эдилар.

Бош Конструктор бизга коемик кемалардаги ҳар бир деталнинг оғирлигини ва габаритларини камайтириш учун олиб борилаётган кураш ҳақида, автоматика соҳасида ишлаётган совет олимлари неча мингларча

Элементлари бўлган системаларни барпо этаётганликлари ўзгарувчи шароитга мослаша оладиган тез созланувчи қурилмалар ясаётганликлари ҳақида сўзлаб берган эди. У ёшларга хос завқ билан тапириб, бизга кўп элементли бошқариш системалари ҳақида сўзлаб берганди, лекин бу элементлар системанинг ниҳоятда пухта ишлашини таъминлайди.

Бу хотираларнинг ҳаммаси миямдан бир секунд чамаси ўтиб турди. Шуларнинг ҳаммасини эслар эканман, Баш Конструктор ҳақида ўйлай кетдим. Космик кемага ўз ақли, куч-ғайрати ва меҳнатини сарфлаган илмий коллективлар шу кема билан фахрлансалар арзиди.

Кемани қуришда қатнашган кишиларни тасаввур қилишга интилиб кўрдим, кўз ўнгимдан, Қизил майдонда Биринчи май намойишидаги каби, меҳнаткашлар саф-саф бўлиб ўтишди. Уларнинг лабораторияларда, заводларнинг цехларида ишлаётганликларини кўриб, қўлларини қисиб туриб, раҳмат айтсан яхши бўлур эди Ер юзидаги энг ажойиб нарса — меҳнат билан машғул бўлган киши-да, ахир.

Теварак-атрофимдаги дунёга энтикиб тикилар эканман, ҳамма нарсани кўришга, тушунишга ва маъносини билиб олишга ҳаракат қиласи ҳадиси. Иллюминаторларда ёрқин, совук юлдузлар олмос доналарига ўхшаб чақнааб жўринди. Бу юлдузлар ҳали узоқда бўлиб, эҳтимол, ўн йиллаб учиб боришга тўғри келар, лекин барибир улар Ердан кўра орбитадан анча яқин кўринарди. Халқнинг жуда кўп меҳнати ва пули сарфланган космик кема — давлатнинг бебаҳо хазинасини ўзимга ишониб топширишганини англаш қувончли ва бир оз ваҳимали эди.

Ишим мураккаб эканлигига қарамай, ўйламасдан туролмасдим.

Миямга ҳар хил фикрлар келиб турди, уларнинг ҳаммаси ҳам қандайдир ёрқин, шодиёна фикрлар эди. Учишдан олдин Москвани айланиб юрганим, унинг гавжум, хушнуд қўчаларида кезганим, Қизил майдонга келиб Мавзолей ёнида узоқ турганим эсимга тушди. Космик кема Ленин идеяларини бутун Ер бўйлаб олиб юраётгани хаёлимдан ўтди.

Соат 10 дан 15 минут ўтганда, Африка қитъасига учиб ўтишда тормоз берувчи движителни ишга солишга

борт аппаратларини тайёрлаш түғрисидаги командалар автоматик программ қурилмадан ўтди. Навбатдағи хабарни бердим.

— Учиш нормал бормоқда, муаллақлик ҳолатига яхши бардош бераяпман.

Сүнгра кема Конго устидан учиб ўтаётганини ўйладым. Бу мамлакатда мустамлакачиликка қарши мардонавор кураштан, ўз халқининг баҳт-саодати учун жонини фидо қылган Патрис Лумумбани империалистлар ваҳшиёна ўлдирған эдилар.

Аммо кўп ўйлашга вақт йўқ эди. Учишнинг охирги босқичи — Ерга қайтиш бошланди. Бу, орбитага чиқиш ва орбита бўйлаб учишдан ҳам кўпроқ масъулиятли давр эди. Мен шу босқичга тайёрлана бошладим. Мен муаллақлик ҳолатидан янги, эҳтимол, янада кучли ўта юкланишларга ўтишим керак эди; кема зич атмосфера қатламларига жиришда сирти жуда ҳам қизиб кетади,— мени шундай ҳодиса ҳам кутмоқда эди. Коғосста учишда шу чоққача ҳамма нарса Ердаги машқлар вақтида синганимизча ўтди десам бўлади. Хўш, учишнинг сўнгти, яқунловчи босқичида нима бўлади? Ҳамма системалар ҳам нормал ишлармикин, мени олдиндан кўринмаган бирор хавф кутмаётганмикин? Автоматика автоматикалигича қолади, аммо мен кеманинг турган ўрнини аниқладим, кемани бошқаришни ўз қўлимга олишга ва зарур бўлиб қолса — қўниш учун ўзим танлаган районга мустақил қўндириш учун кемани Ерга туширишта тайёр бўлиб турдим.

Бу учишда кеманинг ориентация системаси маҳсус датчиклар билан жиҳозланган офтобли система эди. Бу датчиклар Қуёшни «тутиб» олади ва унга ориентацияланиб, кемани муайян вазиятда сақлайди, шунга кўра, тормоз берувчи двигатель установкаси ҳамиша учишга йўналган бўлиб қолади. Соат 10 дан 25 минут ўтганда тормоз берувчи двигатель установкаси автоматик равишда ишга тушди. Бу установка аъло даражада, белгиланган вақтда ишлади. «Восток» кемаси жуда баландта кўтарилганига яраша, жуда баланддан тушаверади — кема тезликни секун-аста камайтириб, орбитадан оралиқ эллипсга ўтди. Кема зич атмосфера қатламларига кира бошлади. Кеманинг сирти тез қизиб кетди, кема сиртида авжига чиққан даҳнатли қипқизил алангани иллюминаторларга тутилган парда орқали кў-

риб турдим. Гарчи пастга қараға интилаётган олов гирдобининг ичида турган бўлсам ҳам, кабинадаги иссиқ атиги 20 градус бўлди.

Муаллақлик аллақачон йўқолиб жетди, тобора ошаётган ўта юкланишлар мени креслога қисиб қўйди. Ўта юкланишлар муттасил оша берди ва Ердан кўтарилишдагига қараганда ортиқроқ бўлди. Кема айланана бошлиди, мен буни «Ер»га хабар қилдим. Кеманинг айланиши мени безовта қилиб турди, лекин тез орада кеманинг айланиши тўхтади ва кейин пастга тушиш нормал борди. Барча системаларнинг аъло даражада ишлаганинига ва кеманинг белгиланган районга қўниш учун аниқ йўл олиб бораётганлиги равshan эди. Қувончим ичимга сиғмай, севган қўшиғимни баралла айтдим:

«...Тинглар Ватаним,  
Билар Ватаним...»

Учиш баландлиги тобора камаяверди. Кема Ерга эсон-омон етиб олишига ишониб, қўнишга тайёрлик кўрдим.

Ўн минг метр... Тўққиз минг... Саккиз... Етти...

Пастда Волга лентадай ялтираб кўринди. Улуғ рус дарёсини ва унинг қирғоқларини дарров танидим. Дмитрий Павлович Мартынов менга учишни Волга қирғоқлари тепасида ўргатган эди. Бу ердаги ҳамма нарса: кенг атроф ерлар ҳам, кўклам либосини кийган далалар ҳам, чакалакзорлар ҳам, йўллар ҳам, Саратов ҳам яхши таниш эди. Саратовдаги уйлар узоқда кубикларга ўхшаб тўп-тўп бўлиб турар эди.

Соат 10 дан 55 минут ўтганда «Восток» кемаси ер шарини айланиб чиқиб, белгиланган районга, Энгельс шаҳридан жануби-тарбдаги, Смеловка қишлоғининг яқинидаги «Ленинский путь» колхозининг шудгорлаб қўйилган даласига эсон-омон қўнди. Яхши романдагидай бўлди,— умримда биринчи марта қаерда самолётда учган бўлсам, ўша ерга космосдан қайтиб келдим. Ўша пайтдан буён қанча вақт ўтди? Атиги олти йил бўлипти. Аммо мезонлар нақадар ўзгариб кетибди. Шу куни мен икки юз марта тезроқ, икки юз марта баландроқ учдим. Совет қанотлари икки юз марта ўсади!

Қаттиқ ерга қадам қўйишим билан қўлида қизчасини кўтариб турган бир аёлни учратдим. Улар чипор бузоқ ёнида турар ва менга тикилиб-тикилиб қаарар эди-

лар. Уларнинг ёнига бордим. Улар менга қараб юришиди. Аммо менга яқин келишган сайин қадамларини сенинлатишиди. Мен ҳали ҳам ёрқин зарғолдоқ тусли скафандримни ечмаган эдим. Улар менинг фавқулодда кўринишимидан чўчишди шекилли. Улар бунақа нарсанни ҳали жўришмаган эди.

— Ўз кишингизман, ўртоқлар, ўз одамингизман,— дея қичқирдим мен, гермошлёмни олиб.

Улар ўрмончининг рафиқаси Анна Акимовна Тахтарова ва унинг олти ёшли набираси Рита эди.

— Ноҳотки космосдан келган бўлсангиз?— аёл уччалик ишонмасдан сўради.

— Худди шундай,— дедим мен.

— Юрий Гагарин! Юрий Гагарин!— дея қичқиришиди дала шийпонидан югуриб келган механизаторлар.

Космосга учиб ерга қайтганимдан кейин биринчи марта учратганим бу кишилар—оддий совет кишилари, колхоз далаларининг меҳнаткашлари эди. Биз қадрдан кишилардай қучоқлашиб кўришдик ва ўпишдик.

Тез орада офицер бошлиқ бир группа солдатлар келишиди, улар тош йўлдан юк машинасида ўтиб кетаётган эканлар. Улар мени қучоқлашибди, қўлимни қисишибди. Улардан кимдир бирор мени майор деб атади. Мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Родион Яковлевич Малиновский менга бир босқич оша навбатдан ташқари унвон берганлигини ҳеч сўрамай тушундим. Мен буни кутмагандим, ҳаяжонланганимдан қизаридим. Кимнингдир фотоаппарати бор экан, биз катта группа бўлиб суратга тушдик. Бу, учиб келганимдан кейин олдирган биринчи суратим бўлди.

Ҳарбий ўртоқлар скафандримни ечишга ёрдам беришибди, мен зангори комбайнезонимда қолдим. Кимдир бирор менинг ўз шинелини таклиф қилди, аммо мен йўқ дедим — комбинезон иссиқ ва ёнгил эди. Солдатлар космик кемага жуда қизиқиб қарапарди. Кема шудгорланган даланинг ўртасида, баҳор сувлари шарқираб оқаётган чуқур жардан бир неча ўн метр нарида тураган эди. Мен «Восток»ни синчиклаб кўздан кечирдим. Кема ва унинг ичидаги асбоб-анжомлар бусбутун, беками-кўст эди: улардан яна космосга учиш учун фойдаланса бўлар эди. Шодлигимдан теримга сигмай суюнار эдим. Космосга одам биринчи марта Совет Иттифоқида учи-

рилганлигини ва Ватанимиз фани янада олға қараб кетганинги англаң жуда хурсанд бўлдим.

Солдатлар космик кема ёнига қоровул қўйишди. Шу онда кутиб олиш группасининг мутахассислари ва космосга рекорд учишни қайд қиласидиган спорт комиссарлари тушган вертолет мени олиб кетгани келди. Улар «Восток» ёнида қолишидди, мен бўлсан ҳамма тўғрида Москвага маълумот бермоқ учун ўша группанинг команда пунктига жўнаб кетдим.

Қайтиб келишимни кутиб турган ўртоқларим ёнига етганимда Никита Сергеевич Хрущевдан менинг номимга телеграмма борлигини билдим. Партия Марказий Комитетининг Биринчи Секретари мени космос сафарининг тугаллангани билан қутлаган эди. Бир неча вақтдан кейин мени Сочи районида турган Никита Сергеевич Хрущев билан телефон орқали гаплаштиришиди. Таниш ва қадрдои овозни эшилдим. Бу умримдаги энг катта дақиқа эди. Самими гаплашиб кетдик.

— Мен гапингизга зўр қувонч билан қулоқ соламан, азиз Юрий Алексеевич,— деди Никита Сергеевич.

Одамнинг дунёда биринчи марта космосга учиши муваффақият билан тамомлангани ҳақидаги докладимга жавобан Никита Сергеевич мени табриклади, ўзими қандай ҳис қилаётганим билан қизиқди, хотинингиз, болаларингиз борми, онангиз ва отангиз ҳаётми, улар қаерда, нима иш қилишяпти, деб сўради.

Никита Сергеевич хайрлашар экан, шундай деди:

— Сизни чин кўнгилдан яна бир марта табриклайман. Москвада тезроқ учрашайлик. Сизга энг яхши истакларимни билдираман.

Космосдан Ерга қайтишнинг шу ҳаяжонли дастлабки соатларида таниш ва нотаниш дўстлар билан кўпгина шодиёна учрашувлар бўлди. Уларнинг ҳаммаси менга яқин ва азиз эди. Айниқса Иккинчи Космонавт билан учрашиш таъсирили бўлди. Иккинчи Космонавт бошқа ўртоқларим билан бирга космодромдан реактив самолётга тушиб, кема қўнган районга учиб келган эди. Биз қаттиқ қучоқлашиб кўришдик.

— Хурсандмисан?— деб сўради у мендан.

— Жуда хурсандман,— жавоб бердим мен,— келгуси сафар сен ҳам шундай хурсанд бўласан...

Ҳаммамиз Волга қирғоғига жўнадик ва узоқдаги кичкина уйга етиб олдик. Бу ерда мен душга тушиб

ювиндим, тушлик ва кечки овқатимни бира тўла еб олдим—бу гал ерда, ерга хос яхши иштаҳа билан овқатландим. Волга бўйида бир оз сайд қилганимиздан кейин Иккинчи Космонавт билан бильярд ўйнадик, умримнинг ана шу ажойиб куни — бир минг тўқиз юз олтмиш биринчи йил ўн иккинчи апрелини тугаллаб, ўринга ётдик, бир неча минутдан кейин ухлаб қолибмиз,— учиш олдидан қандай донг қотиб ухлаган бўлсак, ўшандай қотиб ухлабмиз.

\* \* \*

Космосга учишдан қайтгандан кейинги биринчи эртани ҳар галгидек жисмоний зарядкадан бошладим. Эрталабки гимнастика қилиш одатим зарурат бўлиб қолган эди. Бирон марта бўлсин бу гимнастикани менсимай қўйган эмасман. Бунинг устига бугун тетикроқ бўлишим керак эди, наинки олдимда катта кун, катта суҳбатлар, катта учрашувлар туарар эди.

Эрталаб соат 10 да Волга қирғоғидаги кичкина уйга «Восток» кемасини Ер атрофидаги биринчи сафарга отлантирган олимлар ва мутахассислар йигилишиди. Уларнинг орасида Бош Конструкторни ҳам кўриб севиниб кетдим. У илжаярди, юзи яшаргандек кўринарди. Энди, одам космосга чиқиб ва планетамизни айланаб учиб уйига қайтгач, ниҳоят, ҳамма нарса саранжом топгач, Бош Конструктор мени қучоқлаб олди, ўпиша кетдик.

Учган вақтимда кемадаги барча техник системаларнинг қандай ишлаганлиги ҳақида йиғилганларга биринчи доклад қилдим, Ер атмосферасидан ташқарида кўрган кечирганларимнинг ҳаммасини айтиб бердим. Сўзимни эътибор билан тинглашди. Қизиқиб кетиб, узоқ сўзлабман. Таассуротлар шу қадар кўп ва шундай фавқулодда эдики, уларни кишилар билан тезроқ ўртоқлашгим келарди. Хеч нарсани унтиб қолдирмасликка ҳаракат қилдим. Тўпланганларнинг ҳикоямга қизиқ-қанликлари чеҳраларидан кўриниб туарар эди. Сўнгра саволлар берила бошлади. Ҳар бир саволга мумкин қадар аниқ жавоб беришга интилдим, чунки бу космосни забт этиш йўлида кейин қиласиган ишларимиз учун жуда муҳимлигини тушунардим.

Мени олиб кетиш учун Москвадан маҳсус «ИЛ-18» самолётӣ учиб келди. Самолёт Ватанимиз пойтахтига

яқинлашиб қолганда ёнига қиравчи самолётлар саф тортиб, қўриқлаб келишди. Улар ўз вақтида ўзим ҳам учган чиройли «МИГ»лар эди. Қиравчи самолётлар бизнинг ҳаво кемамизга шу қадар яқин келишди, учувчиларнинг чеҳраларини очиқ-равшан кўриб турар эдим. Улар менга қараб илжайишарди, мен ҳам уларга табассум қилиб қўйдим. Пастга қарадим-у, о-ҳо деб юбордим. Москва кўчалари одамга лиқ тўлиб кетган эди. Пойтахтнинг ҳамма томонларидан одамлар дарёдай оқиб келар эдилар, уларнинг тепасида эса қизил байроқлар худди елкан каби ҳилпираб турарди. Одамлар Кремль томонга оқмоқда эди.

Самолёт шаҳарнинг асосий магистраллари устидан пастлаб учиб ўтиб, Внуково аэродроми сари йўл олди. Бу ерда ҳам кутиб олувчилар сон-саноқсиз эди. Аэроромда КПСС Марказий Комитети Президиуми, ССР Министрлар Советининг аъзолари ва Совет ҳукуматининг бошлиғи Никита Сергеевич Хрущев борлигини айтишди.

«ИЛ-18» самолёти белгиланган вақтнинг ўзида ерга қўниб, аэропортнинг марказий биноси олдига физиллаб келди. Мен янги майорлик погонлари тақилган чиройли офицерлик шинелини жийиб олдим, самолётнинг иллюминаторидаги аксимга одатдагидай қарадим, машина тўхтагандан кейин очиқ эшикдан трап орқали пастга тушдим. Кишилар тўлиб-тошган ва кўпдан-кўп гуллар билан безалган трибунани ҳали самолётда турган вақтимдаёқ узоқдан кўрган эдим. Самолётдан трибунагача чўғдай қизил пойондоз гилам ёзилган эди. Трибуна олдига бориш керак эди, боргандা ҳам ёлғиз ўзим боришим керак эди. Мен қадам ташлаб бордим. Ҳеч қачон, ҳатто космик кема ичиди турганимда ҳам, шу дақиқадагидек ҳаяжонланмаган эдим. Поёндоз жуда узун эди. Поёндоздан юриб борар эканман, таажжубдан ўзимни ўнглаб тутиб ололдим. Телевизион кўзлар, кинокамералар ва фотоаппаратларнинг объективлари остида олға қараб бора бердим. Менга ҳамма қараб турганини билиб турар эдим.

Оркестр: «Туғилғанмиз мұжизақор бўлиб, эртакни рўёбга чиқармоқ учун» деган қадимий авиацион маршни ижро этмоқда эди, шу марш садолари остида яна беш, ўн, ўн беш қадам юришим билан Марказий Комитет Президиуми аъзоларининг чеҳраларини танидим,

отамни, онамни, Валяни кўрдим, жонажон Никита Сергеевич Хрущевнинг далда бериб қараб турганига кўзим тушди. Никита Сергеевичга яқинлашиб ва қўлимни чаккамга кўтариб, рапорт бердим:

— Ўртоқ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи Секретари, ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси! Коммунистик партия Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг топшириғи бажарилганлигини Сизга хурсанд бўлиб маълум қиласман...

Баҳор гуллари хушбўй ҳид сочиб турибди. Чўккан сукунатда овозим дадилланганини билмай қолибман. Теварак-атрофда ўзимга яқин кишилар кўп эди, мен бўлсам, фақат биргина Никита Сергеевични кўриб турибман, рапорт сўзлари унда мураккаб ҳислар туғдираётганлигини кўриб турибман.

— Совет космик кемаси «Восток»да 12 апрелда инсоният тарихида биринчи бўлиб учиш муваффақиятли ўтди,— дейман, назаримда, Никита Сергеевич сўзимни чин кўнгилдан эшитмоқда эди.

— Кеманинг ҳамма асбоблари ва ускуналари пухта ва бешикаст ишлади. Ўзимни жуда яхши ҳис қилипман. Партиямиз ва ҳукуматимизнинг ҳар қандай янги топшириғини бажаришга тайёрман,— бир оз тўхтаб ўзими тақдим қилдим:— Майор Гагарин.

Никита Сергеевич шляпасини қўлига олиб, мени бағрига босди ва қадимий рус одатига кўра уч марта ўпид олди.

— Қутлайман! Қутлайман!— деди у, мен унинг жуда ҳаяжонланганлигини сезиб турар эдим.

Никита Сергеевич мени КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари билан таништириди, сўнгра отам, онам, Валя, ака-укаларим ва опа-сингилларим ёнига бошлаб борди.

Шу куни биринчи марта ҳаво қўкламдагидек илиқ ва ёқимли эди. Ҳукумат машиналари кетма-кет тизилишиб, Внуководан Москвага, Қизил майдонга йўл олди. Мен очиқ автомобилда Никита Сергеевич Хрущевнинг ёнида бордим. Йўлнинг бошидан охиригача икки томонга ғуж бўлиб тизилишиб турган халқ партия ва ҳукумат раҳбарларини табриклар, фан ва техникамизнинг мисли кўрилмаган муваффақиятини қутлар эди. Ўйларнинг пештоқларига қизил байроқлар, шиорлар,

транспарантлар осилган эди. Кишилар вимпелларни, гулдасталарни силкитиб турар эдилар. Оркестрларнинг садолари янграр эди. Катта ёшли кишилар болаларини елкаларига кўтариб олган эдилар.

Шу тантанали кунда кўрган-кечирганимни дунёдаги бирон киши ҳам бошдан кечирмаган бўлса керак. Мана Қизил майдон, яқинда, учишга отланаётганимда шу ердаги Мавзолей олдида турган эдим. Москва меҳнаткашлари Қизил майдонни лиқ тўлдиришди. Никита Сергеевич елкамга қоқиб, мени Мавзолейнинг гранит трибунасига олиб чиқди. У ҳаяжонланганимни кўриб турар, мени ҳеч бир хижолат тортмасин ва саросимага тушмасин, деб ҳаракат қиласин.

Митингни КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Марказий Комитет Секретари Фрол Романович Козлов очди ва дарров менга сўз берди. Нафасим тиқилиб қолди: ҳазилакамми, Қизил майдонда бўлаётган ҳамма гапларни мамлакатимизгина эшитмай, биринчи марта бутун Европа телевизорларига ҳам берилемоқда, радио бутун дунё учун ишламоқда эди.

Мен қисқагина тапиридим. Партия ва Ҳукуматимизга раҳмат айтдим, космик фазо сирларини дадил билиб олишга ёрдам берадиган шундай кемани яратган олимларимиз, инженерларимиз, техникларимиз ва ишчиларимизга миннатдорчилик изҳор қилдим. Ҳамма дўстларим, космонавт учувчилар ҳам истаган пайтда планетамиз бўйлаб учишга тайёр туриптилар, деб ишонч билдирганимдан кейин нутқимни қўйидаги сўзлар билан тугатдим:

— Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига ва унинг Никита Сергеевич Хрущев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитетига шон-шарафлар бўлсин!

Бу сўзларни майдонда тўпланган кишиларнинг ҳаммаси такрорлашди.

Кейин халқнинг гулдурос қарсаклари билан кутиб олинган Никита Сергеевич Хрущев нутқ сўзлади. Унинг нутқи совет кишиларининг қудратли ижодий кучларига, урушнинг хароб қилувчи кучларини меҳнат, ақл-идрок ва илм-фан енгишига чуқур ишониш руҳи билан сугорилган эди. Никита Сергеевич менга Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвон берилганлигини ва СССР космонавт учувчилини деган унвон биринчи марта берилаётганини эълон қилганида бутун вужудим

билан ҳаяжонланиб кетдим. Урушдан кейин ўсиб етишган ўшларимизнинг бутун авлоди болалик давриданоқ Ватан мукофотларига катта ҳурмат билан қарап эдида, ахир. Совет Йиттифоқи — ялпи қаҳрамонлик мамлакатидир. Халқимиз Олтин Юлдузни ботирлик, қўрқ маслик ва коммунизм ишига чексиз содиқлик символи деб бечиз атамайди. Йилдан-йилга қаҳрамонлар тўп юлдузида янги номлар пайдо бўлмоқда. Совет халқи шу қаҳрамонлар сафиға менинг номимни ҳам қўшиб қўйди, хурсанд бўлмасдан, ҳаяжонланмасдан тура олармидим...

— Жаҳонда биринчи космонавт совет кишиси бўлганлиги билан фахрланамиз,— деди Никита Сергеевич,— у коммунист, улуғ Ленин партиясининг аъзоси.

Бу сўзлар бутуни вужудимни яна бир марта ҳаяжонлантириб юборди, юрагимда қонимнинг юриб турган овозини сездим. Коммунист бўлиш буюк шарафdir! Кураш оловидан ўтмаган мендай ёш коммунист трибунада энг ажойиб ленинчи-курашчилар — КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари билан ёнма-ён туар эдим, Мавзолей ёнидан эса Москва меҳнаткашларининг колонналари ўтмоқда эди, уларнинг орасида ёш-у кекса коммунистлар оз эмас эди. Биз маслакдошлар эдик, коммунизм қуришга интилишимиз билан яқдил эдик.

Никита Сергеевич биринчи учишда космонавт дуч келадиган хавф-хатарлар ҳақида сўзлади,— буни ҳамма билар, аммо ҳеч ким баралла айтмаган эди. Никита Сергеевич Қизил майдонда рафиқам Валентина Ивановнани қутлаб, шундай деди: «Юрий Алексеевични космосга учишга жўнатиш маросими унинг учун охирги кузатиш бўлмайди, деб ҳеч ким тўла кафил бўлолмас эди-ку».

Кемани жиҳозлашда қатнашган ҳар бир мутахассис шундай узоқ ва ҳозирча яхши ўрганилмаган йўлда ҳамма ҳодиса рўй бериши мумкинлигини биларди, факат Бош Конструкторнинг ўзигина бутун саёҳат совет фанининг зўр тантанаси билан тугашига тўла-тўқис ишонган бўлса керак. У стартда ҳозир бўлган пайтида бошқа кишиларнинг ҳам, шу жумладан менинг ҳам ишончимни комил қила олган эди.

...Кишилар дарёси Қизил майдондан уч соат мобай-

нида гангур-гунгур ўтиб турди. Сўнгги колонналар ўтиб бўлгандан кейин Никита Сергеевич кўнглимни топиб, мени Мавзолейга, Ленин ёнига бошлаб кирди. Мен Ленинни ҳеч кўрмаган эдим. Биз Коммунистик партия ва Совет давлатига асос солган улуғ кишининг азиз қиёфасига тикилиб, саркофаг ёнида ҳукуматнинг саклаб турилди.

Биз баланд кунгурадор девор ёнида соқчилардай қотиб турган ўткир учли кумуш ранг оқ қарагай хиёбонларини ёқалаб ўтдик. Кремлда мени ҳаяжонланган оиласм кутиб тураган эди.

Кечқурун КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети одами дунёда биринчи марта космик фазога муваффақият билан учиринши таъминлаган олимлар, инженерлар, техниклар ва ишчиларнинг катта қаҳрамонлиги шарафига Катта Кремль саройида қабул маросими ўтказди, бу қабул маросимига бутун оиласмиз билан бордик. Ҳамма нарса фавқулодда ва чиройли эди. Фанфарлар овози янгради, терма хор ва симфоник оркестр «Иван Сусанин» операсидан «Шон-шуҳратларга тўл» куйини ижро этарди. Оиласмиздан бирон киши ҳам шу чоққача Кремлда бўлмаган, Георгиеvский залининг ялтираб турган оппоқ мармарларини кўрмаган эди.

Қабул маросимида Бош Конструкторни, Космонавтика Теоретигини ва космик кемани яратган бошқа кўпгина таниш мутахассисларни учратдим. Министрлар, Совет Иттифоқи Маршаллари, саноат ва қишлоқ хўжалиги илфорлари, машҳур ёзувчилар, журналистлар, спортчилар келишидди... Биз, гжатскликлар тез орада москваликлар орасида ўзимизни меҳмон деб билмай, катта бир оиласминг аъзоларидай ҳис қилдик.

Қабул маросимиning бошларида СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежнев Фармонларни ўқиб эшииттиргандан кейин кийимимга Ленин орденини ва Совет Иттифоқи Қаҳрамонининг Олтин Юлдузини тақиб қўйди, Никита Сергеевич Хрушев эса «Восток» космик йўлдош кемасини барпо этишда қатнашган жишиларнинг ҳаммаси ҳукуматнинг олий мукофотларига тақдим қилинади, деб айтди. Ижодий меҳнатлари билан мени шундай зўр тантана-га олиб келган ўртоқларимдан хурсанд бўлдим.

\*  
Космосга йўл! Шу йўлдан бориб, кишилар қадимдан орзу қилиб келган сафарга биринчи бўлиб чиқишдек катта бахтга эришдим. Инсониятнинг энг яхши мутафаккирлари юлдузлар сари машаққатли, қийин йўлни очиб келган эдилар. 1961 йил 12 апрелдаги учиш ўша йўлдаги дастлабки арслон қадамлардир. Аммо космосни ўзлаштириш ташаббускори бўлган совет халқи йилдан-йилга космосга тобора узоқроқ ва чуқурроқ кириб боради, бошқа дунёларга, Коинот планеталарига интилишимизни ҳеч нарса тўхтатолмайди. Космонавт ўртоқларим билан бирга мен ҳам мириқиб учаман, ҳар гал жонажон Еримиздан тобора юқорироқ ва узоқроқ учаман деб ишонаман. Совет кишилари ярим йўлда тўхтаб қолишга одатланган эмаслар-да, ахир.

Мамлакатимиз ёш авлодни, қаҳрамон Коммунистик партиясининг афсонавий тарихи, ижодкор ва яратувчи халқнинг меҳнат соҳасидаги қаҳрамонликларидан ибрат олиб, жонкуяр она каби тарбияламоқда. Ватанимиз шулар учун, мамлакатимизнинг ёш хўжайинлари учун, фазо ва вақтни забт этадиган шу кишилар учун энг яхши мактаблар ва стадионларни очиб қўйипти, дунёда энг яхши Москва университетини барпо этиб қўйипти. Бу университетдаги профессор Н. Е. Жуковский ҳайкалига «Одам... ўз мускулларининг кучига эмас, балки ўз ақлининг кучига таяниб, учади» деган башоратли сўзлар ёзиб қўйилган.

Советлар мамлакатининг ёшлари ажойиб келажакка дадил қарайдилар. Уларга коммунистик жамият қуришдай буюк баҳт мұяссар бўлди. Ҳар бир ёш совет кишисининг олдида катта ва жиддий таълим ва ишлар турибди. Мамлакатимизга инженерлар ва агрономлар, врачлар ва педагоглар, слесарлар ва тракторчилар кепрак. Бизда ҳар қандай касб эгаси учун қизиқарли ва фойдали иш топилади. Совет ёшлари — дунёда энг талантли ёшлардир. Тинч яратувчилик иши — коммунизм қурилишининг улуғвор мақсадларидан илҳомланган совет ҳалқининг юксак маънавий қиёфасидаги мардонавор хислатлар совет ёшларининг фидокорона мөхнатида намоён бўлмоқда.

Космосга биринчи учишнинг муваффақияти Ватанимизнинг бутун ёш авлодини шижоат ва мардликка

отлантиради. «Янгидан-яниги совет кишилари,— деди Никита Сергеевич Хрущев,— синаб күрилмаган маршрутлар бўйича космосга учиб борадилар, уни текширадилар, табиат сирларини янада очадилар ва уларни одамга, унинг фаровонлигига, тинчлик ишига хизмат қилдирадилар».

Ҳа, биз ҳаммамиз тинчлик учун ишлаймиз, биз тинч кишилармиз ва бутун умримизни,— сўнгги томчи қонимизгача, сўнгги нафасимизгача,— ажойиб социалистик Ватанимизга тикканмиз.

---

## МУНДАРИЖА

|  |     |
|--|-----|
| Смоленск области — туғилиб ўсган юртим . . . . . | 5   |
| Ишчилар синфининг сафиға . . . . .               | 18  |
| Мен учувчи бўламан . . . . .                     | 32  |
| Ватанга садоқат қасами . . . . .                 | 45  |
| Шимол шафаги ёруғида . . . . .                   | 66  |
| Биринчи сон тайёрлик . . . . .                   | 86  |
| 12 апрель чоршанба куни . . . . .                | 122 |

18  
ОС.п.ед. института

## ЎЗБЕКИСТОН СИЁСИЙ ВА ИЛМИЙ БИЛИМЛАР ТАРҚАТУВЧИ ЖАМИЯТИНИНГ ЛЕКЦИЯ-КИТОБЧАЛАРИНИ ЎҚИНГИЗ!

Китобчаларда кундалик сиёсат, халқаро муноса ўзган партия тарихи, фалсафа, тарих, адабиёт, санъат, педагогика, кимб, физика, геология, қишлоқ хўжалиги ва физикинг бошқа соҳаларига доир материаллар берилади.

Бу серияда йилига 60 китобча чиқарилади.

Қуйидаги китобчалар напр этилиб, сотишга чиқарилди:

1. С. А. Акрамов — Буюк ўзбек олимни Улугбек.
2. З. Иномжонов — Социалистик давлатчиликниң ривожланишидаги асосий йўл.
3. М. Шарифхажаев, П. Калякин. Ўзбекистонда коммунизм қурилиши кенин авж олдирилган даврда мәддуат узумдорлигининг ўсиши.
4. Б. А. Елисаветский — Социализм тантанаси даври.
5. М. Пикулин — Шармандали мустамлантичлик системасининг ҳалокати муқаррар.
6. К. Хотамов — Машҳур чўчқабоқар Жура Султонов ва бошқалар.

Бу китобчалари сиз китоб магазинларда, «Сой» печать» яноскаларида ва Матлубот кооперацияси магазинларда сотиб олишингиз мумкин.

**Автор Юрий Алексеевич Гагарин**

Таржимон В. Раҳимов  
Техредактор В. Зубовская

Редактор У. Мухамедов  
Корректор Ш. Фозилов

Теришга берилди 24/VI 1961 й. Босинига руҳсат этилди 7/VII-1961 й  
Қоғоз формати 84×108<sup>1/22</sup>. Физ. листи 4,875. Шартли босма листи  
7,995. Наприёт ҳисоб листи 8,3. Тиражи 25700. Нашр № 380  
Заказ № 1129. Баҳоси 24 тийин.

---

„Қизил Ўзбекистон“, „Правда Востока“ ва „Ўзбекистони Сурх  
бирлашган нашриёти ва босмахонаси. Тошкент, „Правда Восток  
кўчаси, уй № 26.

На узбекском языке

Ю. А. ГАГАРИН

Летчик-космонавт СССР, Герой Советского Союза

ДОРОГА В КОСМОС

(Записки космонавта)

Объединенное издательство  
„Қизил Ўзбекистон“, „Правда Востока“  
и „Ўзбекистони Сурх“  
Ташкент — 1961